

Матёқуб Қўшжонов, Сувон Мели

АБДУЛЛА ОРИПОВ




TOSHIDO TAU



0000001249

Матёқуб Қўшжонов
Сувон Мели

АБДУЛЛА ОРИПОВ



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2000

XX аср ўзбек адабиётининг забардаст намоёндаларидан бири Абдулла Ориповнинг сеҳрли ва юксак ғоявий шеърляти ўзининг мўъжизакор қудрати ва шиддатли жасорати билан минглаб қалбларни ҳамон ҳайратлантириб келмоқда. Ушбу китоб Ўзбекистон қаҳрамони, машҳур шоир Абдулла Орипов ижодий меросидағина эмас, балки бутун ўзбек шеърлятида алоҳида ўрин эгаллаган асарларининг талқини ва таҳлилига бағишланган.

Қатор шеърлар ва достонлар ижодкор маҳорати нуқтаи назаридан таҳлил қилинади, шоирнинг ўғминда асл баҳосини олмаган асарлари қайта ўрганилади, унинг ижодиға хос лирик ва фалсафий олам очилади, Навоий, Давте, Шекспир руҳи билан йўғрилган поэтик сатрларни бадиий қиммати аниқланади.

Китоб адабиёт мухлислари ва кенг ўқувчилар оmmasига мўйжалланган.

Қ 98

Қўшжонов Матёқуб. Мели Сувор.
Абдулла Орипов. — Т.: Маънавият,
2000. — 136 б.

1. Автордош.

83.3Уз

Қ 4702620204—2 — 8—00
М25 (04)—00

© «Маънавият» 2000

СЎЗ БОШИ

Беқиёс ватанимиз бор. Ажойиб халқимиз. У — шоир-табиат. Бу халқ вакилларининг туғилиб, эшитадиган овози назм бўлса керак. Назм билан унинг кўзи очилади, онги тикланади, камол топади.

Бу хислат унинг миллий руҳи билан боғлиқ. Бу халқ доим кўнглини изҳор қилиш, дардини кимларгадир етказиш эҳтиёжи билан яшайди. Хуллас унинг киттаси ҳам шоир, кичиги ҳам, шоҳи ҳам, гадоси ҳам.

Машраб, Муқимий, Фурқат, Аваз Утарлар шеър битганлар. Лекин унй кўнгил очиш воситаси деб тушунган эмаслар. Кўнгил очиш десалар, Алишер Навоий, Бобур, Умархон, Ферузлар бошқа йўллари излашлари мумкин эди. Ҳаёт йўлини танлашда бу сиймолар бирор нарсага муҳтож бўлган эмаслар. Улар ҳам қалам тебратдилар, шеър битдилар. Кўнгил розини шу тарзда халққа етказдилар.

Шахсий суҳбатлардан бирида Фафур Гулом: “Дунёда шеър айтмаган бирор кимсани топиш қийин. Жуда бўлмаса икки жумлани қофиялаштириб бир-бирига қўшади-да, хиргойи қилади. Шеър айтиш халқимизнинг азалий эҳтиёжидир”, — деган эди.

Фафур Гуломнинг бу сўзларида теран ҳақиқат бор. Бироқ ҳаммага ҳам табиат бир хил истеъдод бағишлайвермайди. Назаримда, шундай бўладики, маълум бир даврда миллион-миллионларнинг дард ва аламини ва кўнгил розини изҳор қилиш вазифасини бирор шахс зиммасига юклайди. Йирик шеърят султони шу тарзда майдонга чиқади.

Мазкур китобнинг “Сўзбоши” ва I—VII ҳамда XV боблари ЎзРФА мухбир аъзоси Матёкуб Қўшжоноз, қолган боблар адабиётшунос Сувон Мели томонидан ёзилган.

ОРИФ БОБО ҲУЗУРИДА

1995 йилнинг май ойи бошлари эди. Таклиф юзасидан Қашқадарё вилоятига келганман. Сафарга отланган пайтларимдаёқ бу вилоятдаги қадрдонларни кўриб кетишни кўнглимга тукканман. Улар ичида энг муҳими Ориф бобо эди.

Ориф бобо ҳузурига йўл олдим. Кетаётиб ўйлаб қарасам, уни кўрганимга йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Елкалари кенг, барваста полвонсифат эди у ўша пайтлар. Бу гал ҳам ўша таассуротим билан бор-ялман.

Ёнимда вилоятнинг етакчи раҳбарларидан бири Фармон Омонов. Йўлда Ориф бобонинг 90 ёшга етиб қолгани, бироқ ҳали анча тетик эканлиги ҳақида гап бўлди.

Манзилга — “Некўз” қишлоғига етиб келдик. Ҳовлининг икки бурчагига қурилган бугунги тушунчаларга нисбатан пастқам иккита уй. Унинг бир томонида Ориф бобонинг ўзи, иккинчи томонида катта ўғли Абдуҳалил истиқомат қилади. Абдуҳалил бизга пешвоз чиқди. Кўп ўтмасдан ўнг томондан оҳиста қадам ташлаб Ориф бобо ҳам чиқди. Унинг қомати ҳали ҳам расо, кўзларида нур ўйнаётгандек эди. Фақат илгаригига нисбатан бир оз озғин кўринар, қадамларини эҳтиёткорлик билан босар эди.

Бу учрашувдан олдин Фармон Омонов Ориф отанинг фазилатлари ҳақида гапирганди. Узоқ вақтлар эл хизматида тургани, ўзи яшаган қишлоқ ҳаётини кўтаришдаги меҳнатлари хусусида, шунингдек беҳад пок ва тозаллиги, камсуқум ва камтарлиги ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаганди. Мен Ориф бовани яхши билсам ҳам, вилоятнинг катта раҳбарларидан бундай фикрларни эшитиш анча мароқли эди.

Тўкин дастурхон атрофида ҳол-аҳвол сўрашишлардан сўнг, Фармон Омонов Ориф ота ҳақида айтганларини тасдиқламоқчи бўлгандек, у кишини суҳбатга тортди.

— Қани, Ориф ака, домла сизни зиёрат қилгани

келибдилар. Сиз кўпни кўрган оқсоқолларимиздансиз. Энди бир суҳбатингизни оламизда, — деди.

Мен Ориф ота хижолат тортмаслиги учун:

— Отани мен яхши биламан, бу кишининг кўп хислатлари билан танишман, — дедим.

Фармон Омонов менга қараб:

— Сиз эшитмаган гаплар ҳам бордир, — деди, — Шароф Рашидович билан охирги гал учрашганингизни гапириб беринг, — дея отага юзланди.

— Э-э, ўгиб кетган гап, уни кўпчилик билади, — деди-да, шошмасдан гап бошлади.

1983 йилнинг куз кунларидан бири Шароф Рашидов Қаршига борибди. Бу унинг Қаршига охирги келиши экан. Косон туманида катта йиғилиш чақирибди. Шу ерга келиб Ориф бувадан хабар олмасдан кетишни эи кўрмабди-да, йиғилишдан олдиқ уни ўз ҳузурига таклиф қилдирибди. Суҳбат қуюқ бўлибди. Гап кўпроқ Қашқадарё вилояти ва у ерда кейинги йилларда рўй бераётган янгиликлар ҳақида бўлибди. Суҳбат охираётган пайтда Шароф Рашидов Ориф отага дебди:

— Ориф ака, мен шу юртнинг каттасиман, яъни ношшосиман, бирор камчилигингиз бўлса айтинг, сизга ёрдам берай.

— Худога шукр, ҳеч қандай камчилигим йўқ, — дебди бува.

— Битта «Газ-24» берайлик, ўғиллар миндириб юришсин.

— Йўқ, ташвиш қилманг, мошинга миниб қаёққаям борардим.

— Ундай бўлса, янги уй қурдириб берай, олдини боғ қилиб олинг.

— Йўқ, худога шукр, уй-жойим бор, боғим ҳам...

Шароф Рашидов озгина жимликдан кейин:

— Майли, кўчаларингизни асфальт қилдириб берамиз, — дебди.

Яшин тезлигида бир фикр хаёлимдан ўтди. “Бу таклифга Ориф ота йўқ демаган бўлса керак”. Аммо Ориф ота:

— Йўқ, — дебди, — кўчаларимиз яхши, текис, юрса бўлади.

Ниҳоят:

— Пенсиянгиз қанча, озмасми, кўпайтириб берай, — дебди Шароф Рашидов.

— 90 сўм оламан, ўзимга етади. Болаларим ҳаммаси ўзига тинч, — жавоб қилибди Ориф бобо. — Невара-

ларим ҳам менинг олдимга буш келишмайди. Аммо мен ҳам уларни қуруқ қайтармайман.

— Ҳеч нарса керак эмасми, ҳеч нарса сўрамайсизми?— дебди Шароф Рашидов ажабланиб.

— Сўраймиз, албатта сўраймиз. Қаршига, Қашқадарёга ёрдам қилинг, бизга ёрдам қилганингиз бўлади.

Шароф Рашидов бир оз сукутга берилибди. Хиёл жилмайибди. Ўрнидан туриб:

— Юзга киринг, Ориф ака!—деб бува билан ота боладек хайрлашибди.

Шароф Рашидов умрида кўп одамлар билан учрашган, ҳамсуҳбат бўлган. Кўпчиликнинг арз-додини ҳам эшитган. Ким билсин бу пайт унинг хаёлидан нималар ўтди экан. Бундай камсуқум ўз нафсини тия биладиган одамларни учратиш ҳадеганда бўлавермайди.

Ориф отанинг чеҳраси очилди, ўзига хос жилмайди. Шароф Рашидов билан бўлган ўша суҳбатга ўзи ҳамон бепарводек қиёфага кирди-да:

— Шароф Рашидов менга “юзга киринг!” деган. Юзга киришни умид қилиб юрибман, — деди.

Шу билан бу мавзудаги суҳбат тамом бўлиб, қишлоқ ҳаёти, Қўнғиртов қисмати, ер-сувларнинг аҳволи, ҳаётда рўй бераётган янгиликлар, хусусан қўлга киритилган мустақилликнинг келажаги ҳақида фикр олишувлар бўлди. Хусусан Қўнғиртовнинг қисмати бу ердагиларнинг дилини безовта қилиб турган масалалардан бири эканлигини англадим. Бунга ҳар хил важ ва сабаблар ҳам топишар эканлар. Бировлар унинг тупроғидан ўғит сифатида фойдаланса, бошқа бировлар қурилиш ашёси сифатида... Бу мавзудаги суҳбатларни Абдуҳалил бошқарар эди. Ориф ота ва унинг ўғиллари, неваралари билан мароқли суҳбатимиз анча давом этди. Эл-юртимизнинг файзи бўлган бундай пиру бадавлат отахонларимиз билан қанча кўп суҳбатлашсанг, шунча кўнглинг кўтарилади. Улар қалбидаги улуғлик теранлик сеҳрини ҳис этасан.

Дастурхонга фотиҳа тортилиб, ўрнимиздан турдик. Қарши шаҳри томон бораётиб, хаёлимни бир ўй банд этди. Биз худо берган ҳар хил дарахтларда пишадиган мева-чеваларни истеъмол қиламиз. Бироқ унинг тубига, илдизига эътибор қилавермаймиз. Ўйлаб қарасам, Абдулла Ориповнинг шеъриятидаги маънодорлик, инсонийлик, ватанпарварлик каби олий ҳислатлар у туғилиб ўсган, тарбия топган муҳитга боғлиқ экан. Бу муҳитда Ориф отанинг етакчи ўринда туриши маълум.

Яқинда Ориф бобо салкам юз ёш умр кўриб, оламдан ўтдилар. Шу муносабат билан республикамиз Президенти Ислом Каримов шоирга таъзия билдириб, шундай мактуб йўлладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВГА

Қадрли биродарим Абдуллажон!

Бошингизга тушган оғир жудолик — падари бузрукворингиз Ориф отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлигимни қабул қилинг.

Улим ҳамиша барҳақ, бандаси учун Аллоҳнинг иродисига итоат этмоқлик фарздир. Ўзбек халқига Сиздек оқил фарзандни тарбиялаб берган саховатли ва бағри кенг инсон хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз.

Сизнинг отангиз қарийб бир асрлик баракали умри давомида юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, дўсту ёрларнинг хотиржамлиги йўлида оддий бир заҳматкаш инсон сифатида ҳалол ва холис хизмат қилди. У киши беминнат очган ариқлар, яратган боғлар, энг асосийси, камолга етказган фидойи фарзандлар ана шу мазмунли умрнинг узвий давомидир.

Бугунги қайғули дамларингизда Сизга, оила аъзоларингизга, қариндош-уруғларингизга Яратгандан сабар бардош тилайман. Фарзандларнинг камолини, юртимизнинг озодлигини кўришдай саодатга мушарраф бўлган отанинг, иншооллоҳ, армони йўқдир. У кишини Аллоҳнинг ўзи раҳматига олган бўлсин.

Сизга ҳурмат билан:

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

II

ИСТЕЪДОДНИНГ ТУҒИЛИШИ

Ҳаётда шундай одамлар борки, улар ўз ҳунари ва касб-корини нуридийдаси қаторида қадрлайди, ардоқлайди. Уларнинг тириклиги ҳунар-илми ёки санъати билан боғлиқ. Севган ҳунарсиз — санъатсиз ҳаёт улар учун ўз маъносини йўқотади. Бунинг сабаби шундаки, бу хилдаги одамлар учун санъат — унинг қайси турида бўлишидан қатъи назар — яшаш қуроли, кураш воситаси, ўзлигини намойиш қилиш, жўнроқ қилиб айтганда, ҳаётда борлигини англатиб туриш белгисидир. Абдулла Орипов учун шеърият шу даражада қадрли.

Сир эмас, шоирлар борки, касбдош дўстларидан битта-иккита танбеҳ эшитса, дарҳол бошқа йўлга тушиб олади. Абдулла Орипов типидagi шоирларни бирор куч ёки таъсир билан шеъриятдан узоқлаштириб бўлмайди. Бу хилдаги шоирлар учун шеърият бамисоли ҳаво, ундан нафас олиб туриши заруратдир.

Абдулла Орипов ким? Шахс сифатида у қандай одам? Аждодлари ким? Шундай савол қўйиб, бунга жавоб бериш риторикадек. Бироқ нимагадир мантиқ шу риторикани талаб қилаёттир.

Катта анжуманларда, адабий йиғилишларда жуссаси ихчам, қорапаранг, кўринишда ёш йигитлар қиёфасини эслатадиган, бироқ дилига олам-олам маъно жойлаган, ташқи кўринишига мос келавермайдиган янгроқ овозли шоирни кўриб эшитиб юрамиз. Бу йигит шеър ўқиганда катта хонанинг шиплари яна ҳам юқори кўтарилгандек, деворлари ўринларидан қўзғалиб, кенгайгандек бўлади. Бу — Абдулла Орипов. Ешлар унинг номини тилга олганда алоҳида ҳурмат билан “Абдулла ака” дейишади. Катталар эса ўзлари қаторида кўриб “Абдулла Орипов” деб атайдилар.

Ўзбек китобхони, республикамиздаги, ҳатто ундан ташқаридаги адабиёт мухлислари Абдулла Орипов номига ўрганиб қолишган. Ўзаро суҳбатларда адабиёт ҳақида сўз очилиб қолгудек бўлса, унинг номи фахр билан тилга олинади. Ҳар ким унинг ижодидан ўзига ёққан шеърни эслайди, ҳатто унинг ижодидаги ўзига маъқул қирралар ҳақида фикр-мулоҳазаларини изҳор

қилинганга уринади. Абдулла Орипов номи билан газета ва журналларда эълон қилинган янги шеърлар анча чиққанлар огизга тушиб юради. Кўпчилик бу шеърлардан нималариндир ёқтиради, баъзилар эса кўнгли тўлмаганини ҳам айтишади. Хуллас, Абдулла Ориповнинг аксарият шеъри маданий ҳаётимизда сезиларли воқеа сифатида майдонга келади.

Абдулла Ориповнинг талай шеърлари ёд бўлиб қолган. Баъзи шеърларига бастакорлар куй бағишлашади. Ҳофизлар алоҳида ҳис ва ҳаяжон билан ашула қилиб айтадилар.

* * *

Истеъдодлар доим халқ назарида бўлишади. Ҳатто, у ким, қаерда туғилган, ўзини қандай тутади, кимлардан узоқ, кимларга яқин эканлигигача эътибор беришади. Оиласи ким, у ўқиб ўсган муҳит қандай, бу билан ҳам қизиқишади.

Аксари истеъдодли шоирлар ҳаёт қайнаган гавжум шаҳарларда туғилиб, тарбия оладилар. Қандайдир адабий тўғараклардан таъсирланиб, қандайдир истеъдодлар борлигидан илҳомланган бўладилар. Абдулла Орипов бу хилдаги ҳаётнинг гавжум жойида туғилиб ўсган эмас. У туғилиб ўсган муҳит оддий меҳнаткаш оиласи. Оила бошлиғи — Ориф ака кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига бой, ҳар бир кўрган-билгани ва эшитганини ақл тарозисига солиб ўлчай оладиган, фаҳм ва фаросатда ўз тенгқурлари ва ҳамқишлоқлари ичида обрўга эга бўлган бир сиймо.

Ёш Абдулла — бўлажак шоир учун бунинг аҳамияти катта эди. Бунинг устига, назаримда Ориф ака ўзига хос интеллектуал шахс. У анча донишманд, илм-урфон қадрини биладиган маърифатчи. Шу сабабдан бўлса керак, унинг фарзандлари ҳар хил соҳадаги етук шахслар — бири ўқитувчидан чиққан катта хўжалик раҳбари, яна бири одий ўқув юртида дарс берадиган олим — профессор, учинчи бири етук тарихчи — файласуф. Оиланинг кичиги — Абдуллага эса шеър битиш “касби” насиб қилибди. Ориф ака фарзандларининг номини тилга олганда фахр билан гапирди. Кенжа ўғли Абдуллага гап келганда эса, қисқа ва лўнда қилиб “шоир болам” деб қўя қолади.

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Қарши шаҳрини кўрганлар оз эмас. Унинг ғарб томонида, шаҳар-

дан анчагина чеккада Некўз деб аталадиган оддийгина қишлоқ бор. Абдулла Орипов оиласи истиқомат қиладиган жой мана шу. Тасаввур қилиш мумкин: Абдулла ёшлигида ҳамма ўзбек болалари сингари яланг оёқ қишлоқнинг чанг-тўзон кўчаларида югуриб-елиб, мана шу заминдан қувват олиб ўсган, улғайган. Табиийки, шоир ёшлигидан меҳнатга ўрганани — ер чопари, мол боқари — хуллас тирикчилик нима эканини ўша қишлоқда англай бошлайди.

Некўзнинг шарқидан унча балад бўлмаган, кўпроқ йирик тепаликни эслатадиган эски тоғ ястаниб ётибди. Уни некўзликлар Қўнғиртов деб атайдилар. Мабодо бирор сабаб билан Некўзга бориб қолсангиз, Абдулла Орипов сизни, албатта бу кўҳна тоққа олиб чиқари ва: “Мен шу тоғда мол боққанман, қўй ҳайдаганман, мана бу тоғ қавакларидан қаттиқ шамол ва ёмғирлардан бекинган пайтларим бўлган”, — деб алоҳида ҳаяжон билан бутун тоғни нигоҳдан ўтказари.

Эҳтимол, ижодида кейинчалик машҳур бўлган “Ватаним маним...” деган муқаддас тушунчалар Абдулла Орипов дилида ўша болалик чоғлари — Қўнғиртовда қўй боқиб юрган кезлари туғилгандир.

Қўнғиртов тепасидан Қарши кенгликларида хос чексиз уфқнинг қирралари сизни узоқ-узоқларга олиб кетари. Бу кенгликлар, албатта, ёш Абдулла хаёлини доим банд қилган. Унинг ижодига хос ҳаётини кенглик ўша кенгликларнинг инъикоси эмасмикин, деган фикрлар хаёлингиздан ўтари.

* * *

Ўйлаб кўрсам, мен Абдулла Ориповнинг адабиётга кириб келган кунларидан бошлаб, унинг ижод томон қўйган қадамларини кузатиб келаётган эканман.

Эллигинчи йилларнинг охирилари. Тошкент Давлат университетининг филология факультети қошидаги адабиёт тўғарагида ҳали ёш, ҳатто мурғак йигитча Абдулла ўқиган биринчи шеърлар ҳамон эсимда. Ўша вақтдаги шеърларидан бири “Арча” деб аталган эди. Мана бу шеърнинг мазмуни:

Қояларнинг тўшидан олиб, тошйўнар уста тегирмон тош ясамоқчи. Нима бўлади-ю, қоядан ажратиб олаётган тош қулайди, пастга тушиб ёш арчани поймол этади. Арчанинг аҳволи ачинарли эди — унинг мажруҳ танаси тош тагидан боқарди. Вақтлар ўтди. Тошйўнар устанинг йўли яна шу қоя томон тушди. У кўрди:

Ўнгириларда бўй чўзган буюк
Водийларга ажиб бир гултож —
Мана мен, деб турарди арча,
Кўтарганча бошларида тош.

Абдулланинг ҳали студентлик чоғларида ёзилган бу шеъри учун танланган воқеада бир оз сунъийлик сезилса ҳам, унда катта мажозий маъно бор: ҳаётга интилаётган буюк табиат, бошига ҳар қанча кулфат тўшмасин, “енгаман, ўсаман, кўркама бўламан”, дейди. Бу ёш шоир содиқ бўлган ҳаёт фалсафаси, табиат фалсафаси эди.

Кичик бир шеърга шу катта маънони сиғдириш учун ҳаётда олға боқадиган, олға боқиб узоқларни кўрадиган, энг муҳими, кузатилган воқеадан тўғри ва зарур маъно чиқара биладиган истеъдод бўлиш керак эди. Абдулла Орипов студентлик чоғлариданоқ ўзини шундай истеъдод эгаси сифатида кўрсатди.

“Арча” Абдулланинг университет тўғарагида ўқилган биринчи шеъри. Лекин у шоирнинг илк шеъри эмас. У илк шеърларини ҳали мактабда юрган пайтларидаёқ ўз тенгдошлари орасида айтиб юрган ва ёзган ҳам. Шоирнинг акаси профессор Абдураззоқ Орипов ҳикоя қилади:

“Мактабимизда шеъриятга қизиқадиганлар, ҳатто, шеър айтадиганлар жуда кўп бўларди. Шеър айтишда мусобақалар ҳам бўлиб турарди. Бу мусобақаларда ўрин талашадиганлар талайгина бор эди. Бироқ улоқни ҳаммамиздан олдин ёш Абдулла олиб кетарди. Бунинг сабабини бошқалардан кўра мен кўпроқ билардим. У ҳали болалик чоғларидаёқ шеър ёдларди. Ҳатто, Алишер Навоийнинг мураккаб шеърларини ҳам тез ёдлаб олиши мени ҳайратларга соларди”.

“Арча”-ку муваффақиятли топилган митти сюжет асосида яратилган шеър. Бу хилдаги сюжет доим ҳам топилавермайди. Шоир ўз сози, ўз туйғуси билан истаган шаклда фикр айта билиши керак. Абдулла Орипов шу йўлда узоқ изланди.

Гоҳо хаёл дарёсида жим
Ўтказаман тунларни бедор,
Баъзан ғализ жумла устида
Соатлаб бош қотирганим бор.

Абдулланинг “Учқун” (1957) деб аталган шеъридан олинган бу мисралар ёш шоирнинг қай даражада шеър

риятга йўл излагани, йўл топила бермаган пайтларда қай даражада дард ва алам устида ёнганини кўрса тади.

Абдулла Орипов учун энг катта мактаб ҳаёт эди. Болалик чоғларидаги меҳнат қайнаган қишлоқ ҳаёти таассуротлари, мактаб ва университетда ўқиш ва ўрганиш, кейин журналист сифатида ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларини аста-секин англаб олиш, ижод дарди бу хусусда эшитилган яхши-ёмон гап-сўз ва муносабатлар, баъзилардан кўрган хайрихоҳлик, баъзилардан сезган ҳасаду ҳақсизликлар...

Шоирнинг “Булоқ” (1963) номли шеъри бор. Мана у шеър:

Қутлуғ бир саҳарда кўз очди булоқ,
Йўл солди дарёлар сари адашиб.
Унга раҳм этмоқчи одамлар шу чоқ
Тоғу тошлар аро яқин йўл очиб.
Одамлар, тегмангиз, майли, тошсин у,
Майлига, тоғни ҳам кўрсин йўлида.
Қўйинг, ўз йўлини ўзи очсин у,
Завқланолсин у ҳам кураш сўнгида.

Бу ерда ижодкор Абдулланинг ҳаёт принципи акс этган. Шоирни ўстириб вояга етказадиган қулай ижодхоналар йўқ. У ҳаётнинг ҳар хил шароитидан — иссиқ-совуғи, баланд-пасти, ўнқир-чўнқири, қинғир-қийшиқ жойларидан ўзига йўл топиб ўтади ва аста-секин ижодкор сифатида шаклланади. Шу маънода ҳар бир ҳақиқий шоирнинг туғилиб вояга етиши бамисоли Абдулла таърифлаган ўз йўлини ўзи очиши керак бўлган булоқ.

Шоирнинг бу ақидасини тасдиқлайдиган шундай бир воқеа рўй берган экан: шоир бўлиб ном чиқара бошлаган пайтларида, Абдулла бир гуруҳ ўртоқлари билан Қашқадарё областидаги районлардан бирига бориб қолади. Район раҳбари адабиёт мухлисларидан бўлиб, унинг машҳур шеърларидан бирини ёд айтиб қарши олади. Суҳбат қизиб кетади. Район раҳбари дафъатан Абдулладан “устозингиз ким бўлган” деб сўраб қолади. Бу саволга жавобан ёш шоир Ўзбекистонга номи машҳур шоирлардан истаган бирининг номини айтиб вазиятдан чиқиб кетавериши мумкин эди. Бироқ Абдулла кўнглида бор гап билан жавоб беради. Умрини қурувчилик ишига бағишлаган, ижодга, умуман адабиётга алоқаси бўлмаган бир кишининг номини

битади. Бунга район раҳбари ҳам, шоир билан районга борган ҳамроҳлари ҳам бениҳоя ажабланидилар. Ҳақиқатда, бу кутилмаган жавоб эди.

Кейинчалик маълум бўладики, Абдулла Орипов ҳаваскор сифатида шеър машқ қилиб юрган пайтларида у билан таниш бўлган ўша қурувчи инженерга Москва, Кремль ҳақида ёзилган шеърларини ўқиб берган экан. Шундай қараганда бу шеърлар унча ёмон ҳам бўлмаган. Эҳтимол, биз газета ва журналларда ўқиб юрган мавсумий шеърлардан тузукроқ ҳам бўлгандир. Уқилаётган шеърларни диққат билан эшитаётган қурувчи шоирга юз тутиб: “Шеърларинг тузук, бироқ Москвани, Кремлни ўзинг бориб кўрганмисан?”— деган таънали сўроқни ўртага ташлайди. Эндиликда Абдулла Орипов бу воқеанинг аҳамиятини шундай талқин қилади: “Ушанда лол қолдим ва ўзимдан ўзим уялиб, ерга кириб кетай дедим. Москва ва Кремль ҳақида шеър ёзиш учун, у жойларни, албатта, бориб кўришим керак экан-да, деган фикр хаёлимдан ўтди. Ўнг муҳими кўрганни, билганни, яхши англаб олганни ёзиш керак эканини мен ўшанда тушундим”.

Абдулла Орипов ижодининг бу талабини тушуниб олган “Альбомга” деган шеърда шундай мисраларни битади:

Қалбим буюрмаса, бирор сўзни ҳам
Ёзмасман ҳеч қайда, ҳеч вақт, ҳеч қачон!

Шеърда ўзининг қаламкаш дўстларига мурожаат қилиб: “Миллионлар дардини тап олмасанг, Ватанинг ҳажрида ёниб куймасанг, шеър ёзишнинг не ҳожати бор” деган фикрни айтади.

Назаримда, қурувчи инженернинг “таънаси” Абдулланинг ҳаваскорликдан шоирликка ўтишига сабаб бўлди. “Агар,— деб сўзини давом қилади Абдулла Орипов,— ўша инженернинг “беозор таънаси” бўлмаганда эди, мен ҳаётни обдан ўрганиб шеър ёзишга бунча қунт қилмаган бўлар эдим. Шу сабабдан мен кўпам шеърининг фарқига бора бермайдиган қурувчи инженерни устоз деб аташга лойиқ кўрдим”.

Хронологиясига назар ташласангиз, унинг ижодий эволюциясини англаб олиш қийин эмас. У бирданга шоир бўлиб туғилмаган. Унинг биринчи шеърларида қандайдир фикрлар айтиш истаги борлиги ҳам, уни айтишга йўл тополмай қийналгани ҳам сезилиб туради. Масалан, илк шеърларида қандайдир ёр хаёлида ёна-

ди, капалак билан бирла юриб “завқ атирларин йиғади” шамолнинг шовуллаши, қалдироқлар ларзасини эшитиб, дўстининг “баҳор келди” деган хабаридан огол бўлади.

Баъзи шеърларида Абдулла Орипов гўзаллар тасвирини беради. Унинг назарида гўзалнинг “лаблари ол” “сочларига сумбул банд”, “кўзлари тонг юлдузи...” “Қўл” (1962) номли шеърида кучга тўлган йигитнинг қудратли қўллари ёр юзида гул каби майин сийпалади.

Бу тасвирилар баъзи шоирлар ижодида учраб турадиган ёр ҳажридаги “дод-войлар”дан афзал, албатта бироқ булар ҳали фикрдан кўра ҳолат тасвири сифатида кўзга ташланарди. Шоир катта фикрлар парвозига тайёргарлик кўраётгандек, нималар биландир дилини тўлдираётгандек эди. Ёш шоирнинг илҳом булоғи доим бир хилда жўшавермайди, баъзан айтадиган катта фикрларни беҳато топа олади, кўркем шаклда ифодалай олади, баъзан эса...

Хуллас, шундай бўлдики, Абдулла Ориповнинг ижод жилғаси изланишлардан изланишларга ўтиб тўлиб тошди, камолот сари интилди.

* * *

Абдулла Ориповнинг тўпламлари ичида энг мукамали “Юзма-юз”ни варақлайсиз ва кўрасизки, унинг ҳаёт ҳақидаги жиддий ва теран ўйлари “Куз хаёллари” (1962) номли шеъридан бошланади. Шоир куз пайтида вақти етиб япроқларнинг бандидан узилишини кузатади. Шу муносабат билан у ҳаёт суръати, тез ўтиб кетадиган ёшлик, чавандоз отидек чопиб манзилга интилаётган умр ва унинг бетакрорлиги хусусидаги ўйларини шеърга солади:

Мени саволларга кўмар дафъатан
Хазоннинг тақдири, сўнги шовқини.
Кўзимга кўринар умрим қайтадан,
Гарчанд сурмоқдаман баҳор шавқини.
Гарчанд йигит ёшим яшнаб турса ҳам,
Кексалик қисматин ўйлайман шу дам.

Ҳа, азим дарахтдаги саргайган битта барг банди шоирни не хаёлларга олиб бормайди, дейсиз! Зотан, шунинг учун ҳам у шоир. У ҳаётга энди қадам қўйяпти, энди йигитлик шавқини суришга киришяпти, бироқ

У кексалардек катта умр сабоқларини, катта ҳаёт йу-
шини ўйлайди.

Шоир шеърдан шеърга ўта бориб ҳаётдан маъно
ишлайди, дилини безовта қилган саволларга жавоб
сўрайди. Мана, унинг “Пушкин” (1964) номли шеъри.
Бу шеъри ҳақидаги бу шеър “сен улугсан, сен тенг-
сансан” деган сийқа сўзлар йиғимидан иборат эмас.
Шоир ҳақида ўзи нимани ҳис қилиб юрган бўлса, нима
унинг юрагида дард бўлиб ётган бўлса, шуни ёзади.
Унинг устига Абдулла Орипов Пушкин ҳаётига тегиш-
ли янгича маънодор қирра топа олади: баҳор чоғи шоир
ҳайкали атрофида илҳом ажиб бир давра қурмиш,
сакрашиб, шовуллашиб барглар ўйинга тушмиш. Ёш
шоир ажабланади: ахир шоир баҳордан кўра кузни
сенарди, куздан илҳомланарди, “Недур топар ундан
ўжар хаёллар”,— дерди-ку. Абдулла Орипов сабабини
ишлайди, топиб ўзи шеърхонга етказмоқчи бўлади. Ма-
на ўша сабаб: Пушкин учун борлиқ ҳаёт куз эди, чуңки
унинг қалби баҳор ғами билан тўла эди. Шу боисдан
ҳайкал атрофидаги дарахтлар шов-шуви, барглар рақ-
си Пушкин қўшиқлари каби унинг ўзига қайтарилаёт-
гандек эди— мана, буюк маъно!

Бу поэтик ва мажозий маъно ифодаси баробар Аб-
дулла Орипов Пушкин ҳаётига чанг солган тарих хо-
тиралари устидан чиқарган ҳукмини эълон қилади. Бу
хилдаги ҳукм қанчадан-қанча айтилган, бироқ Абдул-
ла Орипов қалами билан битилган ҳукм ҳам ортиқча
сезилмайди.

Тожу тахт қусури, қону адоват,
Ғийбату кин, ғараз бижғиб сасиган —
Замонга абадий лаънатлар бўлсин!
Эзгулик куйчисин ўққа тутган у
Олифта Дантеснинг қиёфасида!..

Абдулла Орипов биринчи асарларидан бошлаб за-
монавий шоир сифатида шеър битади. Тўғри, юқорида
қайд қилганимиздек, унинг баъзи бир шеърларида тор
интим пландаги “ёр васли”, “дийдор ҳажри” мотивла-
ри учраб туради. Бироқ ҳозир фараз қилиш мумкинки,
бу хилдаги “майда” шеърлар катта мушоҳадалардан
тин олиш, фикр йиғиш учун ёзилгандек.

Абдулла Ориповнинг йирик социал маъно касб эт-
ган шеърларидан бири юқорида тилга олинган “Аль-
бом”дир. Шеърда у ўзи яшаётган замоннинг дардлари-
ни акс эттиради. Гап фақат шу маънонинг ўзида эмас.

Гап маънони ўзига хос равишда айта билишда. Бошқа чароқ қилиб айтганда, шеър орқали фикрни ўзига хос йўл билан поэтик ифода қила билишда.

Қаранг: Абдулла Орипов тассавурида шоирлар олами бамисоли катта альбом, бу альбомга ҳамма тушган, ҳар бир шоир ўзи қатнашган “жанг”дан сўз очган. Абдулла Орипов эса бу шоирлар альбомининг навбатдаги оқ варағига ўз дардини ёзажак.

Абдулла Орипов сўздан сўзга, шеърдан шеърга ўсиб борди. Ҳаёт муаммоларини теран ва кўламли қамраб олиши жиҳатдан унинг “Юзма-юз” (1964) шеъри характерлидир. Ҳатто айтиш мумкинки, бу шеър Абдулла Орипов ижодини муҳим босқичга олиб чиқди.

“Юзма-юз” одатдаги, биз кўп ўқийдиган, якка планли шеърлардан фарқ қилади. У кўп маъноли, мураккаб шеър. Бу жиҳатдан у Ғафур Ғуломнинг йирик ижтимоий масалаларни қамраб олган шеърларини эслатади. “Юзма-юз” фақат шакл жиҳатдан эмас, мазмун жиҳатдан ҳам мураккаб. Абдулла Орипов ҳаётда мавжуд бўлган кўп масалаларга муносабат билдиради. Бу ерда нималар йўқ дейсиз?

Инсонлараро зиддиятни туғдирган мулкчиликнинг туғилиш тарихи-ю ўша вақтларда йўлдан адашган инсонни эслатадиган бугунги ёшлик адашишлари; қулдорлик калтагини еб, Спартак сиймосида ҳаққини талашган ҳуқуқсизлар қисмати-ю Цезарь найзасига дуч келиб, Чингизхон чўқмори зарбасини еган бечоралар дарди...

Тарихнинг инсонга ўтказган зулмларини шоир шундай яқунлайди:

Наҳотки дунёда ҳақсизлик мангу,
Наҳотки одамзот қилингандир оқ?!
Наҳот ўша Фрейд ҳақ бўлса, ёҳу,
Наҳот қотил бўлса ўсиб чақалоқ?!

“Йўқ” деб жавоб беради шоир. Ўзаро зиддиятни туғдирган инсоннинг ўзи ўша зиддиятни йўқотиш йўлини ҳам топиши муқаррар эди. Уни топиш учун инсон минг-минг йиллар курашди, изланди ва изланаяпти.

Шеърни давом қилдира туриб, Абдулла Орипов ҳаёт зиддиятлари моҳиятини очиб бериш йўлида яна бир қадам ташлайди. Бугун ҳам попоқлар, шайтонга ўртоқ тушганлар, найзабозлар, тиниқ осмонга қора булут тарқатувчилар борлигини қайд қилади ва уларга лаънатлар айтади.

Табий равишда гап халқ томон бурилади. Тиниб-тинчимасан захматқаш, меҳнатсевар, мунис, тарихда қимматли толеи тўғри келавермаган, юлдузни кашф этиб "ном" номини олган халқ кўз олдига келади. Қанчадан-қанча фурқатлар қувғин қилинган, қанчадан-қанча алишерлар кулфатларга учраган бу халқ ичидан. Бу аламли нидолар — шоир қалбининг қатларидан сизиб чиққан туйғулар. Бу туйғуларнинг тасвиридан кейин шоир маълум бир ниҳояга етгандек.

Бироқ бу билан ҳам шеър тамом бўлмайди. Энди шоирнинг диққат марказида — "миллион эгатларга солинган ўзбек". Унинг ичида — омади келавермаган, "муни райхондайин маънос ўсган", "на соғлиқ, на ёрдан ёлчимасан" сингил. Шоир сингилни ўйлайди, унинг тўқдири хусусида безовта бўлади, бироқ уни ўз халқининг бир бўлаги сифатида кўриб тинчланади. Тинчланади шунинг учунки, халқ эзгу келажакни яратиш билан банд...

Шеър бу билан ҳам тугамайди. Абдулла яна халқ мавзусини давом қилдиради. Яна кескин зиддият: бир томонда шоирга тенгдош худбинлар бозори, ачиган бўлмаксифат нокаслар давраси. Шоир келажакнинг ўшалар қўлига ўтишидан хавфсирайди, кўнгли эзилди. Хавфсираган, эзилган қалбнинг изтиробли туйғулари:

Халқим, келажакнинг ўшалармикин,
Халқим, шундайларга қолмасин кунинг

сингари мисралар сифатида қалқиб чиқади.

Шоир ҳаётнинг олға интилаётганини кўриб қувонади. У қувонади "яғрини ялтираб юрган" подаларни кўриб, у қувонади далаларда "буғдойзорларнинг шовуллашини" идрок этиб, у қувонади "сонсиз мўрилардан чиқаётган тутунларни кузатиб", "таниш уйда доғ бўлаётган ёғнинг ҳидини сезиб"...

Кўряпсизки, Абдулла Ориповнинг бу шеърида икки ҳақиқат доим ёнма-ён: бири ҳар хил вазиятда ҳар хил ном билан аталадиган ёмонликнинг мавжудлиги, иккинчиси ҳаётнинг келажакни таъмин қиладиган яхшилик. У яхшиликни улуғлайди, ёмонликнинг борлигини ҳам эслаб чиқармайди. У меҳнатни, жасоратни мадҳ этади, шу билан баробар, меҳнатга, жасоратга халақит берадиганларнинг борлигини ҳам ҳисобга олади. Бу ҳол кўйидаги парчада жуда аниқ кўзга ташланади.



Аммо инсон умри тўй эмас ҳар вақт,
Олдидадир ҳали энг гўзал замон.
Истайман, қора ранг қолмаса жиндай,
Истайман ботмаса шу рангин қуёш.
Аканинг сингилга ачинганидай
Инсон инсон учун тўка олса ёш.

Ҳа, шоир “қора ранг” душмани, қуёш шуъласини тўсувчиларга қарши, бировларнинг ғамини кўриб қувонадиганларга, ўзини халқ сафида ҳисоблаб, аслида бу сафни бузғувчиларга қарши, хиёнатчилар, ўз имонини арзимаган матоҳга сотувчиларга қарши...

“Юзма-юз”да ўзига хос динамика бор. Бу — кескин ривождаги динамика. Кичик туйғулардан улуғ ҳисларга уланадиган, турғун баёндан жўшиб, далилли мушюҳадаларга туташадиган, маънос фикр изҳор қилишдан янгроқ овоз билан чақириқларга кўтарилган динамика.

Абдулла Орипов ўз даврининг шоири. У ҳаёт жилोलарини чуқур англайди. Бироқ 70 йил давомида шеърлардан шеърларга ўтган, куйлардан куйларга ўтган коммунистик ғояни барча ижодкорлар сингари у ҳам четлаб ўта олмади. “Альбом” ва “Юзма-юз” шеърларида ҳаётнинг реал зиддиятлари асос қилинади-ю, уларнинг ечимини коммунадан излаш керак деган хулосага келади. Шоир англаган зиддиятлар уфқида бу ғоя анча сунъий равишда шеърга киритилганини бугун — мустақиллик даврида англаб олиш унча қийин эмас. Юқорида айтганимиздек, бу икки шеър ҳам — шоир ижодида босқич ҳисобланадиган асарлар. Уларни шу даражада қолиши учун, шоир таҳриридан қайта ўтиши лозим кўринади. Таҳрирда бу шеърларнинг шоирни янги босқичга олиб чиққанини ва унда шоирни ҳаёт билан, ундаги ёруғлигу баъзан кўзга ташланиб турадиган қора доғлар билан юзма-юз кўришимизни ҳисобга олишимиз керак бўлади.

Мутлақ ҳоким мафқуранинг таъсири қай даражада бўлган эса-да, мазкур бобни қуйидагича яқунлашни лозим кўрамиз: Абдулла Орипов вилоятдан кўра чўл номини олган. Қашқадарёда, унинг кўзга ташланавермайдиган бир қишлоғида туғилди. Ўсди, мактабга қатнади. Шеърият кўчасига кирди. Ўзига муҳит излади ва топа олди. Чексиз мутолаа ва изланишлар, уйқусиз тунлар, бедор кунлар... Булар бекор ўтиб кетмади. У шеъриятнинг катта йўлига чиқиб олди.

III

“ЎЗИМНИКИ ЭРУР ШУ СОЗИМ”

Абдулла Орипов 1967 йилда “Созим” деб аталган дастур-шеърини эълон қилди. Бу ҳодиса шоирнинг биринчи шеърдан ўн йил кейин рўй берди: Ўн йил кейин... Бу табиий, истеъдодли шоир ижодининг бошланғичиданоқ унинг шеърятдан муддаоси сезилади. Бироқ маълум бир вақтлар ўтгандан кейингина муддаолар тартибга тушади ва дастур шаклида ифодаланади. Шоирга бунинг учун ўн йил керак бўлди.

Мен шоирман,
Истасангиз шу.
Ўзимники эрур шу созим.
Бировлардан олмадим туйғу,
Ўзгага ҳам бермам овозим.

Мазкур дастур шеърдан биргина йил олдин Абдулла Орипов ўз бошига тушган аламли воқеа — онасининг нафотини эслаб, “Онажоним” номли шеърини эълон қилган эди. (Шеър ўша даврда қўлма қўл ўтиб ўқилган.) Шоир бу шеърда бу оғир мусибат муносабати билан ўз қалбида туғён кўтарган қатор ҳис-туйғуларни изҳор қилади. Шеърда айрим мисралар борки, уларда шоир ўз келажагига назар ташлайди. Катта ва эзгу ниятларини изҳор қилади.

Онажоним, балки мен ҳам
Бир кун шавққа тўларман.
Балки мен ҳам, айтганингдай,
Бир кун шоир бўларман.

Балки сарсон-аросатда
Қолиб кетмас бу таним.
Қамолимни кўрар балким
Юртим, Она Ватаним.

Қўринаяптики, бу дастур-шеър дафъатан пайдо бўлган эмас. Изланишлар, ўй-орзулар, келажак хусусидagi эзгу ниятлар жамул жам бўлиб, дастур-шеърга қўйилди.

Ҳа, Абдулла Орипов ўз сози, ўз туйғуси билан шеърятга кириб келди. Шунинг учун ҳам у “бировларда олмадим туйғу” деб фахр билан айтишга ҳақли. У сер туйғу қалб эгаси. Унинг асарларини ўқиган ёшлитга шеърхонда шундай таассурот туғиладики, шоирнинг ҳис ва туйғуларининг чеки йўқ. У туйғулар билан тўлиб тошган, тошқин дарёдек жўшқин қалб эгаси.

Балки шунинг учун ҳам у шоирдир.

Ҳа, Абдулла Ориповнинг ўз овози бор. Синчков шеърхон шеърят гулшанидан Абдулланинг овозини бемалол ажрата олади. Унинг овози керак пайтда вақтин ва салмоқли, керак вақтда жўшқин, гўё мусиқа асбоби пардалари устида ҳаракат қиладиган, ҳис ва туйғулар амрига бўйсуниб ўзгарадиган, бармоқлар ҳаракатига ёки мусиқа оқимига қараб ҳар хил куйга тушадиган машшоқ овози.

Балки шунинг учун ҳам у шоирдир.

Ўзига хос туйғу, ўзига хос овоз билан нималарни куйламоқчи шоир? Мана, шоир жавоби: “...Оламда инсон бўлиб туғилганини”, баъзан “аламда йиғлаб бўғилганини”. Бу икки жумлада Абдулла Орипов шеърларининг моҳияти акс этади: одам инсон бўлиб туғилганидан фахрланади. Чунки у бутун оламга ҳоким, бутун борлиққа эга бўлган ягона онгли зот. Бутун борлиқ — еру кўк, тоғу тош, денгизу уммон, замину замон уники... Бунга куйламаслик мумкинми асли!

Шу асосда Абдулла Орипов шеърларига ўз ўрнида “мағрур турган халқ” — улуғ инсон, халқ яратган донолар шарпаси, синовлардан ўтган имон руҳи кириб келади ва унинг ижодида доимий ва асосий мотивлар бўлиб қолади. Шу асосда унинг шеърларига нуртўсарлар, ёруғликни ёқтирмаганлар кириб келади. Унинг шеърларида ҳаётнинг икки томони — нур ва соя доим бир-бирларига зид, бир-бирлари билан бемурса олишади, курашади, енгади, енгилади. Булар шоир шеърларидаги ҳаёт диалектикаси.

Етмишинчи йилларнинг бошларига келиб Абдулла Ориповнинг номи яна ҳам кенгроқ оғизга тушади. Ўз шеърларидаги зиддиятли, бироқ мақсадга интилувчан мазмун, шунга мувофиқ, оддий ва ифодали шакл билан тезликда фақат китобхон дилига етиб бордигини эмас, балки адабий танқид, устоз-касбдошлари назарига тушди. Шоир шеърлари юзасидан ижобий фикрлар тез-тез айтиладиган бўлди. Фақат айрим ҳоллардаги шоирнинг истеъдод йўналишини тушунолмаган муна

дилар, хусусан, ўзларини мутлақ ҳоким мафкура ҳимоятчиси ҳисоблайдиган танқидчилар унинг баъзи шеърларига шубҳа билан қарашни давом эттирдилар.

Собиқ Иттифоқнинг марказий матбуотида дастлабди салмоқдор ижобий фикрлар эълон қилинди. Маълумки бу пайтларда Москвада эълон қилинадиган фикрлар ижодкор қисматида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўларди. Мана, шу фикрлардан бири:

"Абдулла Ориповнинг шеърларида мен фикрнинг салмоқдорлигини, образларнинг пишиқ ва янгилигини, уларнинг китобхонни зериктирадиган тор маъноли қиёфа сўзликдан холи эканини кўрдим. Бу шоир сўзнинг инфода кучини бехато сезади, ҳаётни ўз билишича, уни ўзига хос янги назар билан кўради. Ўзбек поэзиясини кўришни, катта истеъдод билан табрикласа бўлади" (Қайсин Қулиев).

Дарҳақиқат, Қайсин Қулиев айтганидек, истеъдодли шоир бошқа бировларни такрорламайди. Истеъдодли шоир устозларини эсда тутган ҳолда, ўзига хос йўл изаштиради. Абдулла Ориповнинг ижоди буни яхши исботлайди.

Қайсин Қулиев нақадар ҳақ эканлигини ҳаёт тасдиқлади. Энди Абдулла Орипов ўз овозига, ўз услубига эга бўлган, ҳаётни, унда мавжуд бўлган зиддиятларни теран ҳис қила оладиган етук шоир. Кейинчалик Қайсин Қулиев Абдулла Орипов ижодига берган биринчи баҳосини эслаб шундай деб ёзади:

"Бундан чамаси 12 йил муқаддам ҳеч қутилмаганда бим учун Абдулла Ориповни кашф қилдим. Бахтимни қараганки, у семинарнинг мен раҳбарлик қилаётган гуруҳида қатнашаётган экан. Унинг шеърлари (сўзма-сўз таржима ҳам сержозиба) теран маъноли, мушоҳадага бой, ўткир ҳиссиётли эди. Кейин мен Абдулладан шеърларини оригиналда — ўзбек тилида ўқиб беришни илтимос қилдим. Шунда Абдулла Орипов ижоди туғма истеъдод билан мунаввар эканлигини, унинг шеърияти ҳалқ қалби, дарди билан чуқур ҳамоҳанглиги, ўзида теран умуминсоний туйғуларни мужассамлантирганлигини ҳис этдим".

* * *

Тематик жихатдан Абдулланинг шеърларидаги мавзулар — Ватан, Она-Ер, Халқ, оқ сут берган Она, Муҳаббат кабилар доирасидадир. Зотан булар ҳамма шоирлар учун ҳам муқаддас ва доимий мавзулардир.

Ўз Ватанига содиқ. шоир унинг ўтмишига назар ташлайди, бугунги кунини кўриб беҳад ғурурланади келажagini башорат қилади. Ўзининг қаҳрамон ҳалқига, унинг яратувчилиқ қудратига тасаннолар айтади. Оқ сут берган она меҳрига мадҳиялар ўқийди. Ви солни куйлайди, баъзан муҳаббат ҳажридан нолийди биринчи муҳаббатни қўмсайди. Ўзи туғилиб ўсган жойларидан гўзаллик ахтаради, болалик дамларини ҳаёлидан ўтказади. Биринчи дарс олган дамлари, домларини хотирлайди, илҳом берган адир ва далаларни қишлоқ ва кўчаларни тилга олади.

Такрор айтамыз, бу мотивларни Абдулла авлодига мансуб ҳамма шоирларда ҳам, ҳатто ундан олдинги авлодга тегишли барча шоирлар ижодидан ҳам топиш мумкин. Бироқ Абдулла бу мавзуга ўзига хос йўллар билан ёндашади. Шоир мавзуларнинг янги, ҳали биров айтмаган қирраларини топади, ўз фикрини ифодалашда ҳали биров ишлатмаган образларни ишлатади. Шу йўл билан у ўзгаларни такрор қилмайдиган жозибали асарлар яратади.

Абдулла Ориповнинг “Онажон” (1969) деб номланган тўплами бор. Бу тўпламида замонига мувофиқ доҳийларга бағишланган шеър бор. Шеърнинг марказида қизил империяни яратган “даҳо” турган бўлса ҳам унда шоирнинг тарих ҳақидаги мушоҳадалари шу даражада чуқур акс этганки, бу шеърдан қуйидаги парчалани китобхонга эслатмасликнинг иложи бўлмади.

Гоҳ оддий тасодифнинг оддий бир ҳамласида
Капалак қанотидай учиб кетар қасрлар.
Балки замонлар ўтиб, даврлар шамолида
Совурилар қанча зот, яна қанча буюклик.
Уйлайман, мангуликнинг ойнаи жамолида
Ким қоларкан севгидай абадий ва суюклик...
Ким яшаб қолар экан сонсиз авлодлар оша,
Кимнинг иши доимо аталар экан савоб?
Ким фалакни қуёшдай мангу қилгай томоша,
Қайси бир зотни инсон беминнат айлар тавоб?
Ҳақсизликдан мазлумнинг ичга сиғмаса дарди,
Агар зулмат ичида кўринмай қолса ҳаёт,
Кимга у сажда қилиб, кимга дилин ёрарди,
Ҳақиқат ахтарганда айлар эди кимни ёд?

Шеърда Абдулланинг ўз йўли, ўз оҳанги бор, ўзи яратган динамика бор. Энг муҳими, танланган сўзлар

салмоқдор, оҳанг вазмин, образлар жозибали, фикр оқими эса кескин ва жиддий...

Бугун шу нарсанинг гувоҳи бўлиб турибмизки, қишл империя даҳоси қандай қилиб тасодифнинг оддий бир ҳамласида пайдо бўлган бўлса, замон ўтиб у ҳаёт ҳақиқатининг шамолида совурилди.

Қайси бир шоир ўз ватани ҳақида шеър ёзмайди? Қайси бир китобхон Ойбекнинг “Бир ўлкаки, тупроғида отин гуллайди”, деб бошланган “Ўзбекистон” шеърини қайта-қайта ўқимайди дейсиз? Қайси китобхон Ҳамид Олимжоннинг “Бахтлар водийси”дан мисралар эшитиб, дили тўлмайди дейсиз? Бироқ Абдулла Орипов ва Ойбекни такрорлайди, ва Ҳамид Олимжонни ва ва Уйғунни. Ойбекда ўзбекнинг тарихига тегйшли воқеалар қийсанса, Ҳамид Олимжонда гўзал ўлка баҳор нафасига йўғрилиб, романтик оҳангда берилади. Уйғун ватанининг қудратига урғу беради. Абдулла Орипов эса “Ўзбекистон” шеърисида устозлардан сабоқ олиб, уларни такрорламаган ҳолда, ватани ҳақида жозибали шеър яратди.

У шеърга қарийб минг йиллик тарихни мужассам ятади. Халқи яратган улуғ сиймолар тақдирини жамлайди, “пахтам қолди-ку ахир, йиғиштирай келмасдан дўз” дея, ором олишни билмасдан совуқ далада тер тўкаётган ялангтўш бободехқон образини жойлайди.

Шоир улуғлар шажарасини Берунийдан бошлайди. “Ухлар эди Колумб ҳам денгиз ортин ёритганда Беруний ақли, — дейди у. “Осмон илми туғилган илк бор Кўрагоний жадвалларидан”, — давом эттиради шоир.

Алоҳида фахр билан у Навоий даҳосини шундай таърифлайди.

Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер.
Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.

Шоир ўзига хос салобат билан поэтик жилоларни ишга солиб тарихнинг масъул босқичларини бирма-бир тилга олади. Унинг сўзлари билан айтганда, Зардушту араб истилочилари, ғазабнок Чингиз лашкари кўп уқубатлар солди халқ бошига. Барчасига бардош берди шоир улуғлаётган халқ. Мана унинг ўз халқига берган таърифи:

Боболардан сўзладим, аммо
Бир зот борким, баридан суюк:

Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсан буюк.
Сен ўзингсан, энг сўнги нонин
Ўзи емай ўғлига тутган.
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин
Асрлардан опичлаб ўтган.

Она-Ватан кўрки, ўтмишда жабрдийда бугунги халқ йўли Абдулла шеърларининг негизидир. Бугина эмас, Ватан ҳақида фикр юритар экан, у баъзан ўзи туғилиб ўсган ўлка чегарасидан чиқади, бутун она сайёрага табиат мўъжизасининг улуғ вакили сифатида юксакликлардан қарайди, қараб, Ҳимолай бағридаги “елкасида кўзаси, булоққа бораётган қиз”ни кўради; “Фарзандларини кўксига босиб қаёқларгадир шошилаётган” бутун Ер шарини кўради. Бироқ, бу “Она сайёра”нинг юрагида лахта-лахта қон, «сийнаси пора», у қаёққадир шошилади, унинг елкасида эса яхшию ёмон — ҳаммаси бор. Аммо бу дардкаш курранинг шундай бир жойи борки, офтоб фақат ўша жойга келади. Шеърни ўқиган одам Абдулланинг фикрини давом қилдиргиси келади: “Она сайёра балки ўзининг барча бурчакларига бахт яратиб бериш учун, ором билмасдан шошилаётгандир”.

Абдулла учун суратига қараганда “салмоғи Қува анорича келадиган”, бироқ ўзига “чексиз уммонларни, осмон ўпар тоғларни сиғдира олган”, “елкасига яхшию ёмонларни ортиб қаёқларгадир шошаётган” ер курраси ҳам — Ватан, тарихдан қисматлари бир-бирларига ўхшаб кетадиган Озар тоғлари, қозоқ адирлари ҳам — Ватан, ўзи туғилиб ўсган, илк бор юрагига дард боғлаган, биринчи муҳаббат ҳижронини тоттирган Қарши кенгликлари ҳам — Ватан... У Ватанни қайси кенгликда қандай тасаввур қилмасин, “ер куррасида яхшию ёмонларни” кўрганидек, у ҳар гал гўзаллик билан бирга ногўзалликларни ҳам кўради, баъзан-баъзан ногўзалликдан гўзаллик ахтаради ва хунукликларга қарши инсон шижоатидаги гўзаллик мўъжизаларини топади.

“Қарши қўшиғи” (1970) деб аталган шеърда Абдулла Ориповнинг Ватани Қарши чўллари — қип-қизил саҳро ҳам ўзининг қайси бир томонлари билан гўзал. Қарши чўли баҳори унга соғинтирган она дийдоридек ширин, унинг майсалари “...оёқланган қўзидай довдирар елда...” Шу ибораларнинг ўзида қанчадан-қанча

жозоба бор. Бироқ Абдулла Орипов Қарши чўлларини тасвирлаганда бошқа бир поэтик йўл тонади: баҳорнинг умри қисқа, лекин шоирда бошқача истак бор — баҳорнинг умрини чўзса инсон. Бу ерда ҳам шоирга тарих дастак. Тарихга назар ташлаб, у яна она-Ер олжасига ортиб олган яхшию ёмонларни — фотиҳ Исмаиллар изларини, босқинчи Қутайба дахмаларини кўради. Талончи Чингиз ваҳимаси ва дағдағаларини эшилади. Бу чўлда қанчадан-қанча майсалар от туёғи тагида эзилган, қиличбозликлар бўлиб, қонлар тўкилган... Булар баҳор умрини, усиз ҳам умри қисқа бу баҳорни пайҳон қилишди. “Бирининг қурганини бошқаси қилди вайрон”. Бу — тарихий ҳақиқат!

Абдулла ўз туғилган жойининг тарихига назар ташлар экан, иккинчи бир ҳақиқатни ҳам англайди: офсиз, қуролсиз қўлида кетмон билан оддий деҳқон қудуқ қазиб, сув чиқариб, она-Ер чанқоқлигини босиш — гўзал баҳорнинг умрини чўзиш учун ер тагига тушибди. Бироқ муродига ета олмабди. Уни тупроқ босиб қолибди. Бободеҳқон жасади устида тупроқдан дўнг пайдо бўлибди... Ҳозир эса бутунлай бошқа манзара. Бугун чўлда “баҳор умрини чўзмоқчи” бўлган инсон ўзинидаги иложсиз деҳқон эмас. “Бугун бир саф, катта қўшин”, бутун бир халқ, оддий халқ эмас, балки “жазм этса, жаҳон харитасини ҳам кўкка бўяшга қудрати етадиган халқ”. Бу дарбадар, серхатар, бир қарасанг назмин, бир қарасанг қув, ўжар дарё Жайхунни чўлга бошлаб келаётган халқ.

Шеърнинг кейинги мисраларини ўқир экансиз, зарбардаст паҳлавоннинг икки оёғини тираб, тоғнинг бир парчасини кўтариб, улуғ дарё оқимини тўсгани, шамшири билан чизиб, дарё сувини зарур томонга йўналтиргани ҳақидаги афсоналар эсга тушиб кетади. Бироқ шоир таърифидagi саф тортган паҳлавонлар афсона паҳлавонлари эмас, балки ҳақиқий реал паҳлавонлардир.

Абдулла Ориповнинг она-Ер, Ватан, халқ ҳақидаги шеърлари асосан кўтаринки руҳда, баъзи ўринларда романтик услубда битилган. Бироқ бу кўтаринкилик, романтика доим реал ҳаётга асосланган бўлади. Унинг бу циклдаги кейинги шеърларидан бири “Давом этаётир буюк инқилоб” (1980) деб аталади. Шеърнинг номи ва талқинидаги баъзи жиллолар ўша давр анъанасига мувофиқ қизил империя мафкурасига асосланган бўлса ҳам, Ватан, халқ ҳақида Абдулла Орипов

шундай ҳақиқатларни тилга оладики, улар ҳеч вақт ўз қимматларини йўқотмайдилар.

Она юртини у шоир сифатида эмас, “бир фарзанд мисоли” кузатади, ҳар ким ҳам туғилган хонадонини ёд этганидек у ҳам юртини ёд этади, ота-бободан мерос бўлгани туфайли, у бу ерларни эслайди. Ҳисор тепасидаги Муқанна горининг минг йиллик тарихидан сўзлаш — унинг учун фарзандлик бурчи. Шеърда у минг йиллик саҳройи азимнинг мўъжизали балқишини, қув дарёнинг айқириб саҳрога чиқишини кўради.

Не ажаб китоблик мунажжим кўкда
Қарши пахтазорин аксини кўрса.

Булар — Абдулла Орипов истеъдодига хос реал ҳаётнинг поэтик инъикоси!

Шоирнинг она юрти — “инсон онгида, замон қаърида”. “Чексиз саҳро” деб ном чиқарган Ер шарининг бир бўлаги — бугун бошқача.

Шеърда шундай мисраларни ўқиймиз:

Жаҳонгир мана бу, Бедил мана бу,
Кўкдан тушмагандир улар, ҳойнаҳой.
Буюк Улуғбекнинг чашмига кўзгу
Кўкда ҳамон кезар ўша тўлин ой.

Кўраяпсизки, шоир ўз элининг улуғ фарзандлари сифатида Бедилни, Улуғбекни тилга олади. Бу қайдни у жаҳонгир номи билан бошлайди. Жаҳонгир бу Темур экани маълум. Илгариги шеърларидан бирида у Темурнинг номига эҳтиёткорлик билан ёндошган эди. Бу шеърда эса Ватаннинг фаҳри бўлмиш сиймоларнинг номини Темур билан бошлайди. Шеър яратилган пайтларда кимдир буни сезган, балки кўпчилик сезмаган. Шоир усталик билан шундай сўзлар тизмасини яратадики, бу тизмада Темурнинг иштироки анчайин яширинган ҳолдадир.

Шоирларнинг одатдаги қутлов шеърларини эшитганмиз, ўқиганмиз, улардан баъзилари эса қолган, бироқ аксариятини эслай олмаймиз. Чунки улар доим бир-бирларига ўхшаб кетади, бирида бор фикрни иккинчисида учратасиз, шеърга жозиба бағишлайдиган баъзи бир образлар шеърдан шеърга бемалол ўтаверади. Масалан, пахта — ўзбекнинг фаҳри, пахта хирмони — бамисоли қорли тоғ, пахта — оқ олтин ва ҳоказоларни мавсум шеърларнинг ҳар бирида учратиш мумкин.

Абдулла Орипов ҳам қутлов шеърлар ёзади. “Ўзбек

пахтаси” (1981) номли шеъри шу йўсинда пайдо бўлди. Тўғри, бу шеърда шоир ўзини бир кетмончи сифатида кўриши, мўъжаз ҳаётини эл-юртга бағишлагани сингари оддий образлар учрайди. Бироқ шеърда топиб ишлатилган образлар борки, улар шоирнинг ўзига хос истеъдодидан дарак бериб туради.

Бизнинг уйган хирмонга
Чамбар қилсанг чечакдан,
Юлдузлар шабнам мисол,
Бўларди унга инжу.

Ишлатилган ибораларга қаранг: ўзбек луғатида минг йиллик тарихга эга, ғўза эгатлари “қаҳрабо тилимча”, мабодо забон битса “пахта нави албатта ўзбекча гапирарди”.

Баъзи мисраларида пахтакорлар меҳнатининг драматик ҳолатларини акс эттирадиган образлар ҳам бор. “Илан тўлди” деган хушxabарнинг тарқалиши учун, оналар тўлғоқ дарди бошлангунча жўяклардан кетмаган. Шеърнинг баъзи ўринларида ўзбек меҳнати билан ирилган хирмоннинг аҳамиятини таъкидлаш учун ахлоқий масалаларни образлар системасига киритади:

Дунёда инсонлар бор
Майда армонлар сабаб,
Бир-бирин ёқавайрон,
Тупроққа қоришади...
Оламнинг эгин бутлаш —
Ўзбекда шудир матлаб,
Шу армон деб, чўнг халқим
Бир умр олишади.

Ҳа, майда манфаат, майда мақсад, паст ҳис ва туйғуларга банди бўлиб, умумхалқ ишидан ўзини чеккага олиб бир-бирларини “ёқавайрон” қиладиганлар учраб туради. Оддий, софдил, камтар ўзбек деҳқони эса машаққатли меҳнати билан ўз кўнглидай оппоқ пахта етиштириб, “оламнинг эгин бутлаш” учун курашади. Бу шеърда шоир жуда теран поэтик маънони мужассам этган. Унда ўзбекнинг миллий ифтихори бўлган пахтагани улуғлаш, бу меҳнаткаш халқ ўзининг чўнг саботи, саховати, матлаби туфайли, энг эзгу ишга — “тўкин дастурхон тузашга”, “оламнинг эгини бутлашга” қодирлигидан ифтихор қилиш ҳисси нурланиб туради. Шоирнинг “пахта нави энг аввал ўзбекча гапирарди”

дейиши ҳам ана шу нурланиб турувчи миллий ғурур ва фахрининг инъикосидир.

Демак эл ифтихоридан дарак бериб турадиган, дилларга малҳам бериб, руҳий озиқ бўлиб, ўзига хос ҳис ва ҳаяжон уйғотадиган қутлов шеърлар ёзиш ҳам мумкин экан.

“Ўзимники эрур шу созим” дейишга Абдулла Ориповнинг тўла ҳаққи бор. Кўраяписизки, шоир шеърларида мавзу такрори, ҳаёт материалларига анъанавий ёндошиш нуқталари йўқ эмас. Бироқ ҳар бир мавзуга, ҳар бир ҳаёт материалига у ўзича ёндошади, ўзича маъно бағишлайди, ўзича зеб беради. Энди у шеърини созини ҳаётнинг яна ҳам мураккаброқ нуқталарини ёритишга тайёрлади. Оҳанг торларини обдан тортди, пардаларини бир қатор синовдан ўтказди. Шеърхонлар ҳам шоирдан янги-янги жозибадор, маънодор асарлар кутишга одатланди.

IV

ОЗОР НИДОСИНИНГ ИЗҲОРИ

Абдулла табиатан сатирик шоир эмас. Бироқ ҳар бир шеърида нималарнидир кескин инкор қилади, нималарнидир кескин ёқлайди, кескин қоралайди. Бу жиҳатдан у бемураса шоирдир. Инкор қилиш ва ёқлаш, инкор қилинадиган ва ёқланадиган томонларнинг зиддияти ҳам унинг шеърларида жуда ўткир. Бунинг устига зиддият алоҳида ҳаяжон ва пафос билан ифодаланади. Баъзан унинг кичик-кичик сюжетларга мурожаат қилишининг сабаблари ҳам шунда бўлса керак. У ҳаёт зиддиятларини ифодалашда ҳам поэтик усуллардан, ҳам сюжет имкониятларидан баробарига фойдаланади. Умуман реал зиддиятни тўлароқ айтиш учун шоир барча имкониятларни ишга солишга уринади. Машҳур рус актёри М. А. Ульянов шоир Расул Ҳамзатов ижодига бағишланган телевизион кечада сўзга чиқиб, ҳаёт зиддиятларини сезадиган шоирларни назарда тутиб, шундай деган эди: «Одам соғлом қўлнинг борлигини сезмайди, зарурат бўлса, энг ўткир нарсаларга қўл чўзиб ушлай бериши мумкин. Борди-ю, қўлингизни бирор нарса кесиб яралаган бўлса, ҳамма нарсаларнинг ўткир қирралари қўлнинг ўша ярадор жойига бориб тегаверадики, киши ундан безор бўлиб кетади. Шоир ҳам худди ўша ярадор қўлга ўхшайди. Ҳаётнинг ҳамма ўткир қирралари унга бориб тегаверади ва унга озор беради. Шоир ўша озор нидосини изҳор қилади».

Ҳақиқий истеъдодга муносиб ўхшатиш. Дарҳақиқат, шоирда ҳаётнинг зиддиятли томонларини алоҳида — ўткирлиги билан сезадиган ҳиссиёт аъзоси бордек кўринади. Шу туфайли у — шоир, шу туфайли у — ҳаёт нобони, шу туфайли — халқ виждони.

Абдулла Ориповнинг «Темир одам» (1964) деган шеъри бор. Унда робот — темир одамга таъриф берилади: робот одам қилиши мумкин бўлган кўпгина ишларни қила олади, ҳатто Японияда аёл кишига гул тутадиган роботларни ҳам ишлаб чиқишибди. Бироқ одамни одам қиладиган, унинг инсонийлигини белгилайдиган азиз томонлари бор. Робот ўшаларни амалга оширишдан ажиз: у инсондек гўдакни юпата олмайди. У на ҳидни

билади, на рангни. На меҳр бор унда, на шафқат. Тақдир нималигини у билмас, дунё ташвишлари уни қийнамас, у йиғлай олмас ва кула билмас... Булар ҳаммаси маълум гаплар. Бироқ Абдулланинг санъати шундаки, у ўзи тасвирлаётган роботни бошқа ҳодисаларга боғлай олади. Робот унга роботсимон, темирдан фарқ қилмайдиган, бироқ ўзини «муҳтарам инсон» ҳисоблайдиган кишиларга ўз муносабатини билдириш учун керак. «Темир одам»да Абдулла шу хилдаги одамсимон, бироқ темирсифат шахсларга муносабат билдиради. Ульянов айтмоқчи бўлган ҳаётнинг ўткир қирраларидан бири шу эмасми?!

Ҳар қандай чиройли образ ҳам айтиладиган теран фикрнинг ўрнини боса олмайди. Ҳақиқий шоир аввало фикр излайди, бироқ у фикрларни образларда топади. Абдулланинг фикрлари «Темир одам»да ҳам табиий равишда образларда туғилади.

Типлар... Одатда биз типлар ҳақида гапирганимизда, йирик-йирик қисса ва романларда яратилган образларни назарда тутамиз. Абдулла Ориповнинг «Темир одам»и баъзи бир типларга хос тафсилотлар билан яратилган эмас, албатта. Лекин унда темирсифат, ҳис ва туйғусиз одамларнинг тасвири мажозий йўналишда шу даражада аниқ ва ифодали берилганки, бу фикрларни бошқа йўл билан айтиш қийин бўлса керак.

Абдулла Орипов салбий типларнинг хилма-хилини топади. Мана унинг «Тилла балиқча» (1965) номли шеъри. Шеър ихчам, бор-йўғи 8 мисрадан иборат. Бироқ унда яратилган образ катта маъно касб этади. Шоир бу ерда ҳаётнинг бошқа бир ўткир қиррасига диққатни тортади. Қаранг: тухумдан чиқибдики, балиқча ҳовузни кўрибди, ташландиқ ушоқ еб куни ўтибди, «хору хас, хазонлар» унинг устини ёпибди, «мудроқ толларнинг аччиқ хазони»ни шимибди...

Фараз қилиш керакки, балиқча шу шароитда ўсади, сузиб ҳовузнинг у бети билан бу бетига сонсиз-саноқсиз ўтиб қайтади. Унинг учун сувнинг энг каттаси шу ҳовуз. Дунёдаги кўз илғамас денгизу уммонларни, шарқираб оқадиган ирмоғу жўшқин дарёларни у тасаввур ҳам қила олмайди. Бутун дунёни мана шу кўлмак ҳовуз деб билади. Фикр — икки муддао бир нуқтада жамулжам. Ахир, дунёнинг фақат ўзини тор, бурқсиган дунёқараши билан кўрадиган, баъзан фақат ўз шахсий манфаати нуқтаи назаридан ҳаётга муносабатда бўладиган, ўзини эр билиб ҳаётда шерлар борлигини тасав-

нур қила олмайдиган тилла балиқсифат худбишлар бор-ку ҳаётда.

«Тилла балиқча» адабиётшуносликда анча баҳсларга сабаб бўлган шеърлардан бири. Баъзи мунаққидлар шеър яратилган даврларда тилла балиқча тимсолида яратилган образ совет ҳаёти учун типик ҳодиса эмас демоқчи бўлдилар. Бунинг тагида «ҳаётга тухмат» деган маъно ётарди. Бундай хулоса мафкуравий қатагонликнинг натижаси эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Кейинги йилларда бошқа бир мунаққидлар тилла балиқча тимсолидаги образни қўя туриб, уни яратган муҳитга урғу қилдилар. Яъни шоир совет даврида димиққан муҳитни қоралаяпти демоқчи бўлдилар.

«Тилла балиқча» ҳақидаги каминанинг хулосаси билан муҳитга урғу қилувчи мунаққидларнинг фикрлари орасида кескин зиддият йўқ.

Русларда бир ибора бор: бир-биридан маълум даражада фарқ қилиб, асл моҳияти билан бир хил фикр устида гап кетадиган бўлса, «бир медалнинг икки томони» дейишади. Бу ерда ҳам худди шундай. Тилла балиқча тимсолидаги образга урғу қилиш медалнинг бир томони — муайян ҳодисанинг натижаси. Муҳитга урғу қилувчиларнинг хулосаси медалнинг иккинчи томони — муайян ҳодисанинг сабабидир. Хуллас, биримиз ҳодисанинг сабаби хусусида фикр юритсак, иккинчи биримиз сабабдан келиб чиқадиган оқибат ҳақида фикр юритаяпмиз холос.

* * *

Абдулла Орипов учун, кўраяпсизки, ёмонликнинг оти фақат ёмонлик эмас. Унинг хиллари бор. Темирсифат одамлар ҳам ёмон, шунингдек тилла балиқсифат одамлардан ҳам яхшилик чиқмайди. Шоир «Жаннатга йўл» достонида эса бошқа типдаги одамлар хислатини қаламга олади, ҳаётнинг бошқа бир ўткир қиррасини селиб ўз нидосини сюжетга солади.

Номига қараб Абдулла Ориповнинг бу асари бугунги ҳаётдан узоқдаги бирор афсона, ёки ярим афсона, ёхуд эртаксимон воқеа тасвири бўлса керак, деб ўйлаш ҳам мумкин. Бироқ асар номи боқий дунё, аниқроғи жаннат билан алоқадор бўлса ҳам, асл мазмуни билан у ҳозирги кундалик ҳаёт воқеалари — унинг кескин зиддиятли томонлари билан боғлиқдир.

Достонда бугун учраб турадиган, биз кўриб, кузатиб юрган иллатлар, улар натижасида юзага келадиган драматик ва сатирик воқеалар тасвирланади. У дунё жаннат, дўзах, сўроқ, қиёмат — булар шунчаки восита Аслида...

Мана, асар қаҳрамонининг гуноҳ ва савоблари илоҳий тарозисига солинаяпти. Қаҳрамон ўзини бекаму кўст ҳисоблаб, тўғри жаннат томон йўл олишни кутади. Қутилмаганда тарозибон жаннатга ўтиш учун у қилган савоблар етарли эмаслигини билдиради.

Қаҳрамон таажжубда. У ҳаётда соҳибқалам бўлган. Наҳотки Тангри соҳиби қаламга шундай муносабатда бўлса! Китобхон ҳам таажжубда. Наҳотки соҳиби қалам бўлмиш зотнинг гуноҳига савоб етмаса!

Далиллар олдида лол қоламиз: соҳиби қалам ҳаётда нуқул само шуъласин куйлаган, юлдузларга, гулга, оҳуга шеърлар бағишлаган... Қора юрак ва ҳасадгўй, олчоқ ва товламачи, текинхўрлар унинг нигоҳидан четда қолиб кетаверган. Инсон номига номувофиқ бу кучларга қарши ўз қалами кучидан фойдалана олмаган, бошқача қилиб айтганда, ҳаётнинг ўткир қирраларидан ўзини олиб қочган, /шу йўл билан ўзининг тинчлигини ўйлаган. Ҳатто охиратда тарозибон олдида ҳам уларга рўпара келишни истамайди. «Кўрсатма менга уларнинг юзини!» — деб зорланади.

Кўраяпсизки, бу ерда Абдулла Орипов диний сюжетдан фойдаланиб, санъаткор вазифасига тегишли муҳим фикрни ўртага ташлайди. Ҳаётнинг гўзал томонларини, унинг инсонга завқ бағишлайдиган жабҳаларини акс эттириш қалам соҳибининг биринчи даражали вазифаларидан. Бироқ ҳаётни тўла акс эттириш, инсон ва жамиятга хизмат қилиш учун фақат нур гулрухсор тасвири ва таърифи етмайди. Ҳаётни тоза сақлаш учун қоронгилик, кажрафторликка қарши кескин кураш эълон қилиш керак. Муаллиф асарда мана шу ҳақиқатни қувватлайди ва улуғлайди.

Сюжет ривожидида шоир ҳажвий маънони ниҳоясига етказиш учун йўл излайди. Ўзининг шоирлик маҳоратини ишга солади.

Аросатдаги қаҳрамон тарозибон маслаҳатига кўра икки пайса савоб ахтариб, саҳрода сарсону саргардон юради, бошидан қатор саргузаштларни ўтказилади. Шоир бу саргузаштларнинг ҳар бир ҳалқасига бош маънони очиб берадиган эпизодларни сингдиради: ота-онасини сансираб силтаган, бир лаҳза бўлса ҳам ранжитган

нимса борми, ҳатто худога ҳам, тарозибонга ҳам чап бериб, тўғри беҳиштга ўтиб кетишга тайёр учқурлар борми, худодан ҳам пора кутадиган, ҳар бир ишни пул билан битказиш мумкин ҳисоблайдиган олғирлар борми, аждодларига ёдгорлик, деб қабр тош йўндириб, сатта ҳарфлар билан ўз номини безатган майда шуҳратнарастлар борми, инсон руҳига жавобгар бўла туриб, ўзлари номус ва виждонни топтаб, руҳий мажруҳларни кўпайтирувчилар борми, иғво уругини сешиб, инилларни хун қилувчи ҳасадгўйлар борми, орқа олдига қарамасдан шуҳрат таллашиб, бир-бирини бўғадиган бондиша нафси балолар борми, иғвони ўзига касб қилган, бу йўлда ҳеч бир одамни аямайдиган, бирор нимса топилмаган пайтларда иғво қилиб, ҳатто ўз қариндошларини бир-бирларидан ажратиб юборишга ҳам қодир, ҳатто «одилларнинг одили» деб ном олмиш тарозибон устидан иғво қилиб, унинг ишларини ҳам текшир-текширгача олиб борадиган юзсизлар борми — дуллас, шоир қиёмат, гуноҳ ва савоб ҳисоби — дўзатий ёки жаннатийликка ажратиш муносабати билан реал ҳаётда учраб турадиган ахлоқсизликлар устидан ҳукм чиқаради. Достонни якунлаб:

Бир ривоят баҳона-ю, достон сўйладим,
Турли-туман тақдирларни айлаб мужассам.
Одамларга ибрат бўлсин дея ўйладим, —

дейди шоир.

Абдулла Орипов «Жаннатга йўл»ни драматик фожиа деб атабди. Ҳа, асар мазмунан худди шундай. Бироқ асар шу билан баробар ҳажвий йўналиш ҳам касб этади.

Маълумки, ёзувчи ҳажвда ҳар хил услублардан фойдаланиши мумкин. Шу асосда нуқсон ва камчиликларни, ҳаётда учраб турадиган иллатларни қавартириб, айрим жойларда ошириб тасвирлаши, зарур пайтларда пореал ситуациялар ҳам яратиши мумкин. Гап бу ерда пореал ситуациялардан реал хулосалар чиқариб, камчиликларни соғлом нуқтадан туриб фош қила билишда; ҳаёт бир дарё эканлигини, унга тушиб қолган баъзи бир хас-чўплар, шох-шаббалар, шиддатли оқим натижасида пайдо бўлган енгил кўпиклар унинг тагли оқимига путур етказишини англаган ҳолда иш тутиниладир. Абдулла Орипов шу йўлдан бориб, китобхон руҳига таъсир ўтказадиган, жамият тараққиётига хизмат қиладиган ҳажвий-драматик достон яратиб берди.

Мазкур бобнинг мавзу йўналишига қараб айтадиган бўлсак, шоир ҳеч тап тортмасдан ҳаётнинг ўткир қирраларини аниқ сезганини ва уларга нисбатан тўғри муносабат билдирганини кўрамиз.

Ҳам мазмунан, ҳам шаклан «Жаннатга йўл»дан Дантенинг «Илоҳий комедия»сининг ҳиди келиб туради «Илоҳий комедия»дек буюк асарни таржима қилиш учун Абдулла Орипов йиллаб вақт сарф қилди. Айтиш керакки, бу вақтлар беҳуда кетмади. Жаҳон адабиётининг бу нодир асари ўз бўй-бастига тўғри келадиган таржимонини топди. Абдулла Орипов биз билан суҳбатлардан бирида шундай деди:

«Агар мен Данте билан суҳбатдош бўлиб қолсам, нима ҳақида гаплашар эдим? У менга энг яхши замондош бўларди. Мен у билан бугунги ҳаёт муаммолари юзасидан — яхшилар ва ёмонлар, виждонлилар ва виждонсизлар, ҳалолни харомдан фарқ қиладиганлар ва қилавермайдиганлар ҳақида гаплашардим. Дантедан порахўрлар, ўғрилар, ҳасадгўйлар, лаганбардорлар ва ҳоказо-ҳоказолар ҳозир ҳам қўрқиб келадилар. Ижодининг шу хислатлари билан Данте бизга замондошдир»

Бадий ижод ҳақида бирор суҳбат йўқки, Абдулла Орипов умуман Дантега, қисман унинг «Илоҳий комедия»сига муносабат билдирмаса. «Совет Ўзбекистони санъати» журнали (1982, 3-сон)да эълон қилинган «Дил суҳбати»да у ёзади: «Бундан олти асрча муқаддам ёзилган ушбу асар одамларнинг иллатларини шафқатсиз фош этади. Бу иллатлар ҳозир ҳам йўқолгани йўқ. Шу боис ҳам «Илоҳий комедия»га бўлган қизиқиш сўнган эмас, ҳеч қачон, ҳеч қайси асрда сўнмайди ҳам».

Бу сўзлар изоҳни талаб қилмайди.

Суҳбатлардан бирида Абдулла Орипов бошқа бир ҳақиқатни ҳам баён қилди:

«Мен лирик шоир эдим. Ҳаёт мени ҳажвий бўлишга мажбур этди. Шу ёшимгача жуда кўп арзимаган одамлар билан учрашдим. Шунинг учун баъзи шеърларимда уларни ёзишга тўғри келди. Дунё фақат ёмон одамлардан иборат экан, деган хулосага келган вақтларим ҳам бўлган. Кейин, умуман, ҳаёт бундай эмаслигига менда доим бир ишонч мавжуд эди, ҳозир ҳам шундай».

«Жаннатга йўл»да шоир ҳаётнинг «ўткир қирралари»га муносабат билдирди дедик. Бир зум ўйга толиб, асарнинг ёзилган пайтидаги ҳангомаларни эслайман. Асар «Муштум» журналининг сонларида чоп этила бошлади. Унинг яримларига борганда қизиқ шов-шув

би дағдағали гаплар кўтарилди. Расмий равишда унинг устидан аризалар ҳам ёзилди. Уларнинг мазмуни шундай эди: Абдулла Орипов совет воқелигини бузиб кўр-кўтаяпти, унинг «Жаннатга йўл»и бошдан оёқ туҳмат, у яратган образлар бугунги ҳаётимиз учун типик эмас, «Муштум» журнали мафкуравий зарарли асарни чоп қилаяпти ва ҳоказолар.

Бу шов-шувлар натижасида катта идоралар кўла-кида текшир-текширлар бошланди. Текширувга жалб қилинган мунаққидлар ҳар хил фикрлар билдиришди. Ушанга текширувларга жалб қилинган каминанинг хулосалари инобатга олинди. Кейинчалик тақриз сифатида берилган бу хулосалар 1980 йилда нашр қилинган шоир-нинг «Жаннатга йўл» китобига сўз боши сифатида қиёва қилинди.

Абдулла Ориповнинг ҳажвий усуллар билан ҳаёт-нинг разил томонларини фош қилиш йўллари ҳар хил. Мана унинг “Шоир ва илҳом” номли шеъри. Шеър тираж, маънодор, ижтимоий мазмунни акс эттиради.

Ифвогар, ҳасадгўйларни истаганча сўкавериш мумкин. Ўзаро гап-сўзларда, газета ва радиоларда ифвогар ва ҳасадгўйни ундан олиб бунга қўямиз. Шундай қилиш ҳам керак. Бироқ Абдулла Орипов “Шоир ва илҳом” билан ифвогар ва ҳасадгўйларни фош этишга, ҳақиқат йўлида доимий қуроли бўлиб хизмат қилишга қодир типлар тасвирини берди.

Қаранг: илҳом париси эзгу ниятни амалга ошириш учун қанотларини офтоб шуълаларига чулғаб, юлдузлардан бўйнига маржонлар осиб, қалбини ҳис ва туйғулар билан тўлдириб, замин сари, шоир ҳузурига йўл олади. Бироқ, афсуслар бўлсинки, хилват гўшада уни осий ифвогар кутиб турар эди. У шоирни энг охириги одам қаторига тушириб қўйди, шоирга аталган безаклар — маржонлару зирак ва либосларни ифвогар ундан тортиб олди.

Илҳом дилида минг алам ва ўйлар, армонлар билан мана шоир томон йўл олди. Бироқ, дарвоза тагида уни кутиб турарди ҳасад. Ҳасад ҳам одатланган ишини амалга оширди ва чултоқ ҳасса билан илҳомнинг бошига туширди, нозик қанотларини юлиб ташлади, бу ҳам етмагандек, унинг юзига балчиқ чаплади.

Шоир ҳузурига бориб етганда илҳом париси беқанот, белибос турарди қандайдир махлуқ шаклида. Табиийки, шоир ҳам уни бу кўринишда тан олмайди:

Шоир дарвозани очди-ю ёпди:
Танимайман, деди, сендай дайдини.

Юқорида айтганимиздек, ифвогар ва ҳасадгўйлар ҳақида ўзаро ҳамда матбуот саҳифаларида журналистлар тили билан озмунча гап айтилган эмас. Бироқ бу гапларни шу даражада таъсирли, шу даражада баркамол шаклга солиб айтиш фақат истеъдодли ижодкорнинг қўлидан келади.

Қўраяпсизки, бу шеърда ҳам дилларга озор берадиган ҳаётнинг ўткир қирралари бор. Шоир шу қирраларни қабартириб, онгларга таъсир қиладиган шаклини топиб айта билди.

Абдулла Ориповнинг «Инсон манзараси» (1980) номли шеърида ҳаётнинг ўткир қирраларига муносабат қуйидагича ифодаланади. Шоир хаёл суради: не бўларди ҳассос табиат қудратин кўрсатиб «инсон сувратининг феълү атворига айлаб қўйса мос?» Шоир тасаввур қилади: хушомадгўйлар юрарди эмаклаб, бадкор мунофиқ-чи? Уни асло таниб бўлмасди. Ифвогар-чи? У юрарди “оёғи осмонда” муаллақ. Фақат комил ва устивор инсонларгина мағрур турарди “оёғин заминга қадаб”.

Мазкур шеърда бадий ижодда кўп учраб турадиган шартлилик бир оз ошириб юборилгандек. Бироқ, биз шунга англаймизки, шартлилик қай даражада оширилган бўлмасин, Абдулла Орипов камонидан таранг тортилиб отилган ўқ мўлжалга бехато тегаяпти. Масаланинг шу томони муҳимдир.

Абдулла Орипов ўзининг ҳажвий тафаккурини давом эттиради. Унинг “Инсон манзараси”дан бир оз кейин ёзилган “Қўриқхона” шеърида шоир ҳаётда кузатиладиган зиддиятли манзарани шундай акс эттиради: инсон қилаётган улуг ишлардан бири шуки, у дунёда камёб бўлиб қолаётган ўсимлигу ҳайвонларни асрайди, ҳатто атрофларини ўраб қўриқхоналар ясайди. Бироқ... Бироқ, инсон ўзининг инсонийлик фазилатларини қўриқлай олмайди. Шоир бонг уради, қўриқланса дейди аввало “соф инсон”, соф инсонга хос хислатлар. Яхшиси шеърнинг ўзига мурожаат қилайлик:

Инсоф йўқолмасин, ўранг мустаҳкам,
То уни юзсизлик этмасин хароб.
Эзгуликни асранг, оламда у ҳам
Тождор турна каби бўлмасин камёб.
Оқибатни асранг, оқибат гўё

Айиқдай қайдадир топмасин завол.
 Ҳаёни асрангиз, куймасин ҳаё
 Оташга дуч келган палапон мисол.
 Иймонни асрангиз, у доим танҳо,
 Ундадир мужассам инсон матлаби.
 Авлодлар ахтариб юрмасинлар то
 Уни аллақандай Қор одам каби.
 Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ,
 Ягона заминни асрагансимон.
 Боболардан қолган ноёб бу тортиқ
 Токи авлодларга етолсин омон.
 Эзгу, латиф ҳислар бўлмасин таҳқир,
 Булбулни бойқушга топширманг зинҳор.
 Худбин ва дилозор кимсанинг ахир
 Оғзи қон йиртқичдан қандай фарқи бор.

Шоир бонгида маъно катта. Ҳаёт — доим зиддиятли. Уни баъзан манфур, мунофиқлар, худбин ва манфаатпарастлар, олчоқ ифвогару туҳматчилар шу даражада ниқобланадиларки, уларни бошқалардан ажратиб олиш қийин бўлиб қолади. Аслида улар шу ҳолдан фойдаланиб яшайдилар, яшайдиларгина эмас, балки бошқалардан устун бўлиш учун ҳаракат қиладилар. Ҳақиқий инсон эса ўз фазилатлари — имону оқибати, виждону ор-помусларига ишониб бениқоб яшайди. Бениқоблиги билан улар баъзан ниқоблилар қўлида жабрланадилар. Шу боисдан инсон аввало ўзини ўша ниқоблилар дастидан қўриқлаши керак — мана, “Қўриқхона”дан келиб чиқадиган муҳим маъно!

Ёмонлик Абдулла Орипов шеърларида ифвогар, худбин, туҳматчи шаклидаги мавҳум тушунчалар эмас. Шоирнинг баъзи шеърларида у аниқ қиёфада тасвирланади. Мисол учун унинг “Учинчи одам” (1980) шеърини олиб қарайлик.

Эҳтимол одам билан одам ўзаро бевосита муомала қилса, бир-бирларини тушуниш осонроқ бўлиб, шубҳага, совуқликка ўрин қолмас эди. Афсуски, аксарият пайтларда бунинг иложи йўқ. Доим учинчи бир одам орага тушиши керак, гўё икки томонни бир-бирларига таништириши, тушунтириши, бир-бири билан келиштириши керак.

Учинчи одам ҳар хил қиёфада намоён бўлади. Бошда, ибтидоий жамиятда “...ўлжани келтирган фурсат ёлқоққа ўт ёққан учинчи одам”. Кейин сохта пайгамбар қиёфада у “бандага худони далолат этган”, шохлар

аро у элчи бўлиб “гоҳо бош келтирган, гоҳ боши кетган”. Муҳаббат бобида ҳам у тайёр: шеърхон сифатида “шоирнинг ёрга атаб битган сўзларини биринчи бўлиб ёд олган”. У — ҳакам, бироқ пайти келганда ғанимни дўст, дўстни ғаним қилиб қўйиши ҳам ҳеч гаёмас.

Магар у бешафқат бошласа ғулу,
Дунёга ғовғалар солгай чинакам.

Шоир ташвишланади. Инсонни учинчи одам мало матларидан сақланишга чақиради. Бунинг чораси фақат битта:

Инсонлар бир-бирин юрса ардоқлаб
Уртада восита асли зиёда.

Ҳаётнинг ўткир қирралари ҳақида ўйлаш Абдулла Ориповни фалсафий шоир даражасига кўтарди. Зотан адабиётнинг, жумладан шеърятнинг қудрати ҳам шунда. Бедил, Навоий сингари улуг сиймоларнинг шеърятлари ҳам уларда акс эттирилган фалсафий тафаккурга боғлиқ! Назаримизда Абдулла Орипов ҳам шеърларида бу устозлар анъаналарига содиқ кўринади.

Абдулла Орипов қиёфа яратади. Унинг “Тулки фалсафаси” (1980) номли шеърига разм солинг: ёш тулки атрофдагилар масхарасидан зада. Чунки ҳадеб унинг устидан кулишар, ўз вазифаларини ўринли қилиб эплай олмаган чоғларда бир-бирларини тулкиликда айблашар эди. Ёш тулки бош тулкига маслаҳат солганда, ундан шундай жавоб олади:

Тулкисан, бундай чоғ тулкилик қилгин,
Тулки деб кулсалар, қўшилиб кулгин...

Фалсафа аниқ: ҳаётда ўз вазифасини адо этолмай, катта бир чиранишлардан маълум натижага эриша олмай юрган кимсалар, тулкилик қилмоқчи бўлиб, ҳар хил ҳийлаю найранглар йўлига тушиб олишади. Борди-ю, сир фош бўлиб қолгудек бўлса, ўзларининг айёрлигини яшириш учун ҳамма қатори тулкиликни қоралашга ўтишади. Олчоқ ва маккорлар шу йўл билан жон сақлайдилар...

Бу ердаги фикр ҳам катта изоҳни талаб қилмайди. Ҳаётнинг ўткир қирраларига муносабат билдириш жиҳатидан ҳажвийётга яқин туради. Бироқ бунда акс этган маъно ўткир фалсафийдир.

V

МЕҲР БИЛАН АЗИЗДИР ИНСОН

Маълумки, адабиётнинг тасвирлаш имконияти жуда катта. Унда жамият ҳаётида бурилиш ясаган катта шоксалардан тортиб, ўша жамият аъзоларининг турмуш тарзи, урф-одати, ахлоқ нормаларигача акс этади. Абдулла Ориповнинг бир қатор шеърлари борки, уларда баъзан оддий, кўз илғамас, бир қарашда унча муҳим бўлиб кўрина бермайдиган ахлоқий масалалар оғза сурилади ва шоирона ҳал қилиб берилади. Унинг шоҳидида биз таҳлил қилган бошқа шеърлари ҳам маълум даражада ахлоқий масалаларни акс эттиради.

Абдулланинг “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси” (1979) номли фантастик шеъри бор. Унда тасвирланишича, самодан тирик жоннинг ерга тушгани хусусида шов-шув тарқалади. Билагон олимлар йиғилишади, ўз илмларини ишга солиб, бу зот сирини англамоқчи бўладилар. Замонавий фан-техниканинг барча ютуқларидан фойдаланиб кўрадилар. Бироқ самовий меҳмон қилт этмасдан ётар, қилинаётган эътибордан у мутлақо беҳабардек эди. Олам сирларини тўла англаган олимлар эса бу зотнинг бепарволигидан ҳайрон. Ниҳоят, билагонлар чарчаб ўз ишларини тугаган ҳисобладилар. Ниҳоят... Ниҳоят муаммо илм доирасидан ташқарида, ақл мантиқидан ҳоли равишда ҳал бўлди: фаррош кампир озгина меҳр қўшди бу ишга...

Азбаройи меҳр билан
 Бошгинасин силади.
 Тиканакдек тикка ўсган
 Сочгинасин силади.

Сирли бу мавжудотга жон кирди, ҳатто яккаю ягона кўзига ёш ҳам келди, бир оздан кейин оёққа туриб юрди, нималарнидир шивирлаб гапиргандек, ҳатто жилмайгандек ҳам бўлди. Ҳа, шоир минг бор ҳақ. Фақат илм, фақат ақл, фақат тадбиркорлик инсон ҳаётидаги муаммоларни қаторасига ҳал қилиб беравермайди. Улар билан баробар катта ҳарфлар билан ёзилиши лозим бўлган инсоний Меҳр керак.

Абдулла Орипов “Дўстларимга айтганим” (1980)

шеърида ҳам Меҳрни улуғлайди. Қирқ йиллик адоват, қирқ йиллик юракдаги дарз унутилади, бироқ “яхшилар меҳри қолар абадул-абад” — мана шоир хулосаси.

Одатда адабиёт инсоншунослик деб аталади. Шу билан баробар, адабиёт — ахлоқшунослик ҳам. Бу икки тушунча бир-бирига зид эмас, аксинча, бири иккинчиси билан мустаҳкам боғлиқдир.

Инсон туғилади, ўсади, унади, озми-кўпми, табиат берган умрни охирига етказади. Шу тарзда ҳаёт узлуксиз давом этади. Бироқ ҳар бир авлод ўзи яратганидан кўра ўзигача яратилганлардан кўпроқ фойдаланади. Яратилганлар эса ўтган авлодлар томонидан фақат ўзини, ўз шахсий манфаатини ўйлаб яратилган эмас. Бу орада кўпгина ақида, урф-одат, туйғу ва ҳиссиётлар роли бор. Шулардан бири инсон боласига хос савоб ҳиссидир. Абдулла Орипов инсонни улуғлайдиган бу ҳисга бағишлаб “Савоб” (1982) номли шеър ёзибди:

Авжи саратонда ҳансираб, ёниб,
Қоврилиб оловли йўллар тафтида,
Муздайин булоқдан сув ичган қониб,
Ҳордиқ олганмисан чинор тагида?
Рухингда сафою танингда мадор
Умидбахш қўшиқлар куйлаганмисан?
Ўша пайт, ўша он ҳеч қурса бир бор
Чинорни ким эккан — ўйлаганмисан?

Боболардан мерос қолган нарса фақатгина ўз соясалқини билан жонларга роҳат бағишлайдиган чинору садақайрағоч ёхуд табиат яратган булоқ бўйларидаги жаннатсифат маконларгина эмас. Ўҳ-хў, боболардан бизга нималар мерос қолмаган дейсиз? Азим дарёлардан тортиб, қанчадан қанча эл-юртларга ҳаёт бағишлаган ариқлар; қитъаларни қитъаларга, мамлакатларни мамлакатларга улаган темир излар; шаҳар ва қишлоқларни бир-бирига боғлаган катта-кичик йўллардан тортиб, кўкаламзор боғ-роғлар, ишлаб чиқариш қуролдан тортиб миллион-миллион тонналаб металл эритадиган домналар... Буларнинг ҳаммасини санаб чиқиб бўлармикин? Керак бўлса, қон тўкиб бўлсаям ҳимоя қилинадиган ҳаётнинг ўзи-чи? Бунинг улуғлигининг ўлчови бормикин? Булар ҳаммаси кимларнингдир шунчаки беминнат, беҳасрат тўккан тери, сачраган қони, сарф қилган меҳнати эвазига юзага келган эмасми?

Шоир замондошларига мурожаат қилади: хўш, сен нима қиляпсан? Жуда бўлмаса, оддийгина инсонлик

бурчингни адо этипсанми? "...То, борсан, собит кимсига насиба узатганмисан?", "Кўчангдан лопиллаб утганда тобут, Сен уни тўрт қадам кузатганмисан?", "Чораси бир инсон учраган дамда, Унсиз сўроғига қилдингми жавоб?" Булар инсонийликнинг оддийгина бурчлари. Шулар сингари оддий бурчларни амалга оширган кимсаларгина улуғ ишларга ҳам ўз ҳиссасини қўша олади.

Шоир ана шу фикрларни илгари сураётган экан, шу билан биргаликда, унинг афсусли нидоси ҳам эшитилган, чунки кимдир тузалганларни бузади, яратилганларни барбод этади. Мана, шоир ҳукми:

Фақат савоб борки, жаҳон бус-бутун,
Фақат савоб борки, азиздир Инсон!

Абдулла Орипов шеърларида тарихий воқеаларга ҳам мурожаат қилади. Бироқ тарих Абдулла учун — тастак, бугунги ҳаёт хусусида фикр айтиш майдони. Бу ҳол умуман, Абдулла Орипов услубига хос хусусият. У ҳар бир шеърда қай даражададир кўҳна тарих санифаларига назар ташлайди. Тарих фактлари билан бугунги ҳаёт воқеаларини бир-бирларига боғлайди ва бу боғланишдан маъно чиқаради.

Шу йўсинда Абдулла Орипов бир қатор улуғ сиймоларнинг шаънига шеърлар бағишлайди. Булар ичида Ал-Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, М. Горький, В. Маяковский, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Аброр Ҳидоятлов ва бошқалар бор. Улуғ сиймоларга асарлар бағишлаб, уларнинг ҳаётини шарҳлабгина қўядиган шоир ва ёзувчилар ҳам йўқ эмас. Абдулла Орипов бу йўлдан бормайди. У ҳар бир улуғ сиймо ҳаётига мурожаат қилар экан, ўша ҳаётнинг маъзини чақишга ҳаракат қилади. Улуғлар ҳаёти баҳона, бугунги китобхонга нималарнидир уқтиради.

"Отелло" номли шеърнинг энг кейинги икки мисрасини эсланг: "Ролингни ўйнаса рашк қилиб мана, қабрига тиқибсан буюк актёрни". Шу икки жумла буюк драматургнинг дурдона асари маъносидан дарак берибгина қолмай, балки ана шу буюкликни янада буюкроқ қилган улуғ актёрнинг ҳаёти, маҳоратини характерлайдиган катта мазмунни ўзида тажассум этган.

Оддий воқеадан, баъзан маъносиз кўринган воқеалардан маъно топиш истеъдоднинг биринчи белгиси бўлса керак. Абдулланинг "Мўмин Мирзо" шеърини эсланг. Шеърда шоир бундан 500 йил муқаддам бўлиб ўтган мудҳиш воқеани — Ҳусайн Бойқаронинг неварар

си Мўмин Мирзони ўз хукми ила қатл этганини эслабди. Шаҳзодани “укам” деб атабди, унинг қисматидан тарих устидан шикоят қилибди. Шундай қарасангиз бу кутилмаган бир воқеа. Бугунги шоир 500 йил илгарини ўтган бир шаҳзодани “укам” деса, унинг ўлими учун ачинса, бу воқеага шеър бағишласа! Аммо яхшироқ ўйлаб кўрсангиз, шоир мақсадини англаш қийин эмас. Қуйидаги мисраларга разм солинг:

Беш юз йил бериди эсладим бирпас,
Лекин бу беҳуда мотаминг эмас,
Қалбимни ўртади аллақандай сас...

Шоирни безовта қилган шу машъум “сас”. Бу — XX асрда қатл қилинаётган норасидаларнинг саси. У дунёнинг кўп жойларида ҳамон эшитилмоқда: Араб мамлакатларида, Африка, Жанубий Америка қитъаларида... Ҳар кун телеэкран хабарларини кўргангизда Байрут кўчаларида вайроналараро дайдиб юрган, ё емирилган гишт ва бетонларга қоришиб, чўзилиб ётган жингалак соч фаластин болаларига кўзингиз тушмаяптими? Мана шу муносабат билан шоир овоз беради:

Сен-ку йўқсан, аммо қотиллар яшар,
Ҳамон гўдакларга қилич қайрашар,
Қачон пок бўларкан булардан башар,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар.

Абдулла Ориповни баъзи бировлар мунгли шоир дегандек бўладилар. Унинг шеърларининг таҳлили кўрсатадики, у мунгли шоир эмас, балки унли шоир. Шунинг учунки, у ҳаётга доим ҳам бир хил қолип, андоза асосида қарамайди. Ахир ҳаёт ҳамиша ўсишда, ўзгаришда, тараққиётда-ку! Ҳаётнинг ўзи ижодкорни маълум форма ва қолиплардан чиқиб кетишга мажбур қилади. Шу аснода шоир ижодида бурилиш, чекиниш, олға силжишлар, сўзсиз, содир бўлади. Бироқ бу чекинишлар ҳам унинг шеърларида олға силжишга хизмат қилади. У ҳаётни мураккаблигича кўради, ҳис қилади. У қандай кайфиятда асар яратмасин, шеърни қайси бир мавзуга бағишламасин, доим ҳаёт сўзи билан бошлайди, яратиш сўзлари билан давом қилади, она-Ватан билан тугаллайди. У баҳорга шеър бағишлар экан, шеърнинг дебочаси қилиб ҳаётни, уйғонишни, қайта тикланишни олади. Бироқ ҳаёт фақат уйғониш, қайта тикланишдангина иборат эмас. Қиш бор — биз ёзни улуғлаймиз, совуқ бор — иссиқни ёқтирамыз, кечанинг

оронғиси бор — кундузнинг ёруғини истаймиз. Табиатнинг бир-бирларига зид шу қонуниятлари бўлмаса эди, на на нурнинг, на илиқликнинг, на баҳорнинг қадрига тирдик. Абдулла ҳаётни ана шундай зиддиятлари билан биргаликда кўради. Баҳорни улуғлай туриб, янги баҳорда бош кўтара олмаган улуғ зотларни эслайди. Эслайди-ю, бироқ инсоннинг фақат ўтмиш билан яшай олмаслигини, инсон охи ҳар қанча буюк бўлмасин, ўтганга, демакки, баҳорга нисбатан бир зумлик ҳолат қилиниши, ҳаётнинг боқий эканини англайди. Баҳор ҳам ўтган, умр ҳам ўтар, фақат Ватан мангу қолар... Ватан— умр, шоирнинг англашича, чексиз уйғонишлар, қайта тикланишлар, видолашишлар ва яна уйғонишлар ва қайта тикланишлар... Ватан меҳригиёси қалбларни қўқирмай мадад беради, руҳларга илҳом бағишлайди.

Юқорида биз Абдулланинг шеърларидан баъзи мисраларни ибораларни атайлаб кўчирдик, зотан, бу ибораларнинг унинг асарларини таҳлил қилиб бўлмасди. Шу иборалардан маълумки, Абдулла образлар билан теран фикр қиладиган шоир. Аввало, у шеърда айтадиган умумий фикрнинг ўзини образ замирига сингдиради. Ҳар бир бу фикрнинг қолган ҳар бир парчасини, ҳар бўлагини образ моҳиятида мужассам эта олади. Баъзан образларга шу даражада юк берадики, улар шеърхоннинг турғун фикрларини уйғотади, у ўз мулоҳазаларини билан нималарнидир топиб олади. Шу йўл билан у ҳаётнинг ўз фикрларига шерик қила билади. Абдулланинг яна бошқа баъзи бир шеърларига назар ташлаб қарайлик: мана, унинг “Одамлар” номли шеъри. Қошқарайибди. Йўловчи бир хонадонда меҳмон бўлибди. Ҳар тонгда йўловчи товуш қилиб: “Ҳой, мен кетдим”, — деб чиқиб кетибди. Меҳмон билан мезбон бир-бирларининг исмларини ҳам сўрашмабди. Шеърдаги бор-йўқ гап шу. Бироқ шеърда катта маъно бор. Халқимизда: “меҳмоннинг сўзи”, “меҳмон — отангдан улуғ” деган мақоллар бор. Абдулла шу мақолларнинг маъноларини шеър моҳиятига маҳорат билан сингдириб юборган. Шу йўл билан бир она халқининг меҳмондўстлигини, инсонийлигини яқинроқ характерлайдиган асар яратган.

Абдулла Орипов барча истеъдодли шоирлар сингарининг фикрини образларда яратади. 1983 йил февралда унинг ва Адабиёт институти коллективи билан бўлган суҳбатда Абдулла Орипов адабиётимиз учун анча қилганлар қиладиган, бироқ ҳаётдан бевақт кетган М. Ҳамидов ҳақида шеър ёзаётгани хусусида гапириб, ундан

бир-бирига кам боғланган иккита байтни ўқиб берди. Ҳақиқат пайт: “Абдулла икки байтга етарли образ топибди, демак, ҳали яна ахтариши керак экан-да”, — деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Абдулланинг ўзи адабиётнинг образлилиги ҳақида шундай деб ёзади: “Адабиёт шеърят образлилиги билан тирикдир. “Эй ёр, мен сени севаман”. Ана шу гапни Мирза Ғолиб: “Эй ёр, остонангнинг олдида ётган тошни нима қилардинг нарига суриб қўйиб, ахир у менинг пешанамга урилавериб ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетарди-ку!” деб беришида жуда кучли образлилиги барқ уриб турибди.”

Образлилиги Абдулла Ориповни адабиётнинг биринчи элементи — тил хусусида ўйлашга мажбур қилади. У сўзларга жило бера олади, унинг асарларида бизга маълум сўзлар янгича маъно касб этгандек бўлади. Шу билан баробар, ўзбек тилининг бойлиги ҳақида ҳам тинмай қайғуради. Баъзан фикрларни бетакрор сўзлар билан ифодалай олади. Бунинг учун у ўзбек тилининг бор бойликларидан унумли фойдаланади. “Қайси тилда синоним кўп бўлса, ўша тил бой ҳисобланади”, — дейди шоир. Шу муносабат билан синонимларни эслайди ва афсуслар билан қуйидагиларни қайд қилади:

“Мен афсус ва надоматлар билан айтишим лозимки бизнинг аксарият сўзларимиз “луғатлар қабри”га кўмилиб қолмоқда. Тилимиз қашшоқлашиб борапти. Биз луғатимизда ўз ўрнини топган форсча, арабча сўзларни тобора камроқ қўллаймиз. Менимча, улардан албатта фойдаланиш зарур, лекин меъёри билан. Ўзим ана шундай қилишга уринаман. Шеърларимдан бирида “сурат” билан бир қаторда “сийрат” сўзини ҳам ишлатдим. Биринчиси одамнинг ташқи қиёфасини, иккинчиси бўлса, унинг ички қиёфасини англатади”. Гарчи Абдулла Орипов араб, форс сўзларини ишлатса-да, биз “унинг тили оғир, тушуниш қийин” деб айтолмаймиз-ку. Демак, у бу ишда доим меъёрни сақлай билади, сақлай туриб, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан фойдалана олади.

Бу ўринда бир ҳақиқатни қайд қилиш зарурга ўхшайди. Маълумки, ҳар бир тилнинг маълум бир қисмлари ҳар хил ижтимоий ва сиёсий вазиятлар тақозоси қисқаси, умуман ҳаёт талаби билан бошқа тиллардан кўчган бўлади. Кўчиб ўзлаштирилгани, адабий тил таркибига киргани, бас, ўша халқ мулкига айланади. Биз ўша халқ мулкидан фойдаланишимиз лозим, бироқ Абдулла Орипов айтганидек, меъёрни бузмасдан.

Адабий тил бойлигидан фойдалана билмиш масала-нинг бир томони холос. Масаланинг бошқа бир, айтиши мумкинки, муҳимроқ томони бор. Бу тил устида, яна тилининг ифода қувватини ошириш устида ишлаш маънасиlidir. Бу жиҳатдан Абдулла Орипов ҳақиқий истеъдодларга хос иш тутади. У қогоз тўлдириш, мисра-ларни кўпайтириш, китобнинг босма табоғини кўпай-тириб, жилдини қалин қилиш учун асар ёзмайди. Унинг учун асосий масала — маъно. Мўлжалдаги маънони ифодалаш учун образ излайди, сўз ахтаради. Зарур образларни топиб, мўлжалга тегадиган сўзларни териб, жой-жойига қўйгандан кейингина шеърни битди ҳисоб-лайди. Мана, унинг бу ҳақдаги сўзлари:

“Авалло шуни айтайки, мен учун ҳар бир шеър усти-да ишлаш гўёки жанг майдонига киргандай гап. Ҳар бир шеърим учун гоҳо йигирма, гоҳо йигирма беш кун-лар вақт сарфлаганим бўлган.

“Она сайёра” шеъримни эса ёзиб бўлингач, роса олти-ондан сўнг чоп эттирдим.

Унда “Бир зумлик безовта ўйлар сўнгида, яна рух-борингга термуламан жим”, — деган сатрлар бор. Унинг дастлабки нусхаларида “безовта” сўзи ўрнига “таш-қишли”, “ғамгин” ва шунга ўхшаш сўзларни ишлат-тирдим. Аммо, назаримда, улар жойига тушмагандек туюлаверди. “Қанақа сўз топсам экан?” деб анча бош қогирдим. Бир кун менинг ҳолимни кўриб, ўртоқла-римдан бири “Нега бунчалик безовтасиз?” деб қолув-дикки, ўша мен хуноб бўлиб излаган сўзим ана шу “безовта” эканини ҳис қилиб, суюниб кетдим-у, дўстим-га: “Раҳмат, энди безовта бўлмайман”, — дедим.

Баъзида оёғинг остида ётган сўзни жуда кўп ахта-ришга мажбур бўлиб қоласан. Бошқаларда қандоқ, билмадим”.

Шоир маҳоратини фақат образ тиклаш ва сўз териш билан боғлаб қўйиш ҳам тўғри бўлмас эди. Абдулла Орипов ижодий тажрибалари шуни кўрсатадики, унинг шеърлари шеърый нутқдан ташқари, зарур пайтларда топиб ишлатилган ҳаётий деталлар, маънодор воқеа-лар, афсоначалар билан тўлдириладики, бу хислатлар-нинг ҳар бири алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Бу усуллар унинг образли фикр қилиш имконини ана ҳам бойтади. Шу маънода, унинг баъзи шеърлари ҳам наср, ҳам назм қонуниятлари асосида яратилган деган хулосага ҳам келиш мумкин.

VI

ВАФО ТАЛҚИНИ

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида Абдулла Орипов ижоди етарли даражада ўрганилаётгани йўқ. Бировлар уни ҳамон ёш шоир ҳисоблагиси келса, иккинчи бировлар унинг ижодини катта умумлашмаларга арзийдиган даражада чуқур ва кўламли кўраётгандек бўлади. Бу хилдаги ҳар иккала қарашга ҳам қўшилиб бўлмайди. Абдулла Орипов энди ёш шоир эмас. Кўлами ва мазмуни жиҳатидан эса унинг ижоди аллақачон илмий умумлашмаларга лойиқ.

Тўғри, Абдулла Орипов ижоди ҳақида собиқ Йттифоқ миқёсида яхши фикрлар айтилди. Қайсин Қулиев, Давид Қуғултинов, Мустай Қарим сингари донгдор шоирлар унинг шеъриятини объектив баҳоладилар.

Республикамизда ўша пайтларда эса Абдулла Орипов ижоди хусусида ижобий таҳлилдан ташқари зиддиятли фикр ва мулоҳазалар эшитилиб ва айтилиб турарди. Биз шулардан биттасига муносабат билдиришни лозим кўрдик.

“Гулистон” журналининг 1983 йил 8-сонида марҳум Очил Тоғаевнинг “Севги ва садоқат” номли мақоласи эълон қилинган эди. Мақолада у азалдан инсон қалбини банд қилиб келаётган сеvgи, садоқат ҳақида, бу тушунчаларнинг ҳаётий ва фалсафий маънолари ҳақида фикр юритмоқчи бўлади. Кимларгадир қўшилиб, кимларнидир инкор қилади ва бу мулоҳазаларда унинг асосий объекти Абдулла Ориповнинг “Аёл” сарлавҳали шеъри бўлиб, бу асар мунаққид диққат марказида туради. Бунга қиёслаб у ёш бир авторнинг “Садоқат” ҳикояси ва Жуманиёз Жабборовнинг “Гулшан” поэмаси хусусида фикр юритади.

Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеърининг мазмун оддий: иккинчи жаҳон уруши жангларида ёрини йўқотиб ҳаётда якка қадам ташлаётган оддий бир аёлнинг улуғвор қиёфаси тасвири, аёл бошига қарамасдан ўчидам, матонатда ками йўқ. Бунинг устига садоқат бобида у тенгсиз. Шоир “содиқ бева”га “сажда ва эхтиром этиш”ни қатъий талаб қилади. Бошқачароқ қилиб айтганда, бу шеър умр йўлдошларини фронтга жу

атиб оғир ҳаётнинг барча кулфатларини, дард-аламларини, ғам-ғуссаларини елкасига ортган минг-минг, миллион-миллион аёллар шаънига битилган гимн.

Шоир эътирофига қараганда, шеърда тасвирланган бу прототипи унинг яқин қариндошларидан бири бўлган. Гап бунда ҳам эмас. Мазкур сатрларнинг муаллифи ҳаётда бу хилдаги аёллардан қанчаларининг қисмати билан таниш. Шоир ҳам шу қисматлардан анчагина кўрган. Бу гимн шу кўрган-билганлар асосида муамлашма сифатида майдонга келган. Бир зум шу ҳаётнинг баъзи мисраларига назар ташланг:

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёҳу,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ун тўққиз ёшида бева қолди у.
Севгидан етим-у умрдан ярим,
Қуриган кўксида ёлғиз беланчак.
Абадий фироқни, ҳайҳот дўстларим,
Абадий висол деб билди келинчак.
Қақраган лабларда оловли нафас,
Кечалар кечмишин айлади кўмир.
Паришон сочлари ёр кўкси эмас,
Муздайин болишда қолди бир умр.

Мана, шоир овози!

Афсуски, Очил Тоғаев шеърни бошқача тушунибди. Унинг наздида севги, садоқат доим бир хилда, силлиқчилик ва доим қандайдир кўзга ташланиб турган "ижтимоий маъно" касб этиши керак. Яъни "қондан ажралдим" деб, иккинчи томоннинг ғам-ғуссаларини, дард-алам тортиши ортиқча, аёл киши жангдан қолган йўқотган бўлса, нима бўпти, у вақтини йўқотмасдан бошқа ёр танлаши, бола-чақа орттириши керак, ёрлик ва ҳоказо. Ҳаётда шу хилдаги аёллар ҳам бўлган, албатта. Абдулла Орипов бу хилдагиларга жуда ҳам қарши эмас. Бироқ у "садоқат" сўзидан нолиб, "садоқат комиди қолганлар"га, тортинмасдан, беандилик билан "ўзини мингта бозордан олиб, минг битта сизга солганлар"га қарши. Ҳа, у бу хилдагиларга қарши. Қаршигина эмас, бу хилдаги аёлларга нисбатан унда чексиз нафрат ҳисси ҳам бор. Бу хилдаги нафрат ва жамият ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан ҳам унинг қисобланади-ку. Демак, Абдулла Орипов аёлларнинг ижтимоий вазифаларини инкор қилмаган ҳолда, садоқату вафода қаттиқ ва изчил турган аёлларни

улуғлайди. Бунинг нима айби бор экан? Бизнингча ҳеч қандай!

Бундан ташқари, Очил Тоғаев мазкур мақоласида Абдулла Орипов яратган садоқатли аёл образига муқояса қилиб, Ўрта аср шарқидаги зоҳидлик ва таркидунёчиликни тилга оладики, бу нарса мунаққиднинг шоирга нисбатан таънасидек таассурот пайдо қилади.

Ахир Абдулла Орипов куйлаган садоқат бошқа, зоҳидлик ва таркидунёчилик бошқа, бир-биридан тубдан фарқ қиладиган қарама-қарши тушунчалар-ку. О. Тоғаев эса бу икки хил тушунчани аралаштириб юборди. Шу маънода, Очил Тоғаевнинг Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеъри хусусидаги фикрлари ғайриилмийдир.

Очил Тоғаев шеър мазмунидаги бошқа бир йўналишни ҳам кам ҳисобга олгандек кўринади. Бу шеър аёл садоқати ва матонатидан кўра, уруш оловини ёқувчиларга қарши қаратилган асар. Тўғри, Очил Тоғаев шеърнинг бу маъносини инкор қилмайди. Аёллар — оналаримиз, опаларимиз, севган ёримизнинг бағри доим бутун бўлсин, ўтмишдагидек уруш даҳшатлари уларнинг ҳаётига чаңгал урмасин. Мана, Абдулла Орипов шеъридаги бош маъно. Модомики, шеърда шундай маъно акс этаётган экан, ундан бошқа маъно излаб юришнинг нима ҳожати бор?

Очил Тоғаев ўзининг чалкаш фикрларини далиллаш учун тасодифан ток уриб нобуд бўлган эридан ажралган аёл тақдири ҳақидаги ёш автор ҳикоясини шарҳлайди ва унга қиёс қилиб, Абдулла Ориповни зоҳидликда айбламоқчи бўлади. Қизиқ, Абдулла Орипов шеъридаги ва ёш автор ҳикоясидаги воқеалар мазмун ва маъно жиҳатдан бир-бирларидан тубдан фарқ қилади-ку. Бирининг асосида миллион-миллионларни азоб-уқуба ва ўлимга маҳкум этган, ер шари устига тушган кулфат, иккинчисининг асосида ҳаётда кам учрайдиган бир тасодиф туради. Назаримизда, қиёс қилишни ҳам би-лиш керак экан-да!

Очил Тоғаев даъволари билан танишар экансиз адабиёт тарихида бор бўлган баъзи бир фактлар эсимга тушиб кетади. Мана, шоир Эркин Воҳидовнинг шоирамиз Зулфия билан унинг марҳум умр йўлдоши шоир Ҳамид Олимжон ораларида шартли диалог шаклида яратилган “Вафо” номли шеъри. Бу ажойиб шеърда кўп изоҳ бериб ўтирмасдан, ундан бир бандни келтирмоқчимиз:

Висолга айланди мен учун ҳижрон,
Едингга шунчалар ўрганиб қолдим, —
Азиз жонинг билан туташдию жон,
Балки мен ўзим ҳам сен бўлиб қолдим.

Бу ерда ҳам айнан ўша масала, ўша мотив.
Очил Тоғаевнинг ўринсиз даъволарига шоир Абдул-
Орипов ўзи жуда яхши жавоб берибди. У ёзади:
“Ҳар севги ва садоқат мавзуи бундай айнан тушунилса
ки, ўзбек адабиётида, умуман, жаҳон адабиётида кўп-
ки, бундай энгил-елпи
рилса эди, Лайли Мажнунга қараб: “Мени кечиргин,
Мажнунжон, мен умримни хазон қилмаслигим керак
ки, фарзанд-марзанд кўришим керак экан” деб айтган
лар эди” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газе-
ти, 1983, 26 сентябрь).

Бу сўзларни изоҳлаш ё шарҳлаш ортиқча бўлар...

VII

МУҲАББАТ ВА ҶЛИМ

Абдулла Ориповнинг бирор шеъри йўқки, унда маълум бир ижтимоий масала акс этмаган бўлсин. Унинг дostonларида ҳам шундай ёндашувни кўрамай. “Жаннатга йўл”да афсонавий сюжет орқали 70-йиллардаги ҳаёт манзараларига назар ташлади ва ўша даврга хос ҳаёт зиддиятларини пардали бўлса ҳам ҳаққонини акс эттира олди. 1980 йилда ёзиб эълон қилинган “Ҳақим ва ажал” ҳам шу йўсиндаги мавзулардандир. Бибу бобни “Муҳаббат ва ўлим” деб атадик. Бунда маънабор. Абдулла Орипов аслида муҳаббат ҳақида катта ёзади. Бироқ ёзган тақдирда бу масалага замоннинг ҳаёт зиддиятларидан келиб чиқиб ёндошади. Дostonнинг сюжетида муҳаббат талқинлари турса ҳам, асар мазмун эътибори билан, биз ўйлагандек, фақат муҳаббатнинг ўзидангина иборат эмас. Аксарият реалистик асарларда акс этганидек, бу ерда муҳаббат ўлим билан ёнма-ён. Зотан, Абдулла ўйлаган сюжет шу хилдаги йўналишни талаб қилар эди.

Улуғ сиймо — Ибн Сино ҳақида ҳар хил йўналишда асарлар яратиш мумкин ва яратилган ҳам. Бироқ Абдулла Орипов бу улуғ Ҳақим ҳақидаги бор афсона-ю ҳақиқатлар уммонидан ўзига хос йўналиш топа олди.

Сюжетнинг асл моҳиятини муҳаббат ва ўлим белгилайди. Асар бошларида Бухоронинг Афшонасида чанг тўзон ютиб, далаларда мол боқиб, ўт-ўланлар билан сирдош бўла олган Ҳақимнинг болалик чоғлари кўн олдимизда гавдаланади. Йигит етилиб ҳақимликда ном чиқаргач, ҳаёт уни ўз гирдобига тортади. У бемор маликанинг дарди туфайли Бухоро аркига таклиф қилинади. Сюжетни ҳаракатга келтирадиган бош тугун мана шу ердан бошланади. Ҳақим маликанинг жисмонан соғлом-у, бироқ руҳан мададга муҳтож эканлигини аниқлайди. Малика ҳам Ибн Синонинг фақат ҳақим эмас, балки улуғ бир инсон эканлигини дарров пайқайди. Ўзининг руҳий дардига шифо бағишлай оладиган одам фақат шу бўлиши мумкин эканига ишонч ҳосил қилади. Бироқ малика кўнглига йўл излаб юрган мирзолардан бири — унинг олдида турган асосий тўсиқ.

Худди шу тарздаги воқеа асл ҳаётда рӯй бермаган бўлиши ҳам мумкин. Адабиёт учун бунинг аҳамияти йўқ. Шундай воқеанинг рӯй бериши эҳтимолдан ташқари эмас. Бу ерда бошқа бир ҳақиқат бор. Ҳақимнинг ҳам дарди катта, ҳатто бу дард маликанинг руҳий дардидан ҳам ўткир ва шиддатлироқ. Бу ўринда Ҳақим умр бўйи ўзига муносиб маҳбубага дуч келган ошиқ ўринда эди. Бироқ у муҳаббат изламайди. Мақсади — олий ва юксак. Унга боддий муҳаббатдан кўра, ўз ҳаётининг бағишлаган асосий мақсад — ажалга даво топиш дегандек муҳимроқ.

Шундай қилиб, икки ўткир ва олий дард бир сюжетда мужассамлашади ва охир оқибат мана шу мужассамланиш асар қаҳрамонларини ўзига хос ечимга олиб келади.

Сюжетнинг ривожига бир разм солинг.

Маликанинг таклифи билан Ҳақим амир кутубхонасида қолдирилади. Бу Ҳақим учун айни муддао, олий мақсадга эришишнинг бош воситаси эди. У бор кучи ва ғайратини кутубхона асарларини мутолаа қилишга бағишлади.

Неча йиллик армонини Ҳақим этди арз:

— Рухсат бўлса кутубхона етар мен учун

деган эди у илк таклифидаёқ.

Ғайриихтиёрий равишда сюжет ривожини бошқача йўналишга тушади. Муҳаббатдан даво излаш лозим деган фикр билан Ҳақим малика юрагига муҳаббат чўғини ташлади. Бироқ воқеа шу ондаёқ ўзгача йўлга тушади. Одатда кўп асарларда учрайдиган анъанавий “учбурчак” ҳосил бўлади. “Учбурчак”нинг бир томонида маликага кўнгил қўйган мирзо, иккинчи бурчагида мирзони ўзига ёт билиб Ҳақимга кўнгил қўйган малика, учинчи бурчагида муҳаббатдан кўра олий мақсадга умрини бағишлаган Ҳақим туради. Воқеа шунга мувофиқ ривожланади. Мирзо фитнаси туфайли Ҳақим Бухородан ҳайдалади. Демак, у китоблар кони — кутубхонадан ажралди. Бу унинг учун дунёвий муҳаббатнинг олийсидан ажралишдан кўра ҳам оғирроқ эди. Бироқ Ҳақим ўзининг олий мақсадидан дарров воз кечиб кетаверадиганлар хилидан эмас эди. У ҳамон юқорига интиларди. Қадам-бақадам олий мақсадга яқинлашаётгандек ҳис қиларди ўзини. Мана Абдулла Орипов таърифида бу улуғ Ҳақимнинг ишлари ва ҳолати:

У тиббиёт оламида кутарди байроқ,
 Улаб чиқди парканд, юлуқ ипларни бир-бир.
 Деди: тан ҳам яхлит эрур, саргайса япроқ,
 Узиб олиб обиҳаёт бермаслар ахир.
 Деди: танда бесабаб дард бўлмоғи душвор,
 Таралгай у асаб деган битта маёқдан.
 Муҳаббат ҳам хасталиқдир, инжиқ, шиквадор,
 Қириб келмас юракка у аллақаяқдан.
 У асрарди дилда яна битта ниятин,
 Поёнига етолмасди ва лекин пешлаб:
 Кўрсам дерди тан-вужуднинг ботишиятин,
 Ериб кўрсам дерди уни қўл билан ушлаб.

Бироқ бу ишлар унинг учун осоиликча кўча бермасди. Бунинг учун алоҳида жасорат керак эди. Жасорабор, лекин бу жасоратга журъат ҳам керак.

Лекин бундоқ манзарани ҳис этгани чоқ,
 Ногаҳоний қўрқинч билан титраб кетарди.
 — Осийманми? Яратдинг-ку мени ҳам, Халлоқ, —
 Дея тушлар тангрига жим сукут этарди.

Ҳаким олий мақсаднинг жумбоғини ечгандек эди. Фақат бу ишга арзимаган воситалар керак эди холос. Шу ўринда анъанавий “учбурчак” қонун ишга тушади. Бу “учбурчак”даги Ҳакимнинг ўрни аллақачон белгилаб қўйилган. Маликанинг тақдири ҳам қандайдир йўсинларда ҳал бўлиб кетган. “Ошиқ” мирзо эса аросатда қолди.

Мирзо қиёфасида икки хислат кўзга ташланади. Биринчиси, у ҳамон жавобсиз қолиб кетган муҳаббат аламида. Алам шу даражада унинг юрагида дард бўлиб қолганки, бу дардни у ҳеч унутолмайди. У кимдандир аламини олиши керак. Маликадан алам олиш эҳтимол мушкулдир. Мирзо қалбидаги алам ва ҳасад алаиғаси Ҳакимга қаратилади.

Фосиқ ва иблисларни ўз башарасида кўрсатиш Абдулла Оришов истеъдодига хос хусусиятлардан биридир. Мирзо образининг тасвирида бу хислат Абдуллага қўл келди. Кўп вақтлар ўтиб, бошқалар аллақачон унутиб юбориши мумкин бўлган аламининг кетидан қувган Мирзо Ҳаким ҳузурида пайдо бўлди.

Ибн Сино номи билан боғлиқ ўлим ва ажал афсонаси азиз ўқувчимга маълум бўлса керак. Шоир ўз асаринегизига олган афсона мазмуни шундай:

Ибн Синонинг шоғирдлари кўп бўлган, Улар Ҳаким

нинг асосий мақсадига — ажал сабабини аниқлашига ҳам ёрдам берганлар. Улуғ табиб қатор шиша идишларда дори тайёрлаган. Уларни маълум бир тартиботда босқичма-босқич истеъмол қилинса, ўлимни барта-раф қилиш мумкин. Бу янгиликни бошқа бирор бемор устида тажрибадан ўтказишни лозим кўрмайди у. Шу арада ўзи оғир касалликка гирифтор бўлади. Ушанда ўнинг буйруғи билан шогирдлардан бири дорилардан бирига томизиши керак эди. Бироқ бу вазифа ҳасадгўй шогирдлардан бирининг зиммасига тушган бўлади. У охирги шиша идишни қўлидан тушириб синдиради.

Орипов талқинида сотқин шогирд кирдикори ўша Бухоролик Мирзо зиммасига юкланади. Шу йўсинда Достон сюжетида икки йўналиш — муҳаббат ва ўлим бир-бирига чамбарчас боғланади. Достон шиддатли фожейи хулоса билан яқунланади. Мирзо Ҳакимга оқин келиб, дейди:

— Кушандангман, етди менга охирги навбат.

Энди Мирзо ўзининг асл қиёфасига киради. Борларду аламини тўкишга пайт келди деб ўйлайди у.

Тарғиб этдинг дунёда сен ҳур муҳаббатни,
Тахт юлдузи — Маликадан мени айирдинг.
Осий банда, мурда ёриб топдинг шавкатни,
Шухрат билан қўлларимни менинг қайирдинг.
Менман ўша, Бухорода саройни ёқиб,
Сени юрту Ватанингдан жудо қилган зот.
Менман ўша, томирингда қон бўлиб оқиб,
Соя каби таъқиб этган сени умрбод.
Айт-чи энди, қай биримиз йиқилган, йиққан?
Қани, мени енгиб кўр-чи, ажал мен ўзим.
Мен — иблисман одамларнинг ўзидан чиққан,
Сен — закосан, йўқдир сени кўрарга кўзим.

Оқибат Ҳаким ажал билан олишувда ўзи ихтиро қилган ҳаётбахш дорининг охирги томчиларидан маҳрум бўлади. Натижада у фақат афсоналарда учраши мумкин бўлган, бироқ ҳақиқат заминида турган азобда қолади. Тирик бўлиб тирик эмас, ўлик бўлиб ўлик эмас. Тириклик ва ўликликнинг азобини баробарига тартади Ҳаким:

Тонгда Ҳаким ётоғига кирдилар аста,
Гўё ҳеч сир ўтмагандай кун эди ёввош.
Ётар эди тўшагида безабон хаста,
Фақат ҳорғин кўзларида ялтирарди ёш.
Кунлар ўтди, ойлар ўтди судралиб секин,

Сўнг йиллар ҳам ўтиб борди сингиб йўқликка.
Ҳолатида бир ўзгариш бўлмади лекин,
Ётар эди ҳануз Ҳаким боққанча кўкка.

Фожиалар кўп яратилган адабиёт тарихида. Бирон
Ҳаким фожиаси Абдулла Орипов истеъдодига хос мисл
сиз фожиалардан биридир.

Шогирдларнинг умри кечди унга термулиб,
Ҳаким кўзин тарк этмади нурли шишона.
Охир бир кун ундан рози инсонлар келиб,
Тепиасида кўтардилар улкан кошона.
Кўникдилар асрлар ҳам тақдир ишига,
Салтанатлар келиб кетди такрор ва такрор.
Фақат Ҳаким буюк чархнинг айланишига
Сукут ичра қулоқ тутиб ётади бедор.
Бу¹сукутнинг тугайдиган замони йўқдир,
Бу умрнинг поёни йўқ, у вақтдан холи.
Кўради-ю, сўзлай деса забони йўқдир,
Эшитади, турай деса йўқдир мажоли.

Шоир Ҳаким, яъни Абу Али ибн Сино ҳақидаги халқ
нақлларига суяниб, дostonни шундай фалсафий-поэтик
хотима билан яқунлайди. Ҳаким ўзи тайёрлаган дор
оғзига томизилганда эди, боқий ҳаётга восил бўларди.
Не кажбахтки, даҳоларнинг мангу ҳамроҳи Ҳасад ара
лашиб, иш бузилди. Сўнгги томчи томизилмай, шиша
чилпарчин этилди.

Шунда шоир юқоридаги беш банд, йигирма мисра
шеър билан оламга юзланади. Бунда биз Ҳакимнинг
мангу трагик ҳолати, улуг фоже образига гувоҳ бўла
миз. Бу образнинг чуққиси сўнгги мисраларда, Ҳаким
билан буюк Чарх юзлашувида намоён бўлади: “Фақат
Ҳаким буюк чархнинг айланишига Сукут ичра қулоқ
тутиб ётади бедор”.

Ҳаким билан ажалнинг баҳси, таъбир жоиз бўлса,
дуранг билан яқунланди. Ажал ўз мақсадига етмади,
у буюк Ҳаким, оламшумул табиби маҳв эта олмади.
Э воҳки, Ҳаким ҳам қайта тирилмади. Ҳасад бунга йўл
бермай, ажалга кўмак берди. Лекин Ҳаким тамом ўл
мади. У буюк Сукутга эришди. Шоир айтганидек, “бу
сукутнинг тугайдиган замони йўқдир...”

Сукут — йўқлик эмас. Сукут — хушёр бедорлик. Ти
рик инсонга мангу ҳамроҳлик¹.

¹ Бобнинг сўнгги шеърини парчадан кейинги қисми Сувон Мели
томонидан ёзилди (*муҳаррир*).

VIII

ОЛИЙ БАХТИМ ШЕЪРИЯТ

Чорак асрким, бир карвон бизга ҳамроҳ. Биз ҳам
шга ҳамроҳмиз. У ўзининг гоҳ шод, гоҳ ҳазин, гоҳ
дурур, гоҳ шикаста қўнғироғини чалиб бораётир. Бу
шарий карвоннинг исми шарифи — Абдулла Орипов.

Шоир ҳақида шундай кўтаринки пардаларда гап
ошлаш ҳам жоиз, ҳам ножоиз. Шунинг учун жонски,
шоир, еру заминдан бир қадар баландда парвоз
шун унга Оллоҳ ато этган хислат. Унинг ёнида юрмоқ
таган одам ҳам заминдан андак кўтарилишга маж-
бур. Акс ҳолда у шоир қалбини англаши мушкул.

Шунинг учун ножоизки, қадамда қон тўкилиб, одам
рилиб турган замин у замонда баландпарвоз гап эриш
юлиб, кимдир «сал пастроқ тушинг, оғайни» дейиши
ям ҳеч гап эмас. Алам шундаки, бу ҳам айни ҳақи-
ят бўлади. Аммо пастда туриб шоир ҳақида сўзлаш
омони фалакда учаётган қушга таъриф беришдай га-
пати бир нарса.

Шоир жамиятнинг барометри деган гап бор. Сиртдан
араганда бу шоирлар шаънига тўқилган мақтовдек,
Алида мақтов эмас, шоирликнинг аччиқ тақдири, пе-
нонага битилган ёзуқ, яхшилигу ёмонликни қалбдан
кечириб, яна уни сўзга эвриш мажбуриятига ишорадир.
барометр иссиқни ҳам, совуқни ҳам, енгил шабада-ю,
беаёв бўронни ҳам ўзининг сезгир миллари билан кўр-
ятади, ясалишига биноан унга шундай вазифа юкла-
нган.

Барометр-ку жонсиз нарса, у об-ҳавонинг ҳар қан-
дай ҳолатини пинак бузмай кўрсатаверади. Шоир—жон-
ли одам, бўлганда ҳам — дардчил одам. Ҳаётдаги турли-
туман ҳодиса унинг қалбидан, шууридан ўтар ва шеъ-
рий сатрлар бўлиб қоғозга тушар экан, қанча изти-
роблар унга азоб берган, бу бизга қоронғу. Биз фақат
изтиробнинг мевасини татиб кўрамиз, ёқса ўқиб, ёқ-
масса кўз қиримизни ташлаб, йўлимизга кетаверамиз:
назарга илмай ўтиб кетганимиз сатрлар ҳам шоир юраги-
дан чиққанлиги, шоир уларга самимий ишонишлигига
кўпам эътибор бермаймиз. Улар бизнинг нуқтаи наза-

римизга мос келмаган пайтларида, шоирга нисбатан қандайдир эътироз туйғуси уйғонади ҳам.

Шунда баногоҳ яна барометр ҳақидаги гап ёдга тушади. Алғов-далғов, мукамалликдан йироқ замонда шоир бизга ёқмайдиган, бизни қаноатлантирмайдиган у ёки бу ғояни шеърда ифодалар экан, бунинг учун фақат шоирни айблаш жоизмикан? Шоир нафақат шеърлари, уларда ифодаланган фикру туйғулар билинмас, балки тақдири, ҳаётини йўли, яшаш маслағи билан ҳам жамиятнинг барометридир. Шоирликнинг фахри ҳам, тавқи лаънати ҳам шунда. «Оҳ, шоир умрига ҳаво қилмагил, У қуюн ичида унган бир дарахт».

Шоиримизнинг «Ишонч кўприклари» номли мажмуасини ўқиб, хаёлимдан юқоридаги ўйлар кечди. Кейиндиққатим икки тўртликка михланди:

Соддадил одамни жуда кам кўрдим,
Борин ҳам шикаста, кўзин нам кўрдим.
Дунёда фирибгар кўп экан, лекин
Уларнинг барчасин шод-хуррам кўрдим.

Бу гаплар дунё қадар кўҳна ва дунё қадар собиқ. Улар такрордай, ҳамма замон шоирларининг азали дард-аламларининг қуйқасидай туюлар. Аммо бу аччи ҳақиқат ҳаётда тинимсиз такрорланса, тинимсиз ўзини кўрсатса, уни кўрган, илғаган ва сўзга кўчирган шоир да не айб?

Соддадил ўзи кам бўлса, бори ҳам шикаста ва кўзи нам бўлса, фирибгар кўп бўлса-ю, яна барчаси шод хуррам бўлса. Бу дарднинг аламига қандай чидам мумкин? Бу асрий, йўқ, милён йиллик жумбоқни ким ва қачон ечади. Умуман унинг ечими борми ўзи? Муаммонинг ечимсизлиги унинг қонунийлигини келтириб чиқармайдими?

Муқаррарликни тап олганда ҳам дарднинг алами ёнгиллашмайди. Чорасизликдан чора излаш ожиз тасалли, холос.

Диққат қадалган иккинчи тўртлик бундай:

— Нега қаддинг эгик, нега бошинг ҳам,
Нега нигоҳингни тортади тупроқ?
— Менинг ер устида танишларим кам,
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ.

Ушбу ҳайёмона муаззам шеърни дастлаб шоир дўстим Мирпўлат Мирзаевдан эшитган, биргалашиб ҳузур қилган ва қойил қолган эдик. Катта умуминсоний маз-

мун қисқа, лўнда ва кутилмаган поэтик куч билан ифодаланган бўлиб, назаримда у бадий тирашлик ва кўламнинг айни тимсоли эди.

Одам тупроқдан яралган ва тупроққа қайтади. Ушбу ҳукмнинг биринчи қисми илмий жиҳатдан шубҳалироқ туюлса, иккинчи қисми шаксиз ҳақиқат. Балки шунинг учундир, тупроққа чоғлаш ва чорлаш комил инсонликнинг олий талаби ва мартабаси — тупроқ бўл! Тупроқ ерда, пастда-ю, унга тенг бўлиш баланд мартаба. Булар чуқур, аммо ҳарқалай илгаритдан маълум умрбоқий гаплар.

Шоир ана шу умрбоқий ҳақиқат ёнига ўзининг янги, бадий ҳақиқатини келтириб қўяди. Шеър ер устида дўст, излаб сарсонун саргардон кезган қалбнинг аччиқ поласи дейиш мумкин. Вожабки, ёруғ дунёни тарк этиб кетган буюғу нобуюк зотлар орасида дўстларимиз кўпроқ. Балки ёнда бўлмаган дўстдир, ёнма-ён юрмоқ дўстлик қонунларига зиддир балким. Ёнма-ён юрганлар фақат танишлардир.

Тил тафаккурнинг аслаҳахонаси. Унда ҳар бир тушунча ва ҳодисанинг ўз номи бор. Уларни тахминий қўллаш фикрий чалаликдан далолат. Катта ва чўнг тушунчаларни беталафот сақлаш учун улар атрофига маъноси яқин, аммо кўлами торроқ сўзлар тилда мавжуд бўлади, шекилли. «Дўст» ва «таниш» шундай сўзлардан. Шоир уларнинг нозик маъно қочириқларини шундай моҳирлик билан юзага чиқарадики, натижада «дўст» тушунчаси ўзининг асл салобати билан намоён бўлади.

«Танишлар» «ер устида», бўлганда ҳам «кам». «Дўстлар» эса «ер остида», бунинг устига «кўпроқ». «Ер ости» марҳумларни ифодаловчи моддий мазмундан кўра каттароқ миқёсга, дантеёна илоҳий кучга эга. «Таниш» замон ва маконда чекланган бўлса, «дўст» замон ва макон ўлчовларини тарк этиб, ҳамма даврлар ва ҳамма олижаноб қалбларни қамрайди. Дўстлар — ўшалар.

Ана шундай ҳаяжонли фикрлар онгни чўлгайди. Аммо тўртлик «Кекса муҳожир» деб номланиши (аслида у муҳожирликка мутлақо алоқасиз ёзилган) бадий кучнинг тенг ярмини йўққа чиқаради. Сабаби бизнинг «синфий» туйғумиз ишлаб кетиб, шеър замиридаги улкан умуминсоний поэтик ғоя кўринмай қолиш хавфи туғилади. Шеърдаги гапнинг бизга алоқаси йўқ, у ватанини тарк этган кекса муҳожир ҳақида, биз, худога шукур, юртимиздамыз, дея ўз-ўзимизга тасалли берамиз

ва уёғини ўйламай қўямиз. Шунда сарлавҳада ҳикмат кўп деган ҳикматомуз гап ёдга келади.

Абдулла Орипов ижодида изчил поэтик гоё ва яхлит концепция даражасига кўтарилган мавзулардан бири — Инсон. Шоир шеърятининг турли босқичлари кузатилса, бу мавзу муттасил чуқурлашиб ва мураккаблашиб борганини кўриш мумкин. «Темир одам», «Номаълум одам», «Учинчи одам», «Тафаккур монологи» каби шеърларида инсон мавзусининг муайян қирралари очилса, «Қоинот гултожи...» деб бошланадиган тўртлигида инсон табиатидаги манфий томонлар ҳам «қопуний» эканлиги тан олинмас экан, у ҳақдаги тасаввур чала бўлишлиги, яъни мукамаллик касб этмаслиги ўзининг поэтик тасдиғини топади: «Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо, ё фалак, ижодинг бунча мукамал».

«Ранжком» ана шу мукамалликнинг бир бўлаги — инсон тубанлигининг муайян қирраси ҳақидаги драматик дoston. Нега «драматик» деган савол-эътироз туғилади. Уч нокасининг суҳбати ва фаррош аёлдан калтақ еб енгилиши ҳақидаги асар драматик кескинлик ва воқеий тарангликдан холи-ку, дейиш жўяли. Дарҳақиқат, шундай кўринади.

Лекин «Ранжком» ҳақиқатан драматик дoston. Фақат драматиклик воқеалар маромида эмас, тасвир этилган ҳодисанинг характер-хусусиятида, жамият турмушига мутлақо зид кучларнинг дориломон яшаши-ю, уларнинг мушугини «пишт» дейдиган фаррош аёлдан бошқа кас йўқлигида ва шоирнинг юқорида келтирганимиз тўртлигидан фойдаланилса, «барча фирибгарнинг шод-хуррамлигида». Демак драматиклик асарнинг ўзида эмас, ундан туғилажак таассуротда, охир-оқибатда китобхоннинг бадиий идрокида дейиш мумкин.

«Ранжком» поэтикаси синчиклаб кузатилганда, унда бир тамойил кўзга ташланади. Муаллиф ниятига кўра биз ранжкомчилардан нафратланишимиз лозим ва шунга чоғланамиз ҳам. Аммо улар аянч кимсалар, инсон бўлиб, инсонийликдан мосиво каслар эканлиги аён бўлгач (асарда бу ҳол яхши очилган), сиртдан қараганда ва ўзлари наздида ҳаётнинг «устунлари»дек туюлсалар-да, моҳиятан қурбон эканликлари маълум бўлади. Шундай бўлгач, улар муаллифнинг жиндак меҳрига муҳтож ва бунга ҳақлари ҳам бор, деб ўйлайман.

Ия, бу нокаслар қайда-ю, меҳр дегич инсоний туйғу қайда, деган эътироз эшитилиши табиий. Таъбир

инсон бўлса, муаллиф меҳри нокас одамларнинг ўзига эмас, улар вужудида оз-моз қолган инсонийликка қаратилмоғи керак, чоғи. Энг ашаддий жиноятчи ҳам инсонийликдан буткул айри эмас. Фақат улар вужудида инсонийлик мағлубиятга учраган, тубан хислатлар инсонийликдан ғолиб келган, инсонийликни топтаб кетган. Модомики, инсон қалбию вужудини ноинсоний хислатлар эгаллаб олар экан, бу шу одамнинг ўзи учун ҳам кўрғилик, унга аллақайси гуноҳлари учун худо юборган ажр мукофотдир.

Достонда тасвирланган воқелик бир поғона юқори кўтарилиб кузатилганда, бу валломатлар унчайин валдомас эмас, тўғри йўлда ўрин тополмай, эгриликда макон қурмоқчи аянч кимсалар эканлиги аён бўлади. Бунинг устига, шоиримиз бундай поғонага ўзининг лирик шеъриятида аллақачон кўтарилган ҳам. «Маломат тошлари» шеърідан тўрт қатор:

О, буюк мавжудот, ҳазрати инсон,
Сенинг аслинг гаҳи ғафлати инсон,
Гаҳи сен баркамол бўлиб кўриндинг,
Гаҳи бечораҳол бўлиб кўриндинг.

Ранжкомчилар ҳам шу буюк мавжудотнинг унсурлари. Фақат айниган, нечундир ўз табиатига хиёнат қилган унсурлари. «Нечундир»га жавоб тайёрдек: ваъият, шарт-шароит, муҳит ва ҳоказо. Аммо буларнинг ҳеч бири инсоннинг инсонийликка хиёнат қилишининг асл сабабларини кўрсатишга, англатишга қодир эмас. Ўлғиз бир нарса аниқ — инсон собит ва абадий жумбоқ. Шу ҳолатда у бадий адабиётнинг боқий муаммоси.

Тўғри, касб-кори бандаларни ранжитиш бўлган кассларга инсоний меҳр кўргизмоқ осон эмас. Лекин ҳақиқий ижодкор ўз илоҳий дарди тақозосига кўра ўтакетган аблаҳни тасвирлаганда ҳам, уни ўзига хос севи билан севишга, меҳр кўрсатишга маҳкум. Жирканишга ҳаққи йўқ. Зотан жирканиш яратувчилик кучига эга эмас. Воқеликка жирканиб, ижирғаниб назар ташлашдан кўра, изтироб билан куйиниб назар ташлашнинг ички қатламларига, моҳиятига кириб боришга кўпроқ имкон беради.

Ижод жараёнида шоирни нафрат ва ижирғаниш ҳолати чулғаб олса, асарда баданни жунжиктирадиган, ескантирадиган мудҳиш кимсалар пайдо бўлиб, улар сатира тиғи билан фош қилинади-ю, аммо инсоний

меҳр кўрмаганликлари туфайли совуқ ва жозибасиз бўлиб чиқадилар.

Жамиятда шундай одамларни фош этиб, уларга нисбатан нафрат уйғотиб, бундан қаноат ҳосил қилиш эмас, балки одамзоднинг шу ҳолга тушганлигидан ўқувчини изтиробга солиб поклаш бадшиятнинг юксак роқ ва олижаноброқ вазифаси, деб ўйлайман.

Достоннинг тузуми жуда содда. Асар аслида иши ўзгаларни ранжитмоқ бўлган ширкатнинг таъсис мажлиси ва унда сўзланган нутқлардан иборат, деса бўлади. Асосий қаҳрамонлар — Раис, Биринчи аъзо, Иккинчи аъзо янги ширкатнинг вазифа ва йўналишини баён этишади, тажрибаю ютуқлари билан ўртоқлашишади. Ширин машварат уч бора бузилади: дастлаб Савдойи олим, кейин Ғоз кўтарган чол, охирида Фаррош аёл воқеага аралашади.

Ҳар бирига қисқача тўхтайлик.

Савдойи олим бор-йўқлиги, бўлган-бўлмаганлиги номаълум капалагини излаб ранжкомчилар қароргоҳига кириб келади. Капалагини Москвага, ўрганишга олиб кетганларини эшитгач, «Темурлангнинг дошқозони сингари у ҳам Эрмитажнинг мулки бўлиб қолмаса гўрга», — деб айтган сўзлари фикрлашга ундаб, “ҳақиқат ё гўдак, ёхуд жинни тилидан янграйди” деган “Инжил”даги ҳикматни ёдга туширади. Ранжкомчиларнинг савдойи олимга муносабати, ҳеч кутилмаганда, эҳтиромли.

Раиснинг сўзидан:

У аслида зукко зот эди.

Унинг бошин касбдошлари едилар бешак.

Зотан, савдойи олим илгариги фидойи олимнинг сояси, ноқис жамиятнинг қурбони дейиш мумкин.

Ғоз кўтарган чолга муносабат бўлакча. Пахта вилът касалини тугатишнинг «оламшумул» усули — ҳар бир эгатга биттадан ғоз қўйиб чиқиш соғлом ақли йўқотган (балки ақл ўзи бўлмаган), аммо савдойи эмас, балки шу учига чиққан бемаъни усулни зўр бериб тарғиб қилаётган одам жамиятнинг яна бир офати — демагог-олимнинг аниқ образидир.

Достонда Фаррош аёлнинг роли яна бир бўлак. У кўп даражада воқеаларга муаллиф нуқтаи назарини ифодалайди. Ранжкомчилар устидан чиқарилган ҳукм ҳам унинг тилидан ўқилади. Достон одоғидаги фаррош аёл монологи кўп жиҳатдан шоир маслагига мос кела-

ди. Аммо икки овозни айнанлаштириш ҳам тўғри бўлмас. Фаррош аёл бадий образ ва шунга яраша ўзига муносиб феъл-атвор ва ҳаётий фалсафага эга.

«Лекин нечун бу қавмнинг йўли доим шай», «қайда доно жим ўтирса — сайрагай нодон» каби Фаррош аёлнинг сўзларига шоир тўла қўшилса, қуйидаги мисралар муаллифнинг образга юклаган хос маъноларидир.

Ановлардан гина қилиб борай қаёққа,
Ҳиссиэларнинг башарасин сира йўқ кўргим.
Энг яхшиси, ҳасратимни айтай таёққа,
Садоқатли йўлдошимсан ўзинг, супургим...

Фаррош образи шоир ижодида иккинчи бор учрашди. «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош камшир қиссаси» ҳикоят шеърисида дунё олимлари жам бўлиб ечолмаган муаммо — ўликдай сулайиб ётган самовий меҳмонни қўзғатишни оддийгина ечган, донишмандлар тушига ҳам кирмаган матоҳ — Меҳр кўргизини билан ўзга сайёраликка жон ато этган эди. «Ранжком»даги Фаррош аёл ўзга сайёралик билан эмас, ўз одамларимиз билан учрашмоқда. Вазият ҳам энди бу фаррондан меҳр эмас, қаҳр талаб қилаётир.

Асарда ранжкомчилар бетига ҳақиқатни айтиш ҳам келиб-келиб фаррошга насиб этади. Савдойи олим ҳам, Гоз кўтарган вильтшунос ҳам уларга иқрор, уларни маънили куч сифатида эътироф этишади. Биргина Фаррош аёл ранжкомчилар фалсафасини таг-туби билан рад этади. Аммо фаррош раддиясидан келиб чиқадиган хулоса унча таскинли эмас. Таёққа садоқатли йўлдош — супургига айтилган ҳасрат ранжкомчиларнинг шойи куч, осон жон берадиган рақиб эмаслигига ношук ишора.

Қиладиган иши бузғунчилик бўлган бу кишилар бутун бир дoston сатҳини эгаллаб олиб, ўз «қаҳрамонликлари» ҳақида дадил гап сотар эканлар, одам туриб-туриб ҳайрон қолади: нима қилиб юрипти ўзи булар. Жамиятга туриш-турмуши зарар бўлса-ю, яна ўз кирдикорлари ҳақида тап тортмай оғиз кўпиртирса. Шунда уларнинг ноқонуний қонунийлиги борасида ўйлашга тўғри келади. Кунини шундайларга қолган жамиятнинг ҳолига маймунлар йиғлаши турган гап. Лекин, не бахтки, жамиятнинг кунини уларга қолган эмас. Ҳеч бўлмаса фаррош бор, улар булғаган хоналарни тозалайдиган фаррош.

Бадий асар ҳам одамга ўхшайди. Унинг ўз тақдири,

яхши ёки ёмон «пешонаси» бор. Шу жиҳатдан «Ранжком» драматик достонининг пешонаси ҳозирча у қадар ёруғ деб бўлмайди. Адабий доираларда у ер-бу ерда бўлган гап-сўзлардан ташқари ойнаи жаҳон орқали саҳналаштирилди.

Лекин асар жиддий эътиборга, демакки бадиий ва ижтимоий таҳлилга лойиқ. Биз «Ранжком»да тасвирланган воқеанинг бутун даҳшатини етарли ҳис этмадик чоғи. Уйлаб кўринг, уч муттаҳам йиғилиб махсус ташкилот тузса, унинг бош ва бирдан бир вазифаси яхшиларга озор бериш бўлса («ранжком» ёмонларга тегмайди, улар билан сулҳ тузади), бундан ҳам бемаъни ва бир пайтнинг ўзида даҳшатли нарсa борми?

Нега достондаги воқеанинг куракда турмайдиган бемаънилигини ич-ичдан ҳис этмадик? (Мазкур бемаъниликни қаламга олган шоирни бир чимчиб ўтишдан ўзни тиёлмадик аммо). Сабаби балки биз яшаб турган муҳит маънисизлик ботқоғига ботган ва бундай умум маънисизлик фонида асарда тасвирланган бемаъни ҳодисот зиғирча туюлиб, кўринмай кетганидандир. «Абсурд (бемаънилик) билан келишилмаган тақдирдагина у маънога эга»,— дейди Альбер Камю абсурд ҳақидаги эссесида. Зеро бемаънилик қонга кириб улгурганда у одатий бир ҳолга айланади, шекилли.

Тоталитар тузум шароитида ҳукмрон таълимот бўлган марксизмнинг уқтиришича, инсоннинг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат. «Муайян даврнинг кишиси нимадан иборат эканлигини, унинг қандай муҳим хусусиятлари борлигини тушунмоқ, ундан бошқача эмас, балки худди шундай ижтимоий қиёфа ташкил топганлигининг сабабини тушунтирмоқ учун, мазкур жамият ижтимоий муносабатларининг системасидан келиб чиқиш керак»¹.

Мазкур қоидадан келиб чиқиб фикр юритсак, «Ранжком»даги паларда қаҳрамонлар қандай об-ҳаво ва заминда етилган, қандай ижтимоий муҳит уларни вужудга келтирган? Уларнинг қийшиқ афт-ангори, феъл-атвори қайта қуришга қадар жамиятнинг соғлом ақлга зид — абсурд ҳолатидан пайдо бўлмадимикан? «Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама», дейди халқ. Қийшиқ башаралар урчиб кетиб, ойнани тўғри кўрсатмайдиган қилиб қўйса-чи? Ойнага қараб ажабтовур одам ҳам ўзининг тўғри тасвирини кўра олмасачи?

¹ Марксча-ленинча философия асослари. Дарслик. Т., 1984. 383-б.

Бу марксизмнинг инсон табиатини баҳолашдаги бир-
ққламалилигини кўрсатмайдими? Шундай, албатта.

Шу жиҳатдан «Ранжком» ғалати асар. У одамда
мудҳиш таассурот туғдиради. Бутун асар бўйлаб совуқ
бир руҳ сизиб ўтади. Асардан одам излаб юрманг, ово-
ра бўласиз. Чунки одам йўқ, одам шаклида юрган мах-
луқлар бор, холос. Уларнинг атроф-муҳитни булғовчи
касофати шу қадар зўрки, уларга қарама-қарши қў-
йилган ягона одамсифат қаҳрамон Фаррош аёл ҳам
ранжкомчиларнинг қора кўланкасида у қадар ёруғ
чиқмай, қорамтироқ чиқади. Савдойи олим ҳам шу-
ларга ўхшашлар «меҳнатининг» маҳсули. Ранжкомчилар
шундай тузалмас дардга дучорки, яқинлашган одамга
нуқсибади урмасдан иложи йўқ.

“Ранжком”да жамият учун номатлуб ҳодиса қалам-
га олинган эса-да, кулги, юмор йўқ. Тўғри, дostonда
қитмир аскиялар, кулдиришга мўлжалланган қичима
гаплар (масалан, тақирбошдан билиб туриб тароқ
сўраш саҳнаси) йўқ эмас. Аммо булар беозор кулги,
юмор уйғотмайди, аксинча, дoston саҳнидаги бўғиқ
об-ҳавони баттар оғирлаштиради. Ушбу қитмир савол
ҳам уларнинг усулидан намуна («Қойилмисан? Бу ҳам
менинг битта усулим...»).

Асарда кулгининг йўқлиги «минус-усул» (яъни
«йўқ усул») ҳодисасини ёдга солади. Кулгининг йўқ-
лиги, беғубор кулгига мутлақо зид ҳолат асарда бадий
вазифа ўтайди. Шаклан инсон бўлатуриб, инсонийлик-
дан йироқ турган ранжкомчилар жозибали инсоний
хислат — беғубор кулгидан маҳрум эканликлари табиий
туюлади.

Лекин муаллиф овозида ҳам кулги йўқ. Нигоҳи ўта
жиддий. Балки муаллиф уринганда ҳам, уларни кулги-
га олишга қурби етмагандир. Бу ранжкомчилар анча-
йин хавфли куч эканлигини кўрсатади. Вольтер ёзган-
идек, «Нимаики кулги уйғотса, у хатарли бўлмайди».
Чиннакам даҳшатли нарса устидан кулиб бўлмайди,
кулгига олиндимми, энди у даҳшатли эмас, Ранжкомчи-
лар ҳақида сўзлаб, кулишга уриниб кўринг, беғубор
кулги чиқмайди. Зотан кучдаги кучни маехаралаб бўл-
майди.

Боқар у замоннинг оқишига деб,
Орттирманг бошимга маломатларни.
Унинг бир ишвали боқишига деб,
Қурбон қилажакман сиёсатларни.

Уйламанг, саройлар қошида мустар,
Юрибман эрта-кеч бағримни доғлаб.
Унинг қадамига, керак бўлса гар,
Келтургум шоҳларни бир ипга боғлаб.

«Унинг» ким, аниқроғи нима? Илоҳий ҳақиқатми ёки буюк муҳаббат, ҳеч кимга айтилмайдиган кўнгил орзусими ёки арслон қошига чорлагандаги етилмаган армон? Нима бўлганда ҳам мазкур сатрлар шоир қалбининг туб-тубидан чиққани, ижоднинг илоҳий онларида таваллуд топгани шаксиздир. Шеър саҳнидан ожиз пайтларда ҳам жамиятда юзма-юз туриб, ҳақиқатни айтган, баъзан адашиб бўлса-да, («Зулмат водийсида адашиб қолдим» дегани каби Данте) ижоднинг бош йўлидан, ҳақиқатнинг ўзанидан бораётган шоирнинг мағрур қиёфаси қалқиб чиқдики, бу қиёфа шоирнинг «Энг олий бахтим менинг, онажоним шеърият» деган юксак каломига ғоят мосдир.

IX

ШЕКСПИРНИНГ РУҲДОШИ ЁКИ КЎНГИЛ — СЎНГИ БЕКАТ

Лирика одам ички дунёсининг сўздаги изҳори бўлганидан шоир ҳар бир шеърида ўзининг муайян вақтдаги конкрет ҳолати, руҳий суратини чизади. Агар одамнинг ҳаёт йўли сон-саноксиз нуқталар тўпламидан иборат десак, шеър алоҳида олинган якка бир нуқтанинг лисоний муҳридир. Шунинг учун ҳам кўп шоирлар ўз таржимаи ҳолини (расмий ҳужжат) ёзганларида, унинг охирида «қолганини шеърларимдан топасиз» дея қўшиб қўядилар. Зотан, шоирнинг ҳақиқий таржимаи ҳоли — шеърларида.

Шеър мўътадил ҳолатнинг меваси эмас. У ё қувонч, ё гам ва ёки ғазаб онларида туғилади. Ўзи туғилган оннинг кайфияти сўзга шундоқ кўчиб ўтади. Шоир — ижодкорнинг самимийлиги айни шунда кўринади. Самимийлик эса шеъриятнинг томиридаги қон.

Шоир кўп ўринларда «мен» орқали, яъни ўзи номидан сўзлайди, лекин бу «мен» ижод қонуниятларига кўра умумийлик касб этиб, умуминсоний «мен»га айланади. «Мен» ҳамма вақт юзада, шеър саҳнида бўлиши шарт эмас. Баъзан у яширин, парда ортида бўлиши ҳам мумкин. Масалан қуйидаги шеърни кузатайлик:

Қанчалик ирода, қанча куч керак,
 Майсани топтамай ўтмоқлик учун.
 Қанчалик ирода, қанча куч керак,
 Фарзандинг гуноҳин ютмоқлик учун.
 Қанчалик ирода, қанча куч керак,
 Нораво Ватанни севмоқлик учун.
 Қанчалик ирода, қанча куч керак,
 Норасо элга сўз демоқлик учун.
 Буларнинг баридан бўлмоқчун халос,
 Икки газ арғамчи етгайдир холос.

Шоир “Ҳалоллик” номли мақоласида пахта атрофидаги машмашалар ҳақида гапириб: «Бу кулфатларнинг мен фақат ўзбекнинг эмас, балки бутун мамлакатнинг (гап собиқ шўро иттифоқи ҳақида бораётир — М.) кулфати деб биламан. Булар Бош секретарь Брежнев раҳнамолигидаги ишларнинг кўриниши экан-

лигини билдик. Мен Республикамиз, халқимиз шаънига айтилиб турган раво-нораво нутқларни ўқиб, эшитиб қуйидаги кичик бир шеърни ёзган эдим»,¹ — дейди ва юқоридаги шеърни келтиради. Шеър кейинчалик шоирнинг «Ишонч кўприклари» (Тошкент, 1989) тўпламида «**Бор гап**»² номи билан чоп этилди.

Мақолада шеърнинг дунёга келишида туртки бўлган воқеалар баён қилинган. Демак, икки ҳодиса — туртки ва унинг ҳосиласи — шеърни солиштириш имкониятига эгамиз. Турткининг тафсилоти шеърда йўқ. Унда ушбу телба-тескари воқеалардан шоир юрагида қолган қуйиқа — алам акс этган. Шеърда катта санъаткор қўли ва шоирона эзгин руҳи шундоқ кўриниб туради. Лекин эзгин руҳ фоже жасоратни йўққа чиқармайди, «қанчалик ирода, қанча куч» шунчаки қуруқ гап бўлмай, лирик қаҳрамонда, яъни шоирда шундай ирода, шундай куч мавжуд эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Ажабланарли жойи шундаки, такрорланувчи мисра — «қанчалик ирода, қанча куч керак» бир пайтнинг ўзида ҳам ожизликни, ҳам куч-қувватни ифодалай оларкан.

Шеърда қуруқ, шафқатсиз оҳанг ҳукмрон. Шу ўринда бир муқояса керакка ўхшайди: жаҳон шеърлятидаги энг фоже шеърлардан бўлмиш Шекспирнинг 66-сонети ҳам бу асар олдида ҳиссиёт жиҳатдан анча енгил туюлади. Машҳур сонет бежиз ёдга тушмайди. Шеър мазмун жиҳатидан ҳам, композицион тузилиш жиҳатидан ҳам Шекспир сонетига оҳангдош. Сонет «Ўлимни чорлайман...» дея бошланиб, дунёдаги адолатсиз ҳодисалар (Фурқат таъбири билан айтганда: «Айшни нодон суриб кулфатни доно тортадир»), бирма-бир баён ипига тизилди. Булар адолатсиз зиддиятлар бўлиб, замон (Шекспир замони деймиз-да энди) нобоп йўлдан кетаётганлигига, чархнинг англаб бўлмас кажрафторлигига белги — далиллардир. Лекин жавоблар эмас.

Сонетда тасвирланишича, соддалик—ёлғонга маза, асли пуч нарса—ҳашамдор либосда, шармандаликардоқда, қудрат—заифлик чангалида ҳайрон, ростлик—нодонлик қўлида асир, аҳмоқлик донолик либосида илҳомнинг оғзида қулф ва занжир, тақво—иллатнинг югурдаги. Қисқаси, оламда чидаб бўлмас телба-тескаричилик. Бундай пайтда ўлим, оламни тарк этиш ягон қочар жой бўлиб туюлиши табиий.

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 11 ноябрь, 1988 йил, 46-сон.

² Барча таъкидлар муаллифники (*муҳаррир*).

Абдулла Орипов шеърида маъно ривожини келиб
ётайини “ўлим”да тўхтайди. Таъбир жоиз бўлса, “Бор
гап” тугаллашган нуқтада Шекспир сонети бошланади.
Сонетда ўлимдан, охириги чорадан бошқа, ундан кучлик-
роқ нажот соҳили бор, бу — ёр, яъни муҳаббат. Бу
сонетнинг устига ўлим ҳам жуда юмшоқ, «ташлаб кетай»
тарзида ифодаланаётир:

Нимаики кўрдим, — бари бадкирдор,
Лекин сени қандай ташлаб кетай, ёр¹.

«Бор гап» шеърида нажот соҳили борми? Бор, дунё-
ни тарк этиш, сўфиёна ўлмасдан бурун ўлиш тарзида
эмас, балки ростакан ўлим қиёфасида бор.

Гапни шу ерда тўхтатиб, конкрет таҳлилга ўтсак.
Шеърнинг ички структурасини ўрганиб, бадиий маъно
қармоқларини аниқлашга ҳаракат қилсак. Шеър дан-
тосена темир интизом, симметрия асосига қурилган.
Тўрт иккиликда биттадан предмет бор — майса, фар-
онид, Ватан, эл. Уларнинг лирик субъект (яширин
мен) билан алоқаси турлича. Майсага у жабр кўр-
мамасликка (“топтамай ўтмоқлик учун”) ҳаракат қил-
ди, қолган учтасидан ўзи жабр кўрган, дили оғриган².
Шунда симметрия бузилаётгандек туюлиб, қандайдир
ички номутаносиблик борга ўхшайди. Майса билан
ёмонлик ҳолатининг кейинги ҳодисаларга боғлайдиган маъ-
носини аниқ кўринмайдигандек.

Иш бор. Ишни топишга уринайлик. Кейинги уч ҳол-
да лирик субъект даъвогар бўлса, биринчи ҳолда даъ-
вогарлик субъектдан предмет — майсага ўтади. Шунда
бир қонуният кўзга ташланади. Тўрт предметдан фақат
майса бевосита атроф-муҳитга, инсондан ташқари
табиатга тегишли. Ҳатто Ватан ҳам ушбу ўринда ер ва
ёмондан иборат табиий макон эмас, одамлар жамоа-
сидаги муайян муносабатларнинг мажмуи бўлмиш иж-
тимоий маконни англатади. “Нораво” эпитети ҳам шунини
таъкидлайди, зеро табиий Ватан одамга муносиб ё
ёмуносиб бўлиши мумкин эмас. Рауф Парфи Абдулла
Ориповга бағишланган «Шоир» шеърида ёзганидек,
Шоирни йиғлатган табиат эмас, Шоирни куйлатган
даррати инсон³.

Майса лирик қаҳрамонга ҳеч қандай ёмонлик қил-

¹ Вильям Шекспир. Сонетлар. Тошкент, 1978, 82-бет. Рус-
чадан Юсуф Шомансур таржимаси.

² Шоирнинг 1994 йили ёзган «Дил оғриғи» шеърини уқисан-
ми, оғриқ дилнинг янги дардлари билан ошно бўласиз.

майдигина эмас, қилолмайди ҳам. Майса ўсимликнинг янги униб чиққан, энг дилбар ва ҳимоясиз пайти. Аксинча, лирик қаҳрамон майсани топтаб ўтиши мумкин. Ўзингдан зўрни-ку топтолмайсан, бу аниқ, ўзингдан ожиз, оёғинг остидаги нотавон нарсани топтамалик... Бунинг учун анчайин куч ва ирода, инсоф талаб этилади. Яъни минус ҳаракат.

Майса-ку беозор. Инсон қавмини беозор деб булмайди. У фарзанд тимсолида гуноҳ қилади, гуноҳини ютиш керак, Ватан фуқаролари тимсолида номуносиб лекин Ватанни севмоқ керак, эл тимсолида ноқис, нотугал, аммо унга яхши сўз (айнан «яхши сўз», ёмон сўзга лойиқ эса-да, яхши сўзга талабгор) дейиш керак. Ана шу «кераклик» билан учта «но»-нинг (ноқобини фарзанд, нораво Ватан, норасо эл) «керак»ка номутаносиблиги фоже ҳиссиётни ҳосил қилади. Лирик қаҳрамон трагик зиддиятларга тоб беролмай, сўнгги чора — ўлим, «икки газ арғамчи»дан нажот қидиради. Бу аян вазиятни вужудга келтириб, Шекспир сонетидаги «қандай ташлаб кетай» «икки газ арғамчи»нинг мудҳиш совуқлиги қаршисида ип эшолмай қолади.

Лирик қаҳрамон тушган оғир ҳолатга ёлғиз «майса» (шеърдаги тўрт унсурдан бири) даҳлдор эмас. Балки алам исканжасида азоб чекаётган («топталаётган») одам майсага ўхшашдир, балки топталиш ҳафсида турган майса билан «икки газ арғамчи»дан мидад кутаётган одам орасида яқинлик, қондошлик бордир. Бошда майса бежиз келтирилмаган, бу одам ҳам майса каби мушфиқ, ҳимоясиз ва мададга муҳтож ҳойнаҳой. Майса шеърга табиий бир ифор олиб киради.

Тадқиқотчилар Шекспирнинг 66-сонетини «Ҳамлет трагедияси билан бир пайтда ёзилган ва уни трагедияга эпиграф қилиб қўйиш мумкин, дейдилар¹. Мазкур фикрда чуқур маъно бор. Трагедиядаги умумий фоже руҳ, айниқса бош қаҳрамоннинг изтиробли кечинмалари сонетнинг фоже кайфиятига ғоят уйғун. Бир ўхшаш фоже ҳолат икки адабий тур — драма ва лирика доирасида ўзининг мукамал ифодасини топган дейиш мумкин.

Сонетда бири биридан қайғули ҳодисалар қалашини келлади-ю, бирдан охириги мисрадаги лирик оҳанг қорбулут орасидан ногоҳ чақнаган қуёш нуридек вазиятни ўзгартириб юборади. Булутлар буткул йўқолмайди.

¹ Қаранг: Морозов М. Шекспир, Бернс, Шоу... М., 1967, 151-6. Аникст А. Трагедия Шекспира «Гамлет». М., 1986, 22-б.

Лекин дунё энди бутунлай зулматда қолган эмас. Оддий инсоний хислат — якрангдан безиб, ранг-барангликдан тунқ туйиш бадий жозибани орттиради. Лирик фожелик ранг-баранглик — фоже оқим ва лирик оқимнинг бадий қўшилиб кетишидан яралади.

Абдулла Орипов шеърида ҳам, Шекспир сонетида-дек аниқ кўзга ташланмаса-да, икки оқим мавжуд. Истабки саккиз мисрада тасвир этилган ҳолатлар қанчалик чўнг бўлиб, лирик қаҳрамон елкасидан тошдек босмасин, барибир чора, аниқроғи илинж бор.

Буларнинг баридан бўлмоқчун халос,
Икки газ аргамчи етгайдир холос.

Қанчалик мудҳиш бўлмасин, шу йўлнинг борлиги — НАСАЛЛИ. Айтиш жоизки, «Бор гап»да фоже оқим лирик оқимдан устунлик қилади, шеърда зулмат қуюқроқ. Аммо лирик оқим сустроқ бўлса-да, мавжуд. Шеърдаги залворли мунг муайян тарзда давр ифодаси бўлиб, мустақиллик арафасида ўзбек маънавиятини босиб олган оғир ҳиссий зулматдан хабар беради. Шоир қалбидан — жамият шуурида қандай чўнг фоже туйғулар бадийдан замондош ва авлодларни огоҳ этади.

Бошда «Бор гап» шеъри яралмишига туртки бўлган инжумойи воқеалар шоир тилидан айтилган эди. Лекин бу воқеалар вақт тўфонида секин-аста ёддан кўтарилиб кетади. Шеър эса оний туйғунинг бадий инъикоси шифатида яшаб қолади.

Аслида ҳар қандай фожелиқ моҳиятан лирик фожеликдир. У қандай ҳолат, қандай ҳаётий воқеалар таърифида туғилмасин, муқаррар инсон сезимига тўқинади. Яъни, фожелиқ ҳиссиёт тарзида Кўнгилда содир бўлади. Кўнгил — фожелиқ келиб қўналға топадиган кўнгил бекатдир. Аристотель ҳазратлари уқтирган «катарсис» — тозариш рўй берадиган муқаддас маъводир.

X

ЧИҒАТОЙДА ТУҒИЛГАН ТҮРТЛИК

Шоир Чигатой қабристонини йўлакларини буйлаб аста одимлайди. Қатор тизилган қабрлар, улар тепасидан ўрнатилган ярим ҳайкаллар қабрда ётган зот қиёфасини ва у билан боғлиқ хотираларни гужғон тиклайди. Ана Гафур Гулом, ана Ойбек, ана Мақсуд Шайхзода, ана Абдулла Қаҳҳор, сал нарироқда Шароф Рашидов. Яна қанча улуғ ва машҳур одамлар. Улар билан боғлиқ ширин ва аламли хотиралар — аслида ҳар бири хотира аламли, чунки қайтмас — Шоир хаёлидан кинчигасмасидек бирин-кетин ўтиб боради.

Бу ер ўзи бир олам, ўзга бир олам. Тириклик галаговури бу ерда бир зум тингандек, тирик одам бошиқ олам бўсағасида тургандек, бир силкинса у ҳам ўшанга ёққа — йўқлик (тириклар наздида йўқлик), руҳият оламига ўтиб кетадигандек, бориб келадигандек... Қаёғик, бош ҳам. Шоир-ку бандалигини теран ҳис қилганинсон, не-не такаббур зотлар бу ерга келсалар мағрубошларини эгадилар. Эгмай қайга ҳам борардилараслида.

Шоир ерга кўз тикиб одимлайди. Ўз-ўзи билан халқ билан суҳбатлашади: шеър туғила бошлайди:

— Нега қаддинг эгик, нега бошинг ҳам,
Нега ниғоҳингни тортади тупроқ? —

сўрайди. Шоирнинг ўзи сўровчи ўрнида туриб. Уга жавоб беради:

— Менинг ер устида танишларим кам,
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ.

Шеър қоғозга тушмасдан тилга тушди. Мен унинг илк бор шоир дўстим Мирпўлат Мирзо оғзидан эшитдим. Эшитишим ҳаманоқ, ёдлашни ўйламаганим ҳолда ёд бўлиб қолди. Эртасига уни — яхши нарсани бошиқлар билан баҳам кўришга ҳавасманд экан одам, адибиётшунос ЎзРФА мухбир аъзоси Бахтиёр Назаровга айтиб бердим. Шоиртабиат, ижодини шеър ёзишда бошлаган Бахтиёр ака ҳаяжонланиб кетди:

— Ҳа, буюк, буюк. Абдулла ака буюк шоир, буюк

Агар йил бўйи ҳеч нарса ёзмай юриб-юриб биттадан шунақанги тўртлик ёзган тақдирда ҳам Абдулла ака адабиётда буюк шоир бўлиб қоларди...

Сўнг эслаб қолиш ва яна бир бор маза қилиш учун тўртликни такрор ўқиди.

Ташқарида эса қайта қуриш ва аксилрашидовчилик компанияси авж палласига минган давр эди. Матбуот чош этиладиган ҳар бир сўзни етти тарафга ағдариб кўриб, шунда ҳам бир балоси чиқмаса эди деб ҳадиксираб босадиган пайтлар. Бир муҳаррир “Менинг ер остида дўстларим кўпроқ” сатрини “Шоир Рашидов даврини қўмсаяпти” деган маънога йўйишлари мумкинлигини кўриб қолади ва шу чиқар-чиқмас насия маъно “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида шоирнинг ёллон қилинаётган шеърлар дастасидан ушбу тўртликнинг юлқиб олинишига сабаб бўлади.

Учрашувларимиздан бирида тўртлик ҳақида эслатганимда:

— Ҳа, — дейди. Шоир — ҳар бир шеъринг худди фарзандингдай бўлар экан, чиқмай қолиб кетса, ташвишини чекиб юрар экансан. Бир йўли топилиб қолар...

Йўли топилди. Шоирнинг Америка сафари пайтида йирилган шеърлари газетада эълон қилинганда улар орасида «Кекса муҳожир» номи билан Чигатоё қабристонига туғилган тўртлик ҳам ёруғликка чиқди. Ўзини босилди. Лекин... Биз дастлаб олган таассурот, бадиий лаззат бу ерда йўқ эди, нари борса чала ярим қолган эди. Сарлавҳанинг кучини қараганки (яхши бўлса-да, номатлуб бўлса-да куч — кучда), у шеърдаги воқеий мазмунни ўзбек тупроғидан четга, ўзга элларга кўчирган, шу туфайли поэтик маъно миллий замин тиргагидан маҳрум бўлган эди. Шоир «мен»и ўрнини Кекса муҳожир эгаллаб, муаззам бадиий асар бўлган тўртликдаги маъно поэтик аниқликдан хийла узоқлашган эди. Зеро муҳожирликнинг ўзи катта тушунча бўлиб, деярли ҳамма вақт она-юрт, Ватан тушунчаси билан боғланадики, бу тўртлик замиридаги маъно билан бемаъни зиддиятга киришади. Криловнинг машҳур масалидагидек, сарлавҳа маънони бир ёққа тортса, шеърнинг ўзи бошқа томонга интилади. Натижада шеър сезимида нобоп иккиланиш пайдо бўлиб, аввал айтилганидек, шеър қаъридаги улкан бадиий маъно киралашади, ёрқин таассурот ўчади.

Шеър Шоирнинг «Ишонч кўприклари» (Тошкент, 1989) тўпламида “Икки Америка” туркумидан ўрин

олиб, яна “Кекса муҳожир” лигича қолди. Лекин ундаги гап кекса муҳожирнинг эмас, айнан юрт Қатта Шоирининг дил тубидан чиққан сўзи эди. Шундагина шеър ўзининг асл чўнг маъносига қонуний эга бўла оларди.

Шеър, сиртдан қараганда, оддийгина савол-жавобдан иборатдек, яъни диалог шеър. Савол ўринли, жавоб ундан ҳам қоим. Шеър ҳоласи (аурасида) қабристон руҳияти муаллақ туради. Қабристон бўлганда ҳам Чигатой қабристони, ўзбекининг не-не улуг фарзандлари сўнгги манзил тогган макон. Шеърхон нигоҳи саволдан тезда кўчиб, жавобга қадалади. Бутун янги гап, бадиий маъно (“бадиий”нинг луғавий маъноси “янги” демак) жавобда. Ундаги икки мисранинг (“менинг”дан ташқари) ҳар бир сўзи ўзаро зид: ер усти — ер ости, кам — кўпроқ, танишлари — дўстлари.

“Ер усти — ер ости” зидлиги дастлаб Шоирнинг Тошкент зилзиласи пайтларида ёзилган «Авлодларга мактуб» шеърида юз кўрсатган эди. Шеър шундаликунланганди:

Тупроқ қўзғалмасдан ўрнидан баттар,
Солмасидан аввал даҳшат, қатағон —
Ер ости тинч турсин десангиз агар,
Сизлар ер устида сўйламанг ёлғон.

Зилзилалар, сув тошқинлари, кўчкилар, яъни табиий офатлар инсоннинг ахлоқий-руҳий ҳолатига бевосита боғлиқлиги диний-фалсафий таълимотларда нечи бор қайд этилган. Шеърда зилзиланинг маънавий сабаби ҳамма иллатларнинг боши — Ёлғонда эканлиги беаёв айтилиб, авлодлари (“қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабил) ва аслида замондошларни огоҳлантирган эди. Шеърнинг илк нашрларида қайсидир «хушёр» муҳаррир «ер устида»ни «шеър устида» дея ўзгартириб, зидликни бирқадар бузган лекин шунда ҳам поэтик маъно ўз кучида қолган эди. Зотан «шеър устида ёлғон сўйлаш» «ер устида ёлғон сўйлаш»га нисбатан кўлам жиҳатдан торроқ эса-да, поэтик кучи тенг, ҳатто айрим жиҳатдан ортиқ бўлиб ер ости безовта бўлмоғига сабаб илоҳий неъмат — шеърга ҳурматсизлик дейиш ажиб қувватли, таъсирчан гап эди.

Кейин зидликнинг бир бўлаги — “ер ости” “Ўзбекистон” шеърида пайдо бўлади:

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига гувоҳ — ер ости.

Бунда жаҳонни забт этишнинг икки йўли: моддий — куч жиҳатдан ва маънавий, руҳий — шеърят орқали бағаллаш, забт этиш қарама-қарши кўйилиб, «ер усти» бевосита айтилмаса-да, банддаги «Дунё бўлди чаманим маним» сатри замирида «ер усти» тушунчаси тойибона мавжуддир.

Ҳозирча ушбу зидликнинг охириги макони гап юриётганимиз Чигатойда туғилган тўртлик бўлди ва шу зидликдан чиқадиган билқувва, потенциал маънонинг чўққиси ҳам шунда кўринди. Шеърни яна бир бор ўқийлик:

— Нега қаддинг эгик, нега бошинг ҳам,
Нега нигоҳингни тортади тупроқ?
— Менинг ер устида танишларим кам,
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ.

Қаднинг эгиклиги, бошининг хамлиги ерга, тупроққа иқинликдан, кеккайиш эса тупроқни, яъни ўзини (зеро одам тупроқдан яралган) назар-писанд қилмаслик. Тупроқ нигоҳни тортиши эса тупроққа — аслга қайтишнинг жозиба кучидан. Одам ҳаётни қанчалик севмасин, бир бир ерга етганда кўнглининг бир чеккасида мангу оромни тусаб қолади. Бунинг бошқа сабаблари ҳам талай. Айтилганлар эса — фавқулодда далиллар. Тўрт қаторни санъатга эвирган куч ҳам шунда.

Хуллас, ер устида танишларим кам, кам бўлганда ҳам улар шунчаки танишлар, ер остида эса улар кўпроқ, бўлганда ҳам танишлар эмас, дўстлар. Икки мисра оламдан ўтганлар (шу ерда “ўликлар” дейишга тил бормайди) ва тириклар дунёсини бир лаҳза боғлайди. Боғлайди-ю, шу заҳоти чегара тортади. Ер устидаги кўплаб танишлардан ер остида ётган зотлар беҳад ифзал кўринади. Улар — дўстлар, руҳоний биродарлар.

Ҳақиқий дўстни ўтганлар орасидан қидириш лозимдир, балким. Инсоният деган тушунчанинг қанчасини тириклар, қанчасини ўликлар ташкил қилишини аниқлаш мушкул, аммо ўликлар беҳад кўплиги аниқ. Тириклик инсониятнинг ойнаи жаҳони эса-да, — чунки моддий олам воқеалари ер устида кечади — ўликлар ўзларининг номаълум борлиқлари билан тирик инсониятни кўзатиб туради. Шунда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтган қуйидаги сўзлар жоиз кўринади: «Жоним қўлида бўлган зотга — Оллоҳга қасамки, сизлар менинг сўзларимни улардан (ўликлардан) яхшироқ аниқлаувчи эмассизлар. Фақат улар жавоб қила олмай-

дилар, холос». Эътибор беринг: пайғамбаримиз ҳам илоҳий ҳақиқатларни англаш борасида ўликларни тириклардан устун қўймоқда.

Одам ўликлар салтанатига ўтказгина, тирикликнинг майда-чуйда юкларидан халос бўлиб, ҳақиқий баҳога ва моҳият-мазмунга эга бўлади. Шунда ўлмоқ бўлмоққа — олий тирикликка ўтадиган йўлак деган ўйга борамиз ва поляк адиби Станислав Лем айтган «Улмасликнинг биринчи шarti — ўлим» деган парадокс фикрининг теран маъносини англагандай бўламиз.

Дўстлик ноёб тушунча. Дўст анқонинг уруғи. Балки Дўстни тириклар орасидан топиб бўлмас. Излаш ножозидир. Менинг шууримда айни пайтда пайдо бўлган бу фикр унчалик тўғри эмас. Мутлақо тўғри эмас! Минглаб одамлар дўст тутинадилар, умрбод шу дўстликка содиқ қоладилар. Агар одамга бу ёруғ дунёда бирор Дўстки бўлмаса, унга яна нима қолади? Дунёнинг қуп-қуруқ, ўткинчи савлатими?

Лекин Дўст, дўстлик тирик одамлар аро анқонинг уруғи, деган фикрнинг онгда туғилиши биланоқ, сўнгги сатр уни жоду каби кесиб тушади: — “Менинг ер остида дўстларим кўпроқ”. Бунинг устига инсониятнинг ҳамма улуғ фарзандлари — маърифатли одамнинг дўсти, улар тирик ёхуд дунёдан ўтган бўлишларига қарамай. Лекин улуғ зотларнинг катта кўпчилиги ўтганлар орасида ва тириклари ҳам умр қонуниятига кўра ўтиб кетиб боради. Ва сўнг Дўстга айланади. Шу ерда яна бир бор ўлимнинг кучига таян берамиз. Одамни тирикликнинг чанг-ғуборларидан тозалаш қувватига имон келтирамиз.

Ушбу мулоҳазалардан кейин, шеърдаги поэтик “мен” Шоир шахсиятини ўзида сақлаган ҳолда, беҳад кенгайишни бошидан кечиради. Бутун инсониятнинг руҳоний қалб соҳиби бўлмиш қисми ушбу “мен” бағрига жо бўла бошлайди.

Чиғатой қабристонига туғилган тўртлик, тириклик ва ўлим бақамти бўлган маконда яратилган шеър дунёнинг улуғ ҳақиқатларидан сўйламаслиги мумкин эмас эди. Зеро ундан нарини тасвирлашга башар сўзи ожиздир.

Ҳозиргача тўртликнинг ичкарисига қулоқ тутдик. Энди ушбу фикрни (фикр руҳиятнинг лисоний инъикоси) айтган зот, «мен» ҳолига назар солайлик, Дўстни ер устида, тириклар орасидан тополмай, нигоҳини ер остига, охират диёрига бурган зотнинг қалб трагизмини

нима билан ўлчаш мумкин?! Алам вазминлигини қандай тарозида тортиш мумкин?! Шеърни ўқиб уққан, ундан завқ туйган хассос одам аламини-чи? Зеро муайян фоже асардан завқ туйиш ундаги аламли ҳисни жисму жондан ўтказиш, шу ҳиснинг ичида бир муддат яшаш демакдир. Шеърхон остида эзилиб-лаззатланган “ғам тоши” (Огаҳий)га бирор мезон борми?! Бунақа тарози ҳозирча ўйлаб топилмаган. Хуллас жаноб аён, лекин бу аёнлик енгиллик туғдирмайди. Тирклик — чидаганга чиқарган матоҳ.

XI

ТИЛЛА БАЛИҚЧА ФОЖИАСИ

Инсон фикрлашида қизиқ бир қонуният бор: ўртага ташланган бирор фикрнинг хатолигини кўрсатиш кўпинча шу фикрнинг тамом тескарисини исботлаш эвазига содир бўлади. Бу баҳсда бир-биридан энг олисда — қарама-қарши қутбда жойлашган фикрларга мурожаат қилишдир. Бу аксарият салбий ҳодиса ҳисобланса-да, фикрий жараёнда кўп учрайдиган, шу сабабли муайян қонунийликдан холи бўлмаган ҳодиса. Объектив, тўғри фикрни топишда шундай «сўнгги чек»ларнинг роли оз эмас.

Ҳақиқат эса кўпинча ўрталикда бўлади. Бу абсолют қоида бўлмаса-да, жуда кўп ҳолатларга тўғри келадиган фикрдир.

Ҳар сафар Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” шеърини ўқиганда, айниқса истеъдодли танқидчи Яшар Қосимовнинг “Тилла балиқча”нинг толеи¹ мақоласи билан танишганда, “ҳодиса қанундан бойроқдир” деган фалсафий тушунча беихтиёр ёдга келади. Шоир шундай теран бир ҳодисани бадий акс эттирганки, уни мантиқ тили билан изоҳлаш, талқин қилиш анчайин қийинчилик туғдиради — у ёки бу талқин шеърнинг олдида кичик, арзимас, бир томонлама бўлиб туюлаверади. Ҳодисанинг қонуниятдан бойлиги шунда.

Яшар ушбу мақоласида ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигида «Тилла балиқча» шеъри ва ундаги образнинг канонлашиб қолган талқинини шубҳа остига олади ҳамда ўзининг янги талқинини тақдим этади. Шу образ хусусида илгари айтилган ва мақолада келтирилган фикрлардан (М. Қўшжонов, М. Сафаров) ташқари, қуйидаги мулоҳаза ҳам диққатга сазовор: “Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” шеърида пўпанак босган биқик ҳовуздан бошқани тан олмайдиган, ҳаётнинг катта оқимидан чўчиб, бир чеккада ҳаёт кечирувчи “тилла балиқлар” — баъзи мешчанлар қораланган². Бу кичик шеър мешчанлик психология-

¹ «Шарқ юлдузи», 1986, № 12.

² Таъкидлар муаллифники.

сини қораловчи, унинг устидан чиқарилган лирик ҳукмдир». Бу фикр «Ўзбек совет энциклопедияси»дан (6-том, 391-бет) олинган бўлиб (у устоз танқидчи Озод Шарафиддиновга тегишли), шунинг ўзиёқ бу талқин нақадар кенг тарқалгани ва нормативлашиб қолганини кўрсатади.

Яшар Қосимов шеърдаги тилла балиқча образини «ёмонликнинг тимсоли сифатида салбий тип деб талқин қилишга» эътироз билдирар экан, кўп ҳолларда у ҳақ. Жумладан, М. Қўшжонов талқинида шеърни тушунишдаги баъзи ноаниқликлар, масалан, «хору хас, хазонлар устин ёптилар» мисраси талқинида «хору хас хазонлар билан устин ёпибди» тарзида ўзгартирилиб, оқибатда тилла балиқчани айблашга хизмат қилдирилгани ҳам бор гап.

Яшар кўп жиҳатдан ҳақ бўлса, ушбу мақоланинг сувлиш боиси нимада, дейишлари мумкин. Гап шундаки, назаримизда янги талқинида ҳам бир ёқламалик бордек. Агар М. Қўшжонов ва бошқалар тилла балиқчани манфаатпараст худбин кимсаларнинг тимсоли сифатида тамом салбий баҳоласа, Я. Қосимов уни нобоп замоннинг қурбони сифатида тамом ижобий баҳолайди.

Ҳар иккала фикрда маълум жон борлигини (бу «жон» нимадалиги кейинроқ маълум бўлади) тан олган ҳолда айтиш мумкинки, якка-якка олганда мазкур фикрларнинг ҳар бири шеърга бир томонлама ёндошувдир. Уларнинг диалектик бирлигидан, бизнингча, илмий ҳақиқат бунёд бўлади. Аммо уларни қўшишдан олдин, ҳар бирининг қусурли томонларини аниқлаш, сўнг икки фикрни синтез қилиш мумкин.

Домла Матёқуб Қўшжоновдан Яшарнинг мақоласи ҳақида фикр сўраганимизда, у киши хотиржамлик билан: «Ҳақиқий бадиий асарни ҳар ким ҳар хил тушунади ва талқин қилади. Шеър ҳақидаги менинг фикрим ҳам тўғри, ёш мунаққид талқини ҳам мантиққа зид эмас»,—деб жавоб бердилар. Бу одамни ўйга толдирадиган қизиқ жавоб эди. Бир ёқдан, битта шеър ҳақида қарама-қарши қутбдаги икки фикрнинг бир пайтнинг ўзида тўғри бўлиши шубҳали туюлса, бошқа тарафдан, бу жавобда фикрлашга чорловчи, анча теранликда ётган маънони тортиб чиқазишга ёрдам берадиган илгак бордек эди.

М. Қўшжонов тилла балиқчага салбий тип сифатида қараганлиги туфайли, унинг ёмон тарафларига диққатни кучайтириб, аянчли қисмати, разолат қурбони

эканлигига эътибор бермайди. Бу, Яшар тўғри таъкидлаганидек, бир ёқлама талқиндир. Аммо у бирёқла-маликка барҳам бераман деб, иккинчи бирёқламаликка йўл қўяётганини сезмай қолади. Яъни тилла балиқча ёмонлик тимсоли, салбий тип эмас, балки «ёвузлик ва разолат қурбони» дейди ва унинг трагик тақдирида «истеъдод ва гўзаллик фожиасини» кўради.

Шеър бир қарашда жуда содда кўрингани билан, унда ғоят мураккаб, бадий теран ҳодиса акс эттирилган. Бу мураккаблик кескин ажратувчи ранглар — оқ ва қорани тан олмайди. Дарҳақиқат, нега тилла балиқчанинг тақдири фақат ғазаб ва нафрат, ёки фақат раҳм-шафқат уйғотиши керак? Дунё фақат яхши ва ёмон ҳодисалардан иборат эмас, шундай бўлганда у жуда жўн, тушунлиши ғоят осон бўлган бўларди. Дунё мураккаб, унда оқни қорадан, яхшиликни ёмонликдан ажратиш учун қарама-қарши ҳолатлардан уйғунлик топиш, яъни диалектик фикрлаш талаб этилади.

Тилла балиқча, бизнинг назаримизда, салбий ҳам, ижобий ҳам эмас. У шу икки хусусиятни ҳам ўзига сингдирган ва ҳар иккаласидан устун мавқеда турувчи хусусият — фожелик билан алоқадор. Бу бизнинг ихтироимиз эмас, Яшар масаланинг ушбу томонига ҳам тўхталган: «Шеърнинг “Балиқча” эмас, айна “Тилла балиқча” деб аталишини бир тасодиф ёки шоирнинг шунчаки ўз ҳоҳиши дейиш нотўғри бўлар эди, албатта. Ушбу “тилла” эпитетида, шунингдек шеърнинг бошиданоқ ҳовузчага қўлланган “лойқа” сифатловчисида шоирнинг ўз трагик қаҳрамонига ва унинг фожиасига сабабчи бўлган микромуҳитга муносабати яширинган».

Ушбу тўғри мулоҳазадан сўнг, Яшар Қосимов «тилла» ва «лойқа» эпитетлари шеърда «...марказий—бошқарувчи сўз даражасига кўтарилган бўлиб, шоирнинг эътироз ва ғазабини керакли нишонга, “лойқа ҳовуз” муҳитига йўналтирган, шеъринг конфликтнинг икки қарама-қарши қутбини — “тилла балиқча” ва “лойқа ҳовузча” антиподларини шакллантирган» деган маълум маънода тўғри, аммо тугал бўлмаган хулосага келади.

Яшаргача бўлган танқидчилар “шоирнинг эътироз ва ғазабини” тилла балиқчага қаратишган бўлса, Яшар бу эътироз ва ғазабни “лойқа ҳовуз” муҳитига қарши йўналтиради. Шеърдаги фожеликни ҳам улар орасидаги зиддиятдан келтириб чиқаради. Шунини таъкидлаш керакки, танқидчи 60-йиллар поэзиясида шакллана бошлаган янги мазмунли бадий конфликт —

шоир идеалига уйғун инсон (лирик «мен») ва шу идеал-
ни йироқ «одамлар», шу идеалга номуносиб муҳит
(микромуҳит) ўртасидаги қарама-қаршилиқни тўғри
белгилайди. Эътирозли жойи шундаки, тилла балиқчага
ушбу конфликтнинг ижобий қутбидан ўрин берилади,
шоир идеалига уйғун инсон тимсолига айлантирилади.

Аслида «тилла балиқча» ва «лойқа ҳовузча» ўрта-
сида конфликтга ўхшаш нарса бўлса-да, бу юзаки,
қолибати келишув билан тугаган конфликтдир. Зотан,
тилла балиқча лойқа ҳовуздаги ҳаётга кўниккандан
ўнги, шу ҳовузнинг ажралмас бўлагига айланиб қол-
ганилиги — аниқ ҳақиқат. Шеърдаги асосий, бош конф-
ликт эса шоир идеали билан лойқа ҳовузчада бемалол
чишад, сайр этиб юрган тилла балиқча фалсафаси ўр-
тасидаги зиддиятдан вужудга келади. Шеърдаги фоже-
янинг бош манбаи ҳам шу зиддиятдадир.

Шоир идеали охириги икки мисрага жо бўлган:

Менга алам қилар, тилла балиқча
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни...

Яшар шеърнинг ушбу сатрлари билан шу шоирнинг
«Арслон чорлаганди...» шеъридаги охириги мисралар
орасида маънодошлик кўради:

Дўстим, алам қилар, арслон беҳабар,
Ем бўлиб кетсак шу қумурсқаларга.

Бу яхши топилган муқояса бўлиб, Яшардан кўра
бизга кўпроқ қўл келади. Бундай муқоясага тиргак
ҳар иккала парчадаги «алам қилар» жумласи, аммо
улар мутлақ бир хил бўлгани ҳолда, ҳар бир контекст-
да бошқа-бошқа вазифа бажараётгани мунаққид эъти-
боридан четда қўлади. Бу ерда нозик фарқлар борким,
уларни ойдинлаштириш керак бўлади.

Одатда ҳар бир шеърда субъект (кўпинча «мен») ва тасвир объекти — ҳақида сўз юритилаётган предмет
ёки ҳодиса бўлади. Биринчи парчадаги субъект — «мен»
билан объект — тилла балиқча орасида оралиқ масофа
анча узоқ, «мен» ўзини анча холисона тутаётир. Ик-
кинчи парчада эса «мен» ва тасвир объекти бирлашиб
кетади, натижада тасвир «мен» билан бошланиб (дўс-
тим), биргалик олмоши «биз» билан тугайди (кетсак),
бу икки парча шу жиҳатлари билан ҳам бир-биридан
принципиал фарқ қилиши, «алам қилар» ибораси бош-
қа-бошқа вазифа адо этаётганлиги кўринади.

Биринчи ҳолда «алам қилар» иборасида мужассам

маъно битта “мен”га тегишли ва аламнинг сабаби тилла балиқчанинг дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билишидир. Бунда фожеий қаҳрамон тилла балиқча яъни биқик, ифлос муҳитга тушиб қолиб, асл табиатига зид иш қилган, энг муҳими шу аҳволга кўниккан одам фожиаси. “Мен” эса шу фожиага муносабатини билдираётир, баҳо бераётир, ўзида шоир идеалини ташиётир. Шу сабабли у тилла балиқчадан кўра юксакроқ, чўнгроқ фожиага дучор. Зеро балиқча ўз фожиасини англамагани ҳолда, “мен” шу фожиани англаб, юракка яқин олиб алам чекаётир. Том маънодаги фожелиқ аслида шу. Аммо “мен” тилла балиқча ҳолатидан ташқарида, мустақил нуқтаи назар сифатида турибди.

Иккинчи парчада “мен”нинг ўзи алам қиладиган фожиани бевосита бошидан кечираётир. Образли қилиб айтганда, калтак “мен”нинг ўз бошида синаётир. У идеалидаги буюк мақсадларга етолмаганидан, энди балки ҳеч қачон етолмаслигидан фарёд чекаётир. Шеър конфликтининг иккинчи қутбида ёппа таларга одатланган қумурсқалар — беистеъдод нокаслар турибди. Бунда “мен”нинг мустақил, холис нуқтаи назари йўқ, унинг ўзи фожианинг ичиди.

Бинобарин, икки шеърдаги “мен” миқдор ва сифат жиҳатидан ўзаро тенг эмас. “Тилла балиқча”даги “мен”нинг кўлами анча катта, айтилганидек, у шоир идеалига тенглашади. “Арслон чорлаганди...”даги “мен”да бундай катта кўлам йўқ.

Демак, иккала шеърдаги “алам қилар” бошқа-бошқа вазифа бажараётир ва “Тилла балиқча”даги “мен” — лирик қаҳрамон лирик персонаж — балиқчадан ўзини ажратиб, унга объектив баҳо бериш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолаётир. Шунинг учун “алам қилар” иборасининг замирида шоирнинг тилла балиқча «манфаатпарастлиги ва худбинлиги» устидан заҳархандаси эмас, балки бу ёвузлик ва разолат қурбонининг аянчли тақдирига қайғуриш ётади» деб ёзганида Яшар бир томондан ҳақ. Чиндан ҳам бу иборада заҳарханда ҳам, нафрат ҳам йўқ, мақолада жуда тўғри таъкидланганидек, «қурбонлар нафрат уйғотмайди». Лекин, «ёвузлик ва разолат қурбонининг аянчли тақдирига» фақат қайғуриш етмайди. Унда, Яшар талқинидагидек, тилла балиқча бутунлай оқланиб, ҳамма айбдан соқит бўларди. Тилла балиқча лойқа ҳовузга тушиб қолганига айбдор эмас, чунки уни бировлар “отдилар”, — бу тўғри, аммо

ну кунига кунганига, уз ҳолига бепарқ, ҳатто хур-
андлиги учун (чунки энди кулмак ҳовуз унинг учун
дунёга тенг, бошқача қилиб айтганда, унинг дунёси —
кулмак ҳовуз) айбдор. Бу қисмат “аламли”, аммо бу
алам. Яшар ўйлаганидек, тилла балиқчани тамомида
оқлашга сабаб бўлолмайди.

Агар қайғуриш ҳақида гап кетадиган бўлса, тилла
балиқчанинг аянчли тақдиридан кўра, шундай ҳол рўй
берганидан, яъни катта потенциал имкониятли шахс
(у — тилла) биқик муҳит таъсирида ўзлигини йўқотиб,
унутиб юборишдек фожиага дучор бўлганидан қай-
ғуриш ўринлироқдир.

Ҳамма айбни ташқаридан излаш, Яшар таъбири
билан айтганда, “тилла балиқчанинг шаънига ёрилган
таънаю айбларини” шеърий конфликтнинг иккинчи кў-
би — тилла балиқчани шу кўйга солганларга ғазаб ва
нафратни қаратиш осон. Чунки биз “оқ-оқ, қора-қора”
тарзидаги кескин рангларга ўрганиб қолганмиз. Яшар-
дан олдинги танқидчилар тилла балиқчани бутунлай
қоралаган бўлсалар, Яшар гўё уларга қасдма-қасд
бутунлай оқлайди. Аслида у бутунлай нафратга ёки
бутунлай оқлашга муносиб ҳам, муҳтож ҳам эмас. Бу
балиқ тиллами, тилла эмасми, айблами, айбензми, энди
вари бир у кулмак ҳовузнинг мулкига айланди, энг
лаҳшатиеси, кулмак ҳовуз ҳам балиқчанинг мулкига
айланди. Шу кунига кунди, бошқача бўлиши мумкинли-
гини, кенг уммонлар борлигини унутди. У — айбенз
айбдор. Унинг фожиаси ҳам, уни туғдирган давр фо-
жiasi ҳам шунда. Шеър заминидан объектив равишда
шундай фикрлар келиб чиқади.

Абдулла Орипов адабиётшунос Бахтиёр Назаров
билан суҳбатида “Тилла балиқча” шеърига тўхталиб,
дейди: «Одамга алам қиладиган жойи шуки, балиқча
бор дунёни ўзи яшаётган сассиқ ҳовуздан иборат
деб билади. Ҳолбуки, дунё — сассиқ ҳовуз эмас, анча
каттакон, гўзал, мўъжизакор бир олам. Лекин шу балиқ-
чи сассиқ ҳовузга келтириб ташлайдилар, бунига балиқ
айбдор эмас. Нима қилсин, тилла балиқнинг айби йўқ
буида. Ҳовуз шундай бир суви айниган ҳовуз экан, унинг
ичидаги балиқ, у тиллами, дурми, илоҳий балиқми, Пуш-
линининг ўша мўъжизакор олтин балиғи бўладими, шунга
тушгандан кейин нима бўлади, бошқа ер юзини кўрма-
гандан кейин дунё шу экан, дейди-да»¹.

¹ «Шарқ юлдузи», 1987, № 11.

Шоирнинг ўз шеъри ҳақидаги ушбу гап тилла балиқча айбсизлиги, номаъқул муҳитнинг қурбони эканлиги ҳақидаги Яшарнинг фикрларини тасдиқлайди. Бу фикрга биз ҳам қўшилаемиз, майли тилла балиқча бор дунёни ўзи яшаётган сассиқ ҳовуздан иборат деб билишида айбдор бўлмасин, аммо энди у яхшилик тимсоли ҳам эмас. Сассиқ ҳовузга тушиб, унда яшаб қолиш — “тилла балиқчанинг Яшар айтган «тилла»лигидан асар ҳам қолмаслигига гувоҳ.

Шунда Яшар билан бизнинг фикрлашимизда бир тафовут сезилади. У тилла балиқчанинг лойқа ҳовузга тушгунча бўлган ҳаётига, аниқроғи сифатига асосий диққатни қаратади. Ҳақиқатдан у пайтда балиқ тилла эди, гуноҳсиз, пок жонзод эди. Биз эса асосий диққатни тилла балиқчанинг ҳовузга отилгандан кейинги, яъни лойқа ҳовузга ташландиқ ушоқ еб ўтадиган кунларига қаратдик. Ушанда шу нарса маълум бўлдики, энди тилла балиқча тилла балиқча эмас, энди у сассиқ ҳовузнинг қонуний граждани, ҳатто эгаси.

Биз ҳозирча фақат тилла балиқчанинг ўзи ҳақида гапирмоқчи бўлсак-да, беихтиёр унинг одам «оғайнилари» — у тахлит кишилар тафсиллига ўтиб кетаётормиз. Бу табиий, чунки шеър балиқ ҳақида сўз юритадими, ёки бошқа жонзод ҳақидами, охир-оқибатда инсон ва унинг ҳаёти кўзда тутилади, китобхон ҳам шундан тушунади. Яшар тилла балиқча образининг трагик тақдирида энг аввало истеъдод ва гўзаллик фожиасини кўради ва шуни исботлашга интилади. Лекин тилла балиқча тимсолидаги шахс истеъдод ва гўзаллик соҳиб эканлиги уларни бутунлай оқлаш учун озлик қилади.

Республикамиз, бутун собиқ Иттифоқда машъум турғунлик даврида содир бўлган манфий ҳодисалар силсиласида фош этилиб, жазога тортилган арбоблар орасида йирик истеъдод соҳиблари, нормал ижтимоий ҳаёт шароитида яхши ва тўғри ишлаши мумкин бўлган кишилар оғамиди? Қўлмак ҳовуз жамиятимиз 70-йилларда гирифторман бўлган турғунлик даврига ажиб рамз эмасми? Ана шу истеъдодлар қўлмак ҳовуз билан иттифоққа киришиб, турғунлик замонининг “қаҳрамонларига” айландиларки, бу эндиликда кўпчиликка аён.

Яшар бу фикрни исботлашда тарихий-типологик қиёс йўлидан бориб, шоирнинг 60-йиллар шеъриятидаги тилла балиқча образига “тақдирдош” бўлган қатор образларни санайди: Булоқ, Гиёҳ, Булут, Дорбоз. Тилла балиқча билан мазкур образлар орасида муайян боғ-

лиқлик, муштарак томонлар борлиги тайин. Аммо муштарак томонлар бу образларнинг фақат узигагина хос бўлган жиҳатлар мавжудлигини рад этмайди, ҳал қилувчи момент аини шулар эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Тарихий-типологик йўлнинг ожизлиги ҳам аниқ бадий асарлар, конкрет образларнинг спецификлигига хослигига етарли эътибор бермасликда кўринади. Яшар шеърни у яратилган давр — 60-йиллар шеърини контекстида текширгани сабабли, шеърнинг бадий мазмунини шоирнинг шу давр шеърляти билан аниқ боғлиқлигидан келтириб чиқаради. Бу бир жиҳатдан тўғри, табиий йўл. Аммо шеър ўзи яратилган давр шароитларида қолиб кетса, музей экспонати каби, ўша шардан бир ёдгор бўлиб, ёлғиз тарихий қимматга эга бўларди, холос. Ҳақиқий шеърлар бадий қиммати аниқ ҳақиқий. Бунда бош мезон шеър ўз давридан қолиб чиқиб, умуминсоний ва мангу аҳамият касб қилишидадир.

Ҳақиқат адабиётшунос олим М. Бахтин айтганидек, ҳақиқий бадий асар ўз даври ва ундан кейинги замонларда ҳам, яъни олим таъбири билан айтганда, “улкан вақт”да ўз таъсир кучини сақлаб қолади. Томшоқнодаги бадий обидаларгина “улкан вақт”га ўтиб, эрида яшаб қолади. Ўз даври учунгина қийматга эга бўлиб, сўнг аҳамиятини йўқотган асарлар ўз даврида Бахтин бунини “кичик вақт” деб атайди) қолиб кетади. Тилла балиқчанинг чорак аср бўлса-да, шу кунда ҳам баҳсга қараб бўлаётган, қайта қуриш замонида айрича аҳамият касб этган “Тилла балиқча” “улкан вақт”да яшай қолиши мумкин.

Маълумки, ҳар бир образнинг ўз ички мантиғи бўлади. Бу мантиқ образ дунёга келиш жараёнида яратилиб, элга тақдим этилгандан кейин, ўз ижодкорининг ҳам ҳукмига бўйсунмаслиги мумкин. Чунки энди ўз тақдирига эга бўлиб, ўз ҳаётинча яшай бошлайди. О. Орипов юқорида эслатилган суҳбатда шеър ҳақида шундай дейди: “Мен бу шеърни ёзганда Ўзбекистонини ҳам, Ўрта Осиёни ҳам ҳеч қачон кўзда тутган эмасман. Бу шеърни ҳар қандай мамлакатда, ҳар қандай тузумда яшайдиган шоир ҳам ёзиши мумкин. Бундай шеър ҳозир эмас, икки юз йил бурун ҳам ёзилган бўлиши мумкин”.

Шоирни ўз шеъри ҳақида шундай дейишга ҳаққи бор. Шу нарсаларни у ҳақиқатдан ҳам кўзда тутмаган бўлиши мумкин. Аммо, айтилган сўз — отилган ўқ. Ўқ

тепки босилгунча овчининг ихтиёрида, сунг ўқнинг илтиёри ўзида. Шеър ҳам шундай, эълон қилиниб, ўқувчига етиб бордими, энди у мустақил ҳаёт эгаси, одамлар шеърдаги образ мантиқига мос ҳолда унга кейинки тор маъно бериб тушунишлари, изоҳлашлари мумкин. Бунга ҳатто шеърни дунёга келтирган одам ҳам монелик қила олмайди. “Лекин шеър баҳоси муҳлигадир тан”.

Бадий образни турлича талқин қилиш имконият катта, аммо чексиз эмас. Чунки талқин тўғри бўлса ҳақиқатни топишга чин дилдан интилса, албатта, маълум қонуниятга бўйсунди.

Яшар Қосимов мақоласининг бош пафоси, юқорид айтилганидек, тилла балиқчани оқлаш, турли маломатлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Аслида ана шундай ҳимоя усули тўғри эмас, аниқроғи, тилла балиқчани тақдири қоралашга ҳам, ҳимояга ҳам муҳтож эмас. Мақолада келтирилган Матёқуб Қўшжонов фикрича “Ахир дунёни фақат ўзининг тор, буруқсаган дунёқараши орқали кўрадиган, баъзан фақат ўз шахсий маънафаати нуқтаи назаридан ҳаётга муносабатда бўладиган ўзини эр билиб, ҳаётда “шерлар” борлигини тасаввуқ қила олмайдиган тилла балиқсифат худбинлар бор-юқ ҳаётда!” Яшар Қосимов фикрича эса: “Шеърдаги бирор мисра ёки сўзда ҳам тилла балиқчага нисбатан салбий муносабат сезилмайди. Балки ҳар сатрда, ҳар битта сўзда унинг аламли қисматида афсусланиш бор. Айниқса, бу мўъжаз ва ғамгин қиссанинг сўнгги икки мисраси туганмас бир алам билан ёнади”. Агар диққат билан қаралса, бир-бирини рад этувчи мазкур икки фикрни бирлаштирадиган бир нуқта бор: мунаққидлар шеър ғоясини шоирнинг тилла балиқчага муносабатидан излашади, фақат бирини шоир ундан нафратланади, иккинчисини аянчли тақдиридан қайғуради.

Бизнингча, шеърнинг ғоясини “мен” яъни шоирнинг тилла балиқчага муносабатидан эмас, балки “мен”нинг тилла балиқча дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билиши муносабатидан қидирмоқ керак. Алам қиладиган нарса ҳам аслида — шу.

Бу бошқа-бошқа тушунчалар бўлиб, кейингисини шеърга биров ўзгача ёндашувни талаб қилади. Шунда тилла балиқча яхшими, ёмонми деган гаплар иккинчи даражада жали, майда гаплар эканлиги, асосийси тилла балиқча мажбуран ифлос муҳитга тушиб, унга кўниккандек эканлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам шоир тилла балиқчага

налиқчанинг аянчли тақдиридан эмас, у катта эзгу им-
кониятларга эга бўлгани ҳолда, кўлмак ҳовузчани дунё
деб билиб, шу кўлмак қонунларига бўйсуниб яшаши-
дан туганмас алам туяди. Туганмас аламнинг сабаби,
бу туғилган фожиа шунда.

Шеърда, шубҳасиз, тилла балиқчанинг фожиаси бор,
аммо бу фожиа ўзидан каттароқ фожиани бошлаб ке-
лади. Асарда эзгу, олий мақсадлар фожиаси акс этган.
Турғуллик, олий мақсадлар ташувчиси бўлиши лозим бўл-
ган одамлар (балиқча оддий эмас, тилла, шу жойда
Мшарнинг “тилла” ва “лойқа” эпитетларига урғу
бериши ўринли) ифлос муҳитга тушиб қолса-ю, шу
муҳитни тан олса, у билан бирикиб кетса, бундан оғир
нанима бор? “Одамга алам қиладиган жойи шуки,
балиқча бор дунёни ўзи яшаётган, сассиқ ҳовуздан ибор-
ат деб билади. Ҳолбуки, дунё—сассиқ ҳовуз эмас, анча
каттакоп, гўзал, муъжизакор бир олам” (А. Орипов).

Яшар кўрсатган “тилла балиқча” ва “лойқа ҳовуз-
ча” ўртасидаги конфликтга келсак, улар орасида қай-
сибир даражада зиддият бор, аммо тилла балиқчанинг
сигилиши — кўлмак ҳовуз унинг дунёсига айланиши
билан зиддият тугайди ва худди шу ердан ҳақиқий
зиддият — олий мақсадлар, идеал билан ифлос муҳитга
қилишиб, унга см бўлганлар дунёси орасидаги асрий
зиддият бошланади.

Бу осон ҳал бўладиган зиддият эмасди. У охир-
оқибатда турғуллик деб аталаётган ва жамиятнинг
оқсак идеалларини зир қақшатган фожиаларни бош-
лаб келди. Бу ялпи фожиа эди: тилла балиқчанинг
ҳам, сохтакор муҳитининг ҳам, лирик “мен” — шоирнинг
ҳам, қисқаси ҳамманинг кулфати эди.

Дангалчи шоир Ярослав Смеляковнинг: “Тилла ба-
лиқча учун калтак еган Абдулла Орипов сенмисан?
Ундан кўра кит ҳақида ёзиб калтак есанг бўлмасмиди?!»
— деган ҳазили тағида катта бир ҳақиқат зил бўлиб
тади. Шоир кит ҳақида ёзолмасди, чунки лойқа ҳовуз-
чиға кит сиемасди, сиққан тақдирда ҳам кит балиқчага
айланар, тилла балиқчанинг тиллаллиги қолмагани син-
дари, китнинг ҳам китлиги қолмасди. Турғуллик жамия-
тида қанчадан-қанча потенциал китлар балиқчага ай-
ландики, бу ҳақда фақат тахмин юритиш мумкин.

Биз ушбу гапларни, Яшар Қосимовнинг талқинини
анишакка чиқариш учун ёзаётганимиз йўқ. Биз унинг
етмиш фоиз фикрига қўшиламиз ва ўттиз фоиз туғри
фикр қўшилганда, “Тилла балиқча” шеъри ҳақидаги

талқин тугаллик касб этади, деб ўйлаймиз. Адолат билан айтганда, мақола пишиқ, пухта ёзилган. Асосийси у кишида фикр қўзғайди. Тўғриси, шу мақола бўлганда, шеърнинг чала талқинига ҳамма шу пайтгача кўникиб келганидек, бундан сўнг ҳам кўникиб келаверадиз, шеър ҳақида қусурли тушунча устуворлигича тарқарди. Мақола шеърни янада теранроқ тушунишни яхши хизмат қилади. Аслида, ушбу мақола бўлмагани биз ҳам юқоридаги фикрга ҳозирча келмаган, ушбу мулоҳазалар ҳам, табиий, туғилмаган бўларди. Бундан физик Нильс Бор айтганидек, “одми ҳақиқатнинг муқобили — ёлғондир, теран ҳақиқатнинг муқобили эса янада теранроқ ҳақиқат”.

Биз шеър ҳақида сўнгги ҳақиқатга даъвогар эмасмиз, айрилган фикр-мулоҳазалар ушбу шеърни янада чуқур, объектив тушунишига кўмаклашса, шунинг ўзи етарли. Зеро, ҳақиқат зинапоялардан иборат бўлиши қадам-бақадам юқорига, янада теран ҳақиқат томонига интилиш жараёнидан иборатдир.

* * *

*Мен олий мақсад учун туғилганман,
вужудимга қул бўлиш учун эмас.*

Сенем

Абдулла Орипов “Тилла балиқча” шеъри орқали улкан бир рамз яратдики, унинг поёний уфқини аниқ чегаралаш қийин. Ҳозиргача тилла балиқча гоҳ салбий гоҳ ижобий образ сифатида талқин қилинди. У жамиятнинг қурбони, бир пайтнинг ўзида қурбонликка кўникиш, эрксизликни эрк деб тушунган образ сифатида фоже жиҳатларига урғу қилинди. Ундан ташқари, шеърнинг охириги икки мисрасига алоҳида диққат қаратилиб, тилла балиқча ҳолатидан чиқадиган алам — лирик фожелик айни шу жойда жамланма — концентрат ҳолда намён бўлиши таъкидланди.

Ушбу талқинларнинг ҳар бирида жон бор. Бу — шеърнинг ҳақиқий бадний асарлигидан, ҳақиқий бадний асар эса турли жўяли талқинларга сабаб бўла олиши ва дош бера олишидан келиб чиқади. Хуллас, яна бир талқин. Аниқроғи, тилла балиқча тимсоллари пиллапоясидаги яна бир поя.

Тилла балиқча — дастлабки одам — Одам ато ва

Момо ҳаво гуноҳи учун жаннатдан қувилган гуноҳкор Одам тимсоли. Одамзод туғилиб кўзни очганда, ақлини таниганда “тўнқарилган осмон ости” (“Сароб” шеъринда), тескари қозон янглиғ дунёни кўради. Коинот гултожи, Яратганнинг ердаги халифаси бўлмиш инсон доим ҳам ўзининг Қимлиги, асл вазифаси ва асл маконини билмайди. Сон-саноқсиз одам Олий ақлдан ақл-фаросат ва қалб берилгани ҳолда, жониворий яшаб, бу фоний дунёдан ўтиб кетадилар. Турмушнинг майда-чуйдалари, танининг заминий истаклари самовий интилишлардан маҳрум этилиб, руҳнинг бепоён ва сирли олами кўзи беркилган булоқ каби яширин қолади, бундай бандалар йўқликка маҳкум бетайин зот каби равона бўлишади.

Йўқликда борлиқ бор. Бундайларнинг йўқлиги эса нурсиз йўқлик, тупроққа қоришиб кетадиган йўқликдир.

Бунинг устига, балиқча оддий эмас, тилла, яъни Тангри катта имконият, катта қобилият ато этган мавжудот.

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча

Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.

“Тор ҳовузча” — кўзга ташланиб турган моддий дунё. “Мудроқ толлар” шу ҳовузчани тўсиб, қўриқлаб турган девор, икки карра икки тўрт қабилдаги сирсиз-сеҳрсиз, маънавиятсиз, руҳониятсиз майда ақидалар мажмуи. Толлардан тўкилган сариқ барглар (яшил барг хазон бўлмайди, яъни тўкилмайди) боғи билимларнинг чала-чулла лахтаклари. Моддий кишида боғланган одам наздида материализм — энг олий ҳақиқат, руҳ боқийлиги — қуруқ афсона, ўлимдан сўнг — мутлақ йўқ бўлиш, чириш. Хуллас, зерикарли ва кулфатзада дунё, яъни “кўлмак ҳовуз”.

Тилла балиқча фақат биқиқ муҳит, чекланган жамиятда эмас, балки вужуд қобиғида қолиб, вужуд эҳтиёжларини ҳаётнинг бирдан-бир маъноси деб билган одам фожеаси. Фожеа ҳам шу одам учун (чунки у фақат об-иҷишга яралмаган, у тилла ахир) ва шундай ҳолни кузатиб алам чекаётган “мен” учун. Аламнинг беҳадлигига яна бир боис шуки, “мен”га ҳам тилла балиқчанинг вужудий биқиқлиги ёт эмас. У ҳам хом сут эмган банд.

Шоир “Рухим” (1969) шеърини ёзган эди:

Бир кун бир қояга урилгай кема,
Рухим, сен вужуднинг ғамини ема.
Юксак фазоларда айлагил парвоз...

Вужуднинг ғамини еб, унда қолиб кетган тилла балиқча руҳи борлигини ҳам унутган ёки асли руҳсиз бадан бўлган. Шу ўринда “тор ҳовузча” тилла балиқча вужуди билан биришиб, мутлақ бир нарсага айланади. “Ивжил” гувоҳлик берганидек, “руҳсиз бадан ўлик”.

Агар тилла балиқча руҳоний кенгликка эга бўлганида тор ҳовузчада туриб ҳам ўз аслиятига — тиллалигига муносиб бўлган бўлур эди. Бало шундаки, у “кўлмак ҳовузча” билан дўстлашган, бир таи, бир жон бўлиб кетган. Чўлинон сўзлари билан айтганда: “Кўнгил, сен мунчалар нега Кишанлар бирла дўстлашдинг?” Эш даҳшатлиси ана шу ихтиёрликда, шу ҳолатни қонуний ва табиий деб билишда.

Бу талқинда ким айбдор — тилла балиқчами ёки уни “дойқа ҳовуз томон” отганлар, деган савол айтарли мўҳим эмас. Чунки тилла балиқча тақдирида мумкиниятдан муқаррарият кўпроқ. Воқе бўлмиш ҳодисани ўзгартиришга ожизлик муқаррариятнинг келтириб чиқаради. Муқаррариятдан туғилган алам чуқур ва беададдир.

Менга адам қилар, тилла балиқча
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни.

Лекин бу фожиали ҳолат — инсон ўзининг руҳоний зот эканлини билмаслигини кузатиб, куюниб-ўртанаётган одам бор. У албатта муаллиф бўлиши шарт эмас. “Мен” моддий дунёни ягона Аллоҳнинг тажаддиси деб билувчи, куриб турганимиз нарсалар қалб кўзи билан ангайдиганимиз олдида зарра эканлигини ҳис этувчи руҳониятли инсон. Бир қисм инсоннинг руҳий кўр ва қарангини кўра била турниш ва ҳеч нарса қила олмаслик, чорасизлик — алам шу бонс.

Модддончилик ботқоғига ботган одам “ҳозир — борсан, ўлдинг — йўқ бўлдинг” қабилида фикр юритади. Шоир “Чорлаш” (1971) шеърда уларга қарата дейди: “Ўлганда ҳам вужуднинг билан Кетмагайсан ерга қоришиб”. Лекин бунинг учун юракда “ёруғ хаёл, самовий ўтлар” чақнамоғи даркордирки, бу на потилла-тилла балиқчага, на унинг биқик ҳовузига хос. Чунки улар — вужуд тутқуни.

Ҳақиқатнинг юзига тик боқа оладиган, бардоши стадинган одам, “тилла балиқча — бу мен” дея олади. Шундай одам чин руҳоний юксакликка муносиб.

ЮКСАК ФАЗОЛАҒДА УЧРАШУВ ЕКИ ЗУҚҚО МЕЗБОН

I

Даҳо санъаткорлар ижодида муштараклик бўлиши муқаррар ва табиий.

Икки ҳодисани юзлаштириш ҳар икки ҳодисанинг тивал кўрилмаган қирраларини кўришга, илгари унча намоеи бўлмаган жиҳатларини ёритишга имкон беради. Шунин улар бир-бирига шуъла ташлаб, бири иккинчисидан, иккинчиси биринчисидан акс этади.

“Даҳолар мишг йилларда гоҳ-гоҳ учраб турадиган эмби. Миллион-миллион кишиларнинг ёмби эмаслигини Фанёқ генийларини ёлғизлантириб кўяди. Бу—қонуният”¹. Шекспи даҳолар юксак маънода ёлғиз эмаслар. Улар ўзлари кўтарилган баландликда, юксак фазоларда топилмадилар ва гоёйбона суҳбат қурадилар.

Данте ва Алишер Навоий замондош бўлишмаган. Уларни икки асрча вақт, ўн мишглаб чақирим масофа ва буткул ўзга диний-маданий қатлам ажратиб туради. Аммо улар учрашадиган умумий майдон бор. Бу, академиклар Н. Н. Кошард ва В. М. Жирмунскийлар фикрича, Шарқу Фарб учун муштарақ ҳодиса бўлган Ренессанс, яъни Уйғонишдир. Уйғониш умумжаҳоний ҳодиса сифатида Данте ва Навоийни юксак нуқталарда бириштириб туради.

Умумийлик хусусийликда юз кўрсатади. Шундай хусусий жиҳатлардан икки даҳонинг бош асарлари—“Шлодий Комедия” ва “Хамса”нинг бош қаҳрамони масаласи ва бундан келиб чиқадиган қатор ҳолатларга диққат қилайлик.

Шу пайтгача “Хамса” ҳақида қатор ишлар қилинишига қарамай, уни яхлит идрок этиш борасида жиддий одамлар қўйилмади. Асар беш мустақил дoston йиғини сифатида қаралиб, асосий диққат-эътибор дostonлардаги воқеий мазмунига қаратилди. Асарнинг асосий тoиси, бадиний мазмуни дostonлардаги стакчи қаҳрамонлар (Фарҳод, Ширин, Мажнун, Лайли, Баҳром ва

¹ Ватап ичра яна бир ватап. Шоир Абдулла Оришов билан суҳбат. Қаранг: Иброҳим Ҳаққул. Абдиқат фарзандлари. Тошкент, 1990. 169-б.

ҳ.к.)га бевосита боғлиқ ҳолатлардан, қаҳрамонларар кечган воқеалардан, яъни ҳар бир дostonдаги сюжетдан келтириб чиқарилди. Бинобарин “Хамса”даги эпик жиҳатлар биринчи планга чиқарилди. Бу табиий, аммо кам.

“Хамса” муаззам лиро-эпик дoston. Бизнингча, “лиро эпик” атамасидаги биринчи сўз ҳал қилувчи, асар жанрини устун даражада белгиловчидир. Улкан асарни бир лаштириб турувчи персонажлар, ғоялар ҳамда беш дoston бошини бир нуқтада бириктирувчи ҳамма ерда ҳазиру нозир қаҳрамон бор — “Хамса”нинг бош-ва мулақ қаҳрамони шоирнинг ўзи, яъни Алишер Навоийдир.

Бу бошланғич тезис асарга, унинг бадиий олами муносабатни анча ўзгартиради. “Хамса” дostonларидаги воқеани мазмун — бош ҳикоят (айтайлик, Фарҳод ва Ширин саргузашти) ажратиб олинган, воқеага бевосита боғлиқ бўлмаган боблар гўё ортиқчадек туюлиб қолади.

“Хамса” дostonларида баён этилган воқеалар ўз-ўзини эмас, балки шоирнинг (Алишер Навоийнинг) уларга ҳо муносабати билан қимматли. Агар воқеалардан ушбу муносабат ажратиб олинса, қуруқ ғоя, яъни воқеанин совуқ ва жонсиз баёни қолади, холос.

Воқеаларнинг оддий баёни эмас, балки шоирнинг (асосий қаҳрамон даражасига чиққан) воқеликка субъектив муносабати биринчи планга чиқиши жиҳатида “Илоҳий Комедия” ва “Хамса” муштарак чизгиларга эга.

Муштараклик замирида доим тафовут бор. Дани “Илоҳий Комедия”нинг муаллифлигидан ташқари, унинг бош қаҳрамони, асар воқеа тизимининг асосий иштирокчиси. “Хамса”да бошқачароқ. Навоий асарнинг муаллифи, яратувчиси, аммо у “Илоҳий Комедия”дагидек воқеаларда бевосита иштирок этмайди. Унинг асардаги иштироки бўлакча. Навоий воқеани фақат баён этмайди, уни ҳам таҳлил, ҳам тадқиқ этади. У кечаётган ва таъвирланаётган воқеаларга устама маъно берувчи олиб рутбали ҳакам. Чунончи, Баҳром лашкарига руҳсат бериб, Шопур билан Фарҳод қабри ёнида умрбод қолнишганда, Навоий шундай “портлайди”.

Қўюб шаҳлиқ, чу қилди хокраҳлик,
Чу яхши боқти, худ ул эрди шаҳлиқ.

Бу, биринчидан, Баҳром ҳимматига мутафаккирон баҳо, иккинчидан, бутун “Хамса”нинг мағиз маъноларидан бири. Тадқиқ этиш руҳи асарни ичкаридан ёрити

туради. Тадқиқ этувчи вазифасида ҳам Алишер Навоий “Хамса”нинг бош қаҳрамони.

Сюжет (воқеалар тизими) ўртамиёна шоирни бошқаради, буюк шоир эса анъанавий сюжетга жон ато этиб, янги талқинга эришади. Навоий аввалдан ишлатилган воқеа (“афсона”) танига руҳ киргизиб, уни асос қилган ҳолда янги бадият яратади.

Ёзмоқта бу ишқи жовидона
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмунига бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.

(“Лайли ва Мажнун”)

Бу тўрт мисра бутун “Хамса”ни тушуниш ва тадқиқ этишда методологик очқич вазифасини ўтайди. Асарни даҳо Навоийнинг “руҳ майли” бошқаради. Бу шунчаки шоирона кўтаринки гап бўлмай, “Хамса”да муаллиф, яъни Алишер Навоийнинг ўта муҳим мутлақ образ сифатидаги ўрнини белгиловчи илмий қайддир.

Демак, муаллифнинг руҳоний қуввати асар жараёнида ҳукмронлик қилади, афсона (тасвирланган воқеа-ҳодисалар) ушбу етакчи кучга қарам, бўйсунган ҳолда мавжуд бўлиб, ўз навбатида руҳ майлининг муайян жиҳатини намоён этади.

“Хамса”ни жаҳон адабиётидаги мустақил ва буюк бадиий обидага айлантирган бош омил — даҳо Навоийнинг руҳ майли дейиш аини ҳақиқатдир.

Афсона ва руҳ майли орасидаги икки тарафлама муносабат асарга буткул ўзгача тароват бахш этади. Шунинг учун деярли бир хил воқеа тизимида Низоми, Хусрав Деҳлавий ва Навоий буткул мустақил асарлар яратишади. Ҳар бир шоирнинг “руҳ майли” мустақил бадиий олами вужудга келтиради.

Данте “Базм” асарида санъат асарини тушуниш ва шарҳлашда тўрт хил маънони кўрсатади: дастлабки маъно, аллегорик маъно, сабоқли маъно ва аногогик, яъни олий маъно ёки асарни руҳий-маънавий жиҳатдан англаш.

“Хамса”да баён этилган воқеаларнинг дастлабки маъноси билан чекланмай, бешликни яхлит ҳолда намоён этувчи олий маънони англашга ҳаракат қилмоқ лозим. Данте нигоҳи билан “Хамса”га назар ташлаш, бир даҳо кўзгусида иккинчи даҳонни кўришга интилиш адабиёт илми ҳамда маънавийтимизни бойитади.

Аристотель ўзининг “Пайдо бўлиш ва йўқолиш ҳақида” асарига ёзади: “Муҳаббат доим бирикув, адоват нифоқ сабабчисидир”¹.

Данте инсонлар орасида низо ва нифоқ уруғини сочганларни дўзахнинг саккизинчи, охиргисидан олдинги доирасидан жой ажратади. “Уларнинг жазоси ўзига хосдир: маҳкум бир доира бўйлаб тинмай айланади, бир нуқтага етганда, иблис уни шамшир билан ёриб ташлайди. Маҳкум доирани яна айланиб келгунга қадар жароҳат битади, ўша жазо эса яна такрорланади”².

Нифоқ солиш Данте назарида жуда катта гуноҳ бўлиб, фақат сотқинлик ва хоинликкина ундан чўнғроқ гуноҳдир. Сотқинлар ва хоинлар дўзахнинг тўққизинчи доираси тубида метишдек мустаҳкам музлик — Қоцит исканжасида жазо топадилар.

Сотқин одам жазо тариқасида яна бир нифоққа — нифоқ устига нифоқ — дучор бўлади. Унинг вужуди руҳидан айрилади.

Билиб қўй, сотқинлик рўй берган замон
Руҳ кетиб, вужудга иблис киргайдир.
Вужуд аввалгидай юргайдир яшаб,
То муддат битгунча кечиргай умр.
Руҳ эса тубанга юмалагай заб...

(XXXIII, 129—133)

Асарнинг шу ўрни ҳақида ғалати фикр мавжуд. “Илоҳий Комедия” нинг рус тилидаги муътабар нашрларидан бирининг изоҳида шундай дейилади: “Бетожат Данте адолатни тезроқ тиклаш мақсадида, ёлғиз ўлганларни эмас, балки тирикларни ҳам жазога мустаҳиқ этади”³. (Изоҳ муаллифи машҳур даптешунос И. Н. Голенишев. Кутузов).

Бундай талқин дантеёна буюк маънони англамасликдан бошқа нарса эмас. Данте тирик юрган одам руҳини дўзахда жазолар экан, бунда ҳам поэтик, ҳам фалсафий маъно кўзлайди. Унинг наздида сотқинлик шундай чўнғ пилатки, у жазо олишни учун сотқиннинг тирик ёхуд ўлган бўлиши мутлақо аҳамиятсиз. Асосий гап сотқин-

¹ Аристотель. Соч. В 4-х т., т. 3. М., 1981, с. 428.

² Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Дўзах. Тошкент, 1975, 186-б. («Илоҳий Комедиядан келтирилган мисоллар асарнинг шу нашридан олинган — муҳаррир».)

³ Данте Алигьери. Божественная Комедия. М., 1967, с. 555.

нинг руҳи жасадни тарк этиб, дузах тубига юмалаши-ю,
руҳ ўрнини иблис эгаллашидадир.

Яна:

Боқ, анов жунжиккан кўшни арвоҳга,
Балки у ҳам юрар тирикка ўхшаб.

(XXXIII, 134—135)

“Тирикка ўхшаб”. Демак сотқин одам вужудида руҳ
ўқ, руҳ дўзахда азоб чекади, руҳ ўрнини иблис эгалла-
ган. Фақат шакл-шамойили тирикка ўхшайди.

Кўшиқ-шундай якуиланади:

Сизнинг элат аро энг ифлос, муртад
Бир касни учратдим этган чоғ сафар,
Руҳи унинг маҳкум Қоцитда минбаъд, —
Тирикларни эса вужуди алдар.

(XXXIII, 154—157)

Охирги якка мисра қизиқ таассурот қолдиради. У
матидан ажратиб олиб қаралса, тугал афоризмга ўхшай-
ди. Чунки аксарият бандалар вужуднинг қули, вужуд
руҳнинг эркин парвозига ҳалал берадигандай туюлади.
Руҳ осмони фалакка интилса, вужуд одамни ерга қа-
шиштиради. Шу маънода вужуд тирикларни алдайди, ҳа-
қиқий самовий маконидан чалғитади. Масалан, Алишер
Навоий Мажнуннинг туғилишини “адам мажлисидан
қутулиб, вужуд маҳдиға тутилғони” (йўқлик мажлиси-
дан қутулиб, вужуд бешинга тутилгани) дея таъриф
этади (“Лайли ва Мажнун”, X боб).

Бу талқин бир қарашда кўшиқ мазмунига унча мос
келмагандай туюлади. М. Лозинский таржимасидаги
охирги икки мисрани ўқиймиз:

Душой в Коците погружен давно,
А телом здесь обманывает взоры.

Демак руҳи аллақачон дўзахда-ю, вужуди тириклар
орасида. Синчиклаб қаралса, кўринадики, ушбу маъно
ўзбек тилида сиқикроқ ва бадний кўпқатламлироқ ифо-
дасини топган. Фақат “Тирикларни эса вужуди алдар”
мисрасидаги “вужуди” сўзини “сотқиннинг вужуди”
тарзда англаш лозим бўлади. Агар у “тирикларнинг
вужуди” тарзида тушунилса, юқоридаги афористик маъ-
но туғиладики, у таржиманинг кучига куч қўшади, хо-
лос. Аксинча эмас.

Шундай қилиб, Данте бир одам борлигини иккига

булар экан (“...адоват нифоқ сабабчисидир”, Аристотель), Алишер Навоий икки одам борлигини бирликда (ваҳдатда) кўради. Сабаб, бу одамлар олий нишон — муҳаббат, ишқ билан зийнатланганлар. Ишқ учун ҳатто вужуднинг мавжудлиги ҳам шарт эмас.

Хисрав ва Фарҳод баҳсидан:

Деди: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?

Деди: руҳ эрмас эрди танға пайваст.

Ишқ олий хилқатларда Фарҳод руҳига кирган, заминдаги вужуд эса ўшал ишқнинг аввал-охир топширигини бажараётир, холос.

Ваҳдат (бирлик)нинг олий намунасини “Лайли ва Мажнун” достонида кўрамиз. Лайли ва Мажнуннинг тириклигидаги учрашув онлари:

Чун бир-бирини таништилар жазм,

Руҳ этти бадан ҳаримиға азм.

Яъни бадан ўлди зору мажруҳ,

Маъшуқи ўшул бадан аро руҳ.

Руҳи ҳудусий нузул қилди,

Хоки тан аро ҳулул қилди.

...Бир жисмда икки руҳ ўлуб гум,

Бир кўз орасида икки мардум.

Васл айлади иккиликни боқий,

Ваҳдат қадаҳини тутти соқий.

“Улар бир-бирларига талпиндилар, шу чоқ руҳ бадан ҳарамига кириб келгандек бўлди. Яъни мажруҳ Мажнун баданига маъшуқаси руҳ бўлиб кирди. Муқаддас руҳ учиб келиб, бадан тупроғи билан йўғрилиб кетди... Бир жисмга икки руҳ сингиб, бир кўзда икки қорачиқ кўринди. Васл бу иккиликни боқий айлаб, соқий ваҳдат қадаҳини тутди”¹.

Лайли ва Мажнуннинг ўлим аро учрашув онлари:

Бир наъшқа солдилар иковни,

Жонсиз келину ўлук куёвни.

¹ Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Тошкент, 1990, 194 ва 336-бетлар.

Кирди икки жисм бир кафанга,
Йўқ, йўқ, икки руҳ бир баданга¹.

Битта одамиинг борлиги иккига ажралиб, вужуди одамлар орасида-ю, руҳи дўзахда қийноқдалиги — бу Дантеда, икки ошиқ қалбнинг руҳлари бирлашиб, бир баданга жо бўлиши — бу Алишер Навоийда, қизиқ хундосаларга ундайди.

Муҳаббат йўқ жойда тубанликка йўл очик, сотқинлик севги дарахтида эмас, адоват бутоғида етишади. Адоват одам борлигини парчалаб ташлайди. Муҳаббат охир-оқибатда ҳатто хунхор кучларни бирлаштиради. Бир-бирларини кўрарга кўзи йўқ Лайли ва Мажнун қабиладошлари икки ошиқ қалб садоқати қаршисида лол қолиб, низони унутадилар.

Яна Арасту сўзлари эса тушади: Муҳаббат бирикув, адоват нифоқ сабабчисидир.

Данте сотқин одамни тириклигида иккига айириб, руҳини дўзахда, иблисий вужудини тириклар орасида қолдирар экан, гўё дейди: «Вужудга алданманг, баъзан одам одам эмас, иблис макон этган бўлиши мумкин.» Яна у дейди: Сотқин ўзи сотган “одам”ни ёки ҳақиқатни эмас, аввало ўзини жазолайди. Ёмонлик ўзига ўзи ихтиёрий жабрдир».

Алишер Навоий ҳақиқатнинг бошқа томонини, балки энг муҳим томонини очади. Агар инсон ошиқ бўлса (ошиқлик кенг маънода, яратганга ошиқликкача, зеро одам, демакки одам ҳам худонинг эманацияси), унинг руҳи пок бўлиб, ўзи каби пок руҳлар билан топишади, бирликда (ваҳдатда) яшайди. Нопок вужуд эса ҳатто ўз руҳини тутиб туролмайди.

Бу гаплар икки даҳо учрашувидан бир шингил, хундос. Энди айрим умумий мулоҳазалар.

Георг Вилхелм Фридрих Ҳегелнинг “Руҳ феноменологияси” асарини инглиз тилига таржима ҳам тадқиқ қилган олимлар Ж. Доббинс ва П. Фасслар ёзишича, асардан “Илоҳий Комедия”нинг ғоялар тизими қизил ип бўлиб ўтади. Кўринадикки, файласуф Ҳегелнинг кўп ғоялари Данте шоҳ асарининг назарий мажмуига мос келадди. Демак, Ҳегел “Илоҳий Комедия”да имконият тарзида, бадиият қобиғида мавжуд бўлган ғояларни фалсафий жиҳатдан ишлаб чиққан, яъни асардаги мифни логикага ўтирган. Натижада образлар орқали уқтирилган

¹ Ўша асар, 233-б.

фалсафий маънолар изчил фалсафий системага айланган¹.

Ғалати бир ҳол. Бизда фалсафашунос олимлар етарли эса-да, том маънодаги фалсафа йўқ. Бу фикр жаҳонга Аристотелдан кейин “иккинчи муаллим” номи билан олган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломалар бизнинг замнида етишигани, улар катта фалсафий мерос қолдиргани фактига шикоят келмайди. Ҳар бир давр ўз фалсафасини яратини лозим — бу маънавий эҳтиёж. XX аср бутун Туркистон хусусан ўзбек миллати ҳаётида янги — миллий уйғонинг даври бўлди. Аср бошларида яратилган А. Фитратнинг “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи”, А. Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарлари миллий фалсафамизнинг илк намуналари эди. Лекин совет тоталитар тузуми бу йўлни тўхтатди ва ўзининг атеизм ва вулгар моддиончиликка асосланган расмий маркста-ленинча фалсафасини куч билан жорий этди. Натижада ўзбек фалсафий онги ривожланмай қолиб кетди.

Катта бир миллат, илдизлари бақувват маданият бор-у, чинакам фалсафа йўқ. Бундай кемтиклик, айниқса мустақиллик шароитида яққол сезилаётир. Зотан етиқлол мафкураси миллий фалсафасиз ҳеч қачон тўла қонли бўлмайди. Ўзига хос ва мос фалсафий қарашларсиз миллат чала, бировга маънавий қарам миллатдир. Агар биз чала миллат бўлиб қолишимизни истамасак, ҳазрат Навоийга қайтишимиз, унга юкуншимиз, ундан зотдан фалсафий озуқа олишимиз лозим.

Алишер Навоий, жумладан, катта фалсафий мерос қолдирди. Фақат бу мерос мантиқ тилида эмас, образлар ва мифлар тилида. “Навоий поэзиясида фалсафа элексирига ўхшаб эриб кетган. У фалсафа ҳолида кўринмайди” (Абдулла Орипов)². Уларни фалсафа тилига ўғиртириш, том Ўзбек фалсафасини яратини учун, Навоийга муносиб фалсафий ақллар — оқиллар керак. Алишер Навоий каби даҳога эга бўлган миллат катта фалсафага эга бўлмаслиги нотабний ҳолдир. Тўғри, бу борада чор миссионерларию совет таълиқотчилари кўп тер тўқдилар. Зеро буюк фалсафа соҳиб бўлган миллатни кулликда сақлаш қийинлигини улар яхши тушунардилар. Лекин шуниси ҳам аниқки, мустамлака онгидан ку

¹ Қаранг: Доброхотов А. Л. Данте Алигьери. М., 1990, с. 197.

² Қаранг: Иброҳим Ҳаққул. Абадият фарзандлари ...172-б.

гулиш фалсафа илмининг саъй-ҳаракатисиз, демакки, Навоийга фалсафий қайтишсиз бўлмайди.

Яна бир гап. Икки даҳо — Данте ва Навоий бугун учрашиб турган экан, бу учрашув сабабчиси учинчи бир ют — Абдулла Орипов. Она тилимизга санъаткорона ўғирилган “Дўзах”, ўзбек адабиёти мулкига айланди. Данте она тилимиз заминида ҳазрат Навоий билан учрашди. Икки буюк ижодиёт қиёсий ўрганилишига йўл очилди.

II

Ҳаёт дегани сон-саноқсиз ҳодисалардан иборат бўлиб, оддий қарашда уларнинг аксарияти тасодифийдек, яъни рўй бериши ҳам, рўй бермаслиги ҳам мумкиндек туюлади. Зотан улар ички қатъий бир қонуниятга бўйсунадик, биз фақат қонуниятнинг ҳосиласини кўриб, унга олиб келган кўринмас, аммо ғоятан ўжар ипларни дам пайқаб, дам пайқамаймиз. Оламда илоҳий тартиб ва қонуният устувор асли.

Абдулла Орипов Дантенинг “Илоҳий Комедия” асарига қўл уриши беҳислат эмас. Айни шу асар таржимасинини шу шоирга насиб этиши ҳам тасодиф бўлмай, Данте ва Абдулла Орипов юлдузи бир-бирига мос келгани боисдир.

“Илоҳий Комедия” гайриоддий асар. Муаллиф ўзи оддийгина қилиб “Комедия” деб атаган асар номига кейинчалик “илоҳий” сифатлаши бежиз қўшилмаган. У ҳам мазмунан, ҳам шаклан беқиёс асардир. Тирикликда туриб ўликлар диёрига саёҳат—сафар қилиш, ундаги мулоқот-уқубат ва роҳат-фароғатни тасвирлаш асар мазмунининг юза қатламини ташкил қилади. “Нариги дунё”га саёҳат харитаси Данте қўлида яхлит сюжет сифатида тайёр бўлиб, ундан ташқи адабий мақсад учун эмас, балки ички дунёсини очиш, даврга ўз сўзини айтиш йўлини фойдаланди”¹.

Данте нариги дунё воқеаларини қаламга олар экан, тасвир шу чоғли аниқ ва жонли-ки, шоир ҳақиқатан ҳам нариги дунё — дўзахда бўлиб чиққанлигига беихтиёр ишонасан киши.

Ж. Боккаччо “Данте ҳаёти” асарида шундай воқеани келтиради. Данте “Илоҳий Комедия”нинг “Дўзах” қисмини ёзиб эл орасида шуҳрат топган кезларида, Верона шаҳри кўчасидан ўтиб борарди. Кўча эгини ёнида

¹ Нажмиддин Комилов. Ибн Сино ва Данте. Т., 1983, 151-б.

тўпланиб турган аёллардан бири секин, лекин Данте эшитадиган даражада дейди: “Қаранглар, мапа бу одам ўзи хоҳлаган пайтда дўзахга кириб чиқиб, у ерда азоб чекаётганлардан мужда келтирармиш”, — деса, бошқаси соддадиллик билан дейди: “Ори рост, тўғри айтасан, қара, — жаҳаннамдаги ўт ва тутундан соқоллари жингалак тортиб, юзи қорайиб кетибди”. Ўзи ҳақидаги бундай гапдан мамнун бўлган Данте табассум билан ўтиб кетади¹.

“Только сознание, безрелигиозное как трактор или прокатный стан, может полагать, например, что “Божественную Комедию” мы в силах исчерпать, толкуя её как сумму художественных приёмов, политической ненависти и поэтических фантазий.”² Жасаднинг фонийлиги-ю, руҳнинг абадийлиги буюк шоир учун шак-шубҳасиз бўлиб, Данте руҳи фоний жисмда эканлигидаёқ руҳлар оламига кириб боради. У ернинг (агар “ер” деб бўлса) аниқ ўлчамли тугал манзарасини яратади. Шунда бадий ва мистик олам бирикади.

Маълумки, “Илоҳий Комедия” уч қисм (кантика)дан ташкил топган — “Дўзах”, “Аъроф”, “Жаннат”. Ҳар қисм 33 қўшиқдан, “Дўзах”даги дебоचा қўшиқ билан бутун асар жами 100 қўшиқдан иборат. Асар терцина, учлык банд шаклида битилган. Қофияланиш тартиби а—б—а, б—в—б, в—г—в ва ҳ.к., яъни банддаги чет I-ва 3-мисралар ўзаро қофиядош, ўрталик қофиясиз мисра навбатдаги бандда ўзаро қофияланувчи чет мисраларга қофия орқали боғланади.

Бундай тартиб бутун асар давомида қатъий сақланади, натижада бандлар бир-бирига гўё чирмашиб кетади ва буюк бир меъморий иморат вужудга келади. Ҳар бир қўшиқ якка мисра билан яқунланиб, у тўлиқ банднинг илк сатридир. Бу узук мисра ҳар қўшиқда нисбий маъно тугаллигини таъмин этади. Ундан ташқари у, фикримча, қандайдир рамзий маънога ҳам эга: йўл узлуксиз давом этмайди, қачондир, қаердадир узилади, узилиши билан йўл нуқтага, ҳаракат мувозанатга эврилиди.

Терцина (учлик) “Илоҳий Комедия” учун фақат шакл ҳодисаси эмас, балки поэтик тафаккур тарзи ҳам. Асарнинг ташқи шакл-шамойилини, энг муҳими, воқеа-ҳодисалар тизимини ва бирор бир банддаги маънони

¹ Қаранг: Д. Боккаччо. Малые произведения. Л., 1975, с. 547.

² Даниил Андреев. Роза Мира. М.: Иной мир, 1992, с. 166

терцинасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Терциनावий фикрлаш асарнинг қон-қонига сингиб кетган. Бунинг устига мисраларнинг ўзига хос қофияланиш тартиби, бандларнинг ўзаро занжирсимон боғланиши мутлақ айрича оҳанг ва фикр йўсинини яратадики, бу фақат “Илоҳий Комедия”га хос. Шу боис асарни таржима қилиш биринчи навбатда терцина шаклини ва у орқали терциनावий тафаккурни бошқа тилда қайта тиклашдир.

“Илоҳий Комедия”да мисра астойдил эшилган арқон каби чайир ва таранг. Аслида асар буюклигини таъмин этган омил нафақат мазмун салмоқдорлиги, балки шаклий мукамаллик ҳам. Асар ритмикаси ва бутун бадийиётнинг ўзига хослиги шундаки, мисралар бирикиб асардаги яхлит мазмунни, Дантенинг у дунёда кўрган-сочирганларини баён этгани ҳолда ҳар бир мисра бир наитнинг ўзида нисбий тугал ва нисбий мустақилдир. Банднинг мустақиллик даражаси, табиийки, бундан ҳам кучлироқ. Дантенинг улўғ мухлиси Ромен Роллан “Уни оз-оз ўқиш ёки буткул ўқимаслик керак. Сурункалига ўқиш Дантени англамаслик демакдир”¹,—деганида, асарнинг ушбу хусусиятини кўзда тутган бўлиши тайин. Бу якка мисра ва банд бадий ахборотга бойлигидан, шеъринг майдонининг ўта тўғизлигидан келиб чиқади.

Маълумки, “Дўзах” ўрисчадан шу тилдаги энг мукамал ҳисобланмиш Михаил Лозинский таржимасидан ўзбек тилига ўгирилган. Ҳатто асар аслияти билан нотиқлиги ва ўрисча нусхадан хабардор бўлмаган китобхон ҳам “Дўзах”даги мисра ва банднинг афористик бутунлиги ва маъно зичлигини қадамда сезиб туради.

Бу — таржиманинг дантеёна юксаклигидан далолат.

Бошланишда хислат кўп. Буни Данте доҳиёна аниқлаган, Абдулла Орипов қойилмақом ўзбекчалаштирган. Дастлабки мисра аслиятда:

Nel mezzo del cammin di nostra vita.

Ўрисчаси:

Земную жизнь пройдя до половины...

Ўзбекчаси:

Ердаги умримнинг ярмини юриб...

Юзаки қарашда жуда одми кўринган ўзбекча мисра ниққат билан шошилмай ўқилса (Р. Роллан маслаҳати-

¹ Дантовские чтения. М., 1982. с. 185.

ни эсланг) анчайин пухта ва пишиқ тўқилган сатр экани аён бўлади. Сатрдаги тўртала сўз ўзаро уйқашлиги (Ер—умр—ярим—юр) ва баланддан пастга энувчи оҳанг уни қандайдир сеҳрга буркайди. Сирли бир ҳилқатга кириб борамиз:

Ердаги умримнинг ярмини юриб,
Зулмат водийсида адашиб қолдим.
Боқсам, бир ўрмонга кетибман кириб.

(I, 1—3)

Шу тариқа муаззам асар бошланади, сизу биз инсон заковатининг улғу бир меваси билан таниша бошлаймиз.

Ҳар қандай асар, айниқса “Илоҳий Комедия” сирлари буюк асарнинг сирли нуқталари, ҳайратомуз ўринлари бўлиши тайин. Шундай ўринлардан бири, шубҳасиз, III қўшиқ бошланишидаги Дўзах дарвозаси пештоқиға битилган, Данте (асар қаҳрамони) ўқиб даҳшатга тушган ёзув:

“Элтаман хор, мискин элатлар сари,
Элтаман мангулик уқубат томон,
Унда завол топган авлодлар бари.

Меъморимга этган ҳақ илҳом эҳсон,
Мени бино қилган холиқи раззоқ,
Мени илк муҳаббат яратган шоён.

Мендан кўҳна фақат неки бор мутлоқ,
Абадият билан тургум баробар,
Кирсанг умидларни ташлаб кир шу чоқ”.

(III, 1—9)

Аслиятда ҳам, ўрисчадаги таржимада ҳам биринчи учлик бошида “Per me”, “Я увожу” жумласи туради. Шоиримиз ҳам бу шаклий ўзига хосликни сақлаб “Элтаман” сўзини икки бор такрорлайди. Натижада, асар тафсирчиларининг ёзишича, худди дарвоза гапираётган дек таассурот туғилади, бу ўзбекчада ҳам ўз тажассумини топади.

Бунда дўзахнинг вазифаю мақсади, сиру синоати қатъий мантиқ ва босиқ ҳаяжон билан қайд этилган. Вазиятга мос маҳобатли услуб ёзувдаги сўзларга бош қача, ғайризаминий маънолар юклайдики, уларни бош қа тилда тиклаш учун ўша тилнинг ички-ташқи ва та

рихий-диний қатламларини ишга жалб этиш мутлақо зарур эди.

“Дўзах” тушунчаси ўзбек миллий онгида азалдан мавжуд. Динимизнинг муқаддас китобида: “Бас, энди бадбахт кимсалар дўзахда бўлиб, у жойда оҳу фарёд қилурлар. Улар унда осмонлар ва ер тургунча қолурлар” (Ҳуд сураси, 106-оят), — дейилади. “Дўзахий”нинг оғир тавқи лаънат ва огоҳлантиришдан бири.

Дўзах Шайтон (Азозил)нинг жаннатдан қувилиш асносида яратилган бўлиб, унда иблис қутқусига учган осий бандалар гуноҳларига яраша жазо тортадилар. Жазо оғир, лекин адолатли. Шунда ёзувдаги “Мени илк муҳаббат яратган шоён” мисраси диққатни тортади. “Илк муҳаббат” Тангри таолонинг хос белгиларидан. У одамзотга меҳр қўйиб, севиб яратди. Муқаддас китоблардан бирида айтилишича, “Худо одамни ўз суратида, илоҳий суратда яратди” (Таврот, “Ибтидо”).

Дўзахга эса Оллоҳ муҳаббатини сунистеъмол қилган, ўз илоҳий табиати, фитратига хиёнат қилган бандалар маҳкумдирларки, охир-оқибатда улар ҳам ушбу муҳаббат шуъласидан билвосита бўлса-да, баҳрамандирлар. Улар ҳам Оллоҳ бандалари, жазоси ортида муҳаббати-да бор.

Бу фикр бошқа бир қавм тасвиридан сўнг янада бўриб кўринади. Улар Дўзах дарвозаси ёнидаги йўлакда, айтиш мумкинки, оёқ остида азоб чекадилар. Улар “на шуҳрат, на ор, на номус” нималигини билмай, юзсиз, қиёфасиз яшаб ўтган бандалар, “на осий, на содиқ, шундайин бетус” лоқайд фаришталар.

Уларни маҳв этди само ғазабкор,
Қабул айламагай Дўзах ҳам ҳатто,
Топмагай ҳаттоки куфри эътибор.

...Хотири заминдан ўчгандир мутлоқ.

(III, 40—43, 49.)

Сўзларнинг формулавий аниқлигига диққат қилинг. “Дантеда деярли баён йўқ. Мисраларнинг ҳаммаси фақат конкрет сўзлардан иборат”¹. Бу шоирнинг таржима жараёнида чиқарган хулосаси. Шу жиҳатдан айри ишонч ва илмий қимматга сазовор.

Демак Данте наздида арзирли ҳеч иш қилмай ўтган беюз, беор кимсадан, гуноҳ қилиб бўлса-да, ўзлигини

¹ Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди. Қаранг: Адабий мақолалар, суҳбатлар, бадий публицистика. Тошкент, 1988, 108 б.

намойиш этган одам афзал. Ёмонлик бўлса-да, нимадир иш қилган, амал содир этган одам на иссиғи, на совуғи бўлмаган “бетус” бандага нисбатан баҳоси баланд. Дўзахга ҳам қай бир жиҳати билан Яратганнинг эътиборини тортган банда киради, шекилли. Ҳамма эмас.

Шу ерда тўхтаб, III қўшиқдан охиригى XXXIV қўшиққа ўтамиз. Унда Дўзахнинг сўнгги тўққизинчи доираси тасвирланиб, ушбу бўлинмада сотқинлар буткул вужуди билан музга банд ҳолда ётадилар. Ўртада — Люцифер (шарқона номи — Азозил) уччала оғзида чиқаётган даҳшатли оқим билан учта сотқин зотни тинимсиз жазолаб туради. Булар: Исо пайғамбарга сотқинлик қилган Иуда, Валинеъмат ҳокимиятининг юзига оёқ қўйган Брут ва Кассий. Вергилий Дантени оғушига олиб Люцифер—Азозилнинг мўйига тирмашганча ер куррасининг нуқтаи низомидан ўтиб, иккинчи ярим шарга чиқиб олади.

Толиққан одамдай устоз бечора
Ҳансираб дедики: “Ушлагил маҳкам,
Чиқармиз томуғдан ушбу йўл аро”.

(XXXIV, 82—84)

“Коинот марказида мутлақ ёмонликни англатувчи махлуқ гавдаси орқали қилинган саёҳат тафсирчилар учун анча қийинчилик туғдириб келган ва туғдираётир”¹, — дейилади асарнинг ўрисча нашрига берилган “Изоҳлар”да.

Бу, ҳақиқатан, мураккаб жаҳоний муаммо бўлиб, яхшилик ва ёмонликнинг ўзаро чигал, телба-тескари алоқасига бориб тақалади. Дунёдаги бор илоҳий китоблар, одамзотни яратган Оллоҳ номидан яхшиликка ундаб келади. Бошланиш даври номаълум бўлган халқ оғзаки ижоди ва бутун ёзма бадий адабиёт яхшилик тарафида туриб, ёмонлик охир-оқибат маҳв бўлиши ва эзгулик ғалаба қилишини алқаб келган. Ҳатто ўрис файласуфи Владимир Соловьёв “Яхшиликнинг ҳақлиги” (“Оправдание добра”) номли китоб ва таълимот яратган.

Лекин масаланинг ўзга қирраси ҳам бор. Ҳаёт отлик хилқат яхшиликнинг ўзидан ташкил топмайди ва топмайди. Чунки, биринчидан, яхшилик нимага нисбатан яхшилик? Ёруғлик қоронғулик бўлгандагина қим-

¹ Данте Алигьери. Божественная Комедия. М., 1967, с. 558.

мат ва маънога эга. Демак, яхшилик ўз баҳоси ва ҳаққини олиши учун манфий куч — ёмонлик бўлиши зарур. Иккинчидан, агар ҳаёт, тириклик ҳаракат бўлса (ҳақиқатан ҳам шундай), бунда ҳаётни ташкил этувчи одамлар ва кучлар ўртасида тўқнашув ва зиддиятлар бўлиши тайин. Яхшиликни охириги пировард этган кимса ёлғиз яхшилик орқали унга етолмайди, чунки у яхшилик томон силжиш йўлида турфа тўсиқларни енгиб ўтиши зарурки, бу енгиб ўтиш фақат яхшиликдан иборат бўлиши мумкин эмас. Курашда яхшилик кўпинча ожизликни, ёмонлик эса кучни билдирадики, бу яхшилик ва ёмонлик диалектикасидан, уларнинг фарқланиши ва айни бир пайтда бирлигидан, муштараклигидан келиб чиқади.

Ушбу мулоҳазалар “Дўзах” сўнггидаги манзара — Данте ва Вергилий Азозил—ёмонлик тимсолига таяниб жаҳаннамни тарк этишига бир қадар ойдинлик киритилди, деб ўйлаймиз. Бунинг устига ушбу саҳнанинг фалсафий бир талқинида айтилишича, “...дўзахда адолат ва Илк муҳаббат дўзахий мантиқни талаб қиладики, у бўйича ёмонлик яхшиликка эврилади”¹. Шунинг учун ҳам Азозил гавдаси Вергилий (демак Данте) наздида “пахмоқ нарвон” (XXXIV, 118), яъни юксалиш, кўтарилиш қуролидир. Лекин бу гавда нарвон бўлса-да, барибир “пахмоқ”дир.

Мазкур гапларнинг таржимага нима алоқаси бор, деб ўйламанг. Алоқаси бор. Эндиликда буюк асар қаъридаги маъноларни чақиш, шоирона айтганда, денгиз тубидан дур излаш ўзбек илми ва ўзбек китобхони учун Абдулла Орипов таржимаси орқали бўлиши муқаррар. Зеро, айтиш мумкинки, ўзбек тилида “Дўзах”нинг конгениал (тенг кучли) нусхаси яратилди ва улуғ Данте ўзбек адабиёти ва ўзбек миллий-бадиий онгига кирди.

Дантенинг сиқиқ ва маънодор сўзини она тилимизда тиклаш ҳозирча ёлғиз Абдулла Орипов имконига иш дейилса, муболаға эмас. Шеърятда сўз устаси, сўз санъаткори бўлиш кам шоирга насиб этадиган бахт бўлиб, бу фақат шеърӣ эҳтиросни эмас, изчил, синчков ва теран ақл — донишмандликни талаб қилади. “Илоҳий Комедия” таржимаси ушбу икки хислат — шеърӣ эҳтирос ва донишмандликка таянсагина, муваффақиятли чиқиши мумкин. Иш нафақат шеърӣ истеъдод, балки аниқ ҳисоб-китоб, қатъий ўлчовни талаб қилган. Данте

¹ Доброхотов Н. Л. Данте Алигьери. М., 1990, с. 120.

асарнинг “Жаннат” қисмида ўзини бежиз “геометр” (XXXIII, 133) деб атамайди. Таржимон ҳам салкам Данте даражасида геометр бўлиши лозим эди. “Яширишнинг ҳожати йўқ: таржима жараёнида жуда-жуда хун бўлиб кетдим”¹, — дея эътироф этади шоир.

Шоир “Илоҳий Комедия” руҳига қанчалик чуқур кирганига бир мисол. Учрашувларимиздан бирида “Дўзах”нинг V қўшиғидаги 106-мисра таржимаси аслиятга бир қадар номувофиқлигини айтганимда, шоир чимирилди — бўлиши мумкин эмас дегандай. “Йўқ, айб Сизда эмас, Лозинскийдан ўтган бу хато”, — дея русчасини келтирдим:

Любовь вдвоём на гибель нас вела.

Ўзбекча таржима ҳам шунга яраша:

Етди бошимизга муҳаббат — бало.

Бу бахтсиз севги қурбони бўлган Франческа руҳига у қадар мос эмасдек. У муҳаббатни “бало” дейиши га лат. Аслиятда эса бундай:

Amor condusse noi ad una morte.

Яъни, севги бизни ўлим даргоҳида бирлаштирди, деган маъно.

Шоир бир лаҳза жим қолди ва қуйидаги сатр янгради:

Энди дийдор эрур охират аъло.

Бу аслиятга мос, яшин тезлигида топилган ажиб таржима эди.

“Инжил”, “Таврот” ва “Қуръон” каби самовий китоблардан сўнг инсон қўли билан яратилган энг буюк асар” деб таърифланадиган “Илоҳий Комедия” каби асар бошқа тилга ўгирилар экан, нафақат таржимон, балки таржима қилинаётган тил ҳам ўзига хос имтиҳондан ўтади. Яна шоирга сўз берайлик:

“Дантени таржима қилаётганимни эшитган беларусиялик шоирлардан бири менга “Илоҳий Комедия”га ўзбек тилининг кучи етармиди?” деб қолди... Мен унга тилимиз туркий тиллар орасида энг бой, нафис, мусиқий эканини, бунга Дантени таржима қилиш жараёнида

¹ Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди. ...109-б.

яна бир карра ишонч ҳосил қилганлигимни фахр билан сўзлаб бердим... Тил фақат гоёларни ифода қилувчи во-ситагина эмас, балки мустақил кучга эга бўлган қуд-ратли яхлит ҳодиса ҳамдир”¹.

Ўзбек китобхони ҳозирча “Илоҳий Комедия”нинг дастлабки “Дўзах” қисмини она тилида ўқиш бахтига мушаррафдир. Биз ҳам ўз фикрларимизни шу қисм бў-йича билдирдик. Шоирнинг “Ишонч кўприклари” (Тош-кент, 1989) тўпламида “Аъроф”дан 1-қўшиқ таржимаси дунё юзини кўрди. Шунинг ўзиёқ “Дўзах” таржимасида эришилган юксак парвоз ва моҳирона аниқлик ҳамон шоиримизга ёр эканлигидан далолат.

Ўгринма ижод ҳам том ижод бўлса, “Илоҳий Ко-медия”ни ўгириш икки карра ижоддир. Асарни ўрис тили-га қойилмақом таржима қилган Михаил Лозинский бит-та шу иши билан ўзига ҳайкал қўйиб кетди. Шоиримиз кўп йиллардан буён асарни ўгираётир, лекин таржима адоғига етмаётибди. “Илоҳий Комедия”дек шоҳ асарни ўзбекчалаштириш ҳазилакам иш эмаслигига имон кел-тириб, шоирни маънавий қўллаб, бу ишда илҳом ва сабр-тоқат тилаймиз.

“Данте уч мисрага жойлаган маъно Гётеда бир са-ҳифани, Гюгода бутун бир томни эгаллайди”, — дейди бир хатида Ромен Роллан. Қелажакда Абдулла Орипов таржимаси сатрма-сатр ўрганилади, орифона мисралар-да конгениал жаранглаган Дантенинг маъно жавоҳирла-ри қадрига етадиган авлод етишади. Ушанда улар ҳам она тилимизнинг буюк қудрати қаршисида лол қоладилар.

Сўз адоғида эзгу бир тилак. Шоиримиз “Дўзах” йўл-ларида қолиб кетмай, “Аъроф”дан омон-эсон ўтиб, “Жаннат”га етишсин. Шунда буюк Дантенинг улуг На-войи тилида сўзлашуви тугал бўлади, икки даҳо учра-шуви тўқис чирой ва салобат касб этади. Шоиримиз бу учрашувда баайни меҳмондўст ва зукко мезбондир.

¹ Ўша асар, 109-б.

ХIII

ЛИРИК ФОЖЕЛИК

Лирик фожелик мунгли ҳиссиётнинг шеърдаги ифодаси сифатида табиий асосга эга. Руҳшунослик инсон эмоциясини ижобий ва салбий турга ажратади. “Инсонда эмоция турли нарсалардан хурсандлик ёки хафалик, ҳузурланиш ёки беҳузурлик, қўрқув ёки суюниш, ғазабланиш ва бошқа шаклларда ёқимли ва ёқимсиз кечинмалар тарзида юз беради”¹. Мазкур табиий ҳолат сўз санъатига кўчгач, бошқача белги-хусусият олади. Асосийси кечинма асл ҳолатида ёқимли ёки ёқимсизлигидан қатъи назар, санъат асаринда қайта тикланар экан, муқаррар бадий завқ манбаига айланади, яъни албатта ёқимлилик касб этади. Акс ҳолда, яъни ёқимсиз туйғу (ҳаётдаги мунг, ғам-алам одам учун тансиқ эмас) ёқимсиз ифодаланар экан, унда санъат асари яралмаган бўлади, бадий завқ туғилмайди. Демакки, лирик фожелик юксак бадийлик заминида вужудга келади.

Ҳиссиётнинг турли-туманлиги, сўз санъатининг чексиз имконияти ҳамда бадий асарнинг тинимсиз товланиши лирик фожелик ранг-баранглигини тайин этади.

Болаликни Ватанга менгзашади. Болалик ҳақиқатан ҳам ўзига хос бир ватан. Унинг ўз чегараси, ўз дунёси, ўз теграси бор. Лекин андуҳ шундаки, ушбу суюкли ватанин ҳар бир одам тарқ. этиши муқаррар. Вақтнинг ортга қайтмас оқиши доим мунгли ҳиссиёт қўзғайди.

Одам умри чексиз хотиралар мажмуидан иборат. Яшаб турганинг лаҳза шу пайтнинг ўзида ўтиб, хотирага айланади. “Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун, қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал” (Ғафур Ғулом) дейди югурик вақтни тўхтатолмаган шоир абад ва азал ноиложликдан илинж излаб.

Хотира, айниқса болалик хотираси ширин туйғу. Болаликка хаёлан қайтиши мумкин, лекин жисман қайтиб бўлмайди. Тирикликда бундай йўл йўқ. Мунгнинг мангулиги шунда.

Одам умрнинг ўткинчилигига кўниккан. Лекин баъзан рўй берадиган илоҳий онларда одам вақтни ўткин-

¹ УвСЭ, 13-том, Тошкент, 1979, 221-б.

чилигини енггандай бўлади. Шундай онларда ўтган вақт, айниқса болалик аниқ манзараларда тикланади: юрак орзиқади, унга кўкрак қафаси гўё торлик қилади. Қалб ўша беғубор онларга қайтишга интилади. Аммо қайтиш йўқ. Бори-йўғи соғинч бор.

“Соғинч” (Абдулла Орипов) — уч банддан иборат лирик шеър. Бунинг устига биринчи ва учинчи бандлар жузъий фарқ билан (“қайтгим келаётир” “қайта олсам эди”) қайтарилган. Аммо ушбу уч бандда бутун бир инсоний драма жойланган. Драмаинг воқеий чизгилари бизга маълум эмас, бунга зарурат ҳам йўқ. Поэтик умумлашма қонуниятига кўра ҳар бир сўз рамзий маъно касб этади, ҳамда конкрет шахс— лирик қаҳрамоннинг ҳиссий оламини тиклашда иштирок этади, яъни улар икки жабҳада ишлайдилар. Рамзий ва аниқ маънолар бирикиб, ўтган онлар соғинчи, ортга қайтиб бўлмаслик — якка олам ва бутун одамзод фожиаси ҳақида ҳиссий-фалсафий таассурот уйғотади.

Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.

Бу ҳам манзара, ҳам рамз. Бир неча сўз ёрдамида ҳар бир одамга таниш манзара яққол гавдаланади. Демак, манзаралиги тайин. Шеър ўқиб бўлингандан кейин (“синчков ўқиш” усули) эса рамзлилик ва рамзнинг аниқ маъно доираси маълум бўлади. Дастлаб “булут” ва “осмон” сўзларининг ёндош туришига ва уларнинг эпитетларига эътибор берайлик. Булут — парчагина, осмон — чексиз. Ортга қайтишга интиқ лирик қаҳрамон (“мен”) манзарадаги “булут”га, лирик “мен”га қарши турган куч — Дунё (“Дунёда одамзод яшамас, ахир...”) осмонга беихтиёр менгзалади. Шунда “парчагина” сўзи одамнинг вақт қаршисида иложсизлигини, “чексиз” дунёнинг бепарво поёнсизлигини ифодалашга сафарбар бўлади: “Парчагина”даги “гина” кичрайтирув қўшимчасининг ролини айтмасдан бўлмайди. (Парчагина булут — вақт олдида чорасиз одам.)

“Адир” ўтиб келинган вақт масофаси, “ёлғизоёқ йўл” умрнинг тайин якка-якка кечишини (зеро ҳеч ким қўшилишиб умр-кечира олмайди, ҳар кимнинг умри— ўзиники) рамзий ифодалайди.

Шеър давом этади:

Барча ташвишларни унутиб, шодон
Қайтгим келаётир қошингга буткул.

“Ўтган эса ҳамиша тотли” (“Что пройдет, то будет мило”) дейди Пушкин бир шеърда. Оғир ва ташвишли кезларда ўтмиш, айниқса, тотли туюлади. Ушбу сатрлардан бошлаб лирик мавзу тиниқлашади, лирик “мен” ўзини намоён қилади. Лирик қаҳрамон қайтгиси келаётган манзил — “қошингга” — белгиланади. Аммо у ғоят умумий ва мавҳум. “Қимнинг ёки ниманинг қошига” деган савол туғилиши табиийдек. Лекин, лирикада, хусусан ушбу шеърда бундай саволга ўрин йўқ. Ноаниқлик ожизликдан кучга эврилади. У бирваракайига, шеърхоннинг ёши, қизиқиши, ички маънавиятига боғлиқ ҳолда ўтган вақт, суюкли одам, йўқотилган бахт каби кўплаб тушунчаларни англатиш қудратига эга бўлади.

“Буткул” сўзининг алоҳида хизмати бор. Лирик “мен” ўтмишдан нажот қидирар экан, демак ҳозир унинг учун ғоят нобоп. “Буткул” айти шу нобопликни, лирик қаҳрамоннинг ноиложлик ҳолатини (бораман-у, қайтиб келмайман, елкамнинг чуқури кўрсин) кучайтириб ифодалайди.

Қадимги юнон файласуфи Гераклит “айни бир дарёнинг ўзига икки марта тушиш мумкин эмас” деса, унинг шогирди Кратил, “айни бир дарёнинг ўзига бир марта ҳам тушиш мумкин эмас (чунки баданнинг ҳаммаси сувга тушгунча у аввалги сув бўлмай қолади)” деб қўшиб қўяди.

Мазкур фикр фалсафанинг босиқ тилида жуда сокин. Агар у тайин бир инсоннинг индивидуал ҳаёти билан боғланса, яъни ҳиссиёт оламига кўчса, ҳаяжонли ва фоже бир туйғу пайдо қилади.

Ҳаёт номли дарёга икки бор тушиб бўлмайди. Икки карра яшаш бандасига насиб этмаган. Бир бора яшаш ҳам тинимсиз ўлиб бориш, яъни қайтиш сари муқаррар силжишдир. Ҳозиримиз тинимсиз ўтмишга айланиб боради, шу лаҳзада қўлда бўлган дақиқа “адир ортида” (қўл етмас жойда) қолади, бу мангу давом этади. Ўтган вақтни, ўтмишни қўмсаш, соғиниш туйғуси ҳам мангу қийноқ, ширин изтироб тарзида такрорланаверади.

Лекин шоир тинимсиз вақт оқимини бир лаҳзага тизгинлайди:

Қисмат майин ичдим — аччиқ ва тахир,
Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.

Дунёда одамзод яшамас ахир,
Фақат иродасин синамоқ учун.

Шеърнинг қоқ ўртасида турган бу банд унинг маъно маркази ҳам. Инчунун унга жиддий нигоҳ ташлаш зарур. Туришида у тугалланган бадиий асар таассуротини ҳам беради. Ҳамда унинг маъновий боғланишига эътибор берилса, қизиқ манзара кўринади: учта қуроқ, бир-бирига алоқасиз маънолар сунъий бириктирилгандек.

Биринчиси — “Қисмат майин ичдим — аччиқ ва тахир”. “Қисмат” сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да шундай изоҳ берилади: “Гўё олдиндан белгилаб қўйилган, пешонага ёзилган кўргилик; ёзмиш, тақдир” (II жилд, 585-б.). Қисмат (агар уни тақдир маъносида олсак, албатта ёмон бўлиши шарт эмас. Лекин шеърда айтилишича, унинг майи аччиқ ва тахир, шу туфайли у тақдир эмас, қисмат).

Иккинчи маъно — “Туйдим эҳтироснинг самовий кучин” — биринчи мисрадаги маънога мутлақо алоқасиз, бири боғдан, бири тоғдандек. Бу маъно ёруғ, олдингидан фарқли ўлароқ аччиқ ва тахир эмас, тотли.

Учинчи маъно яна бошқа ёқдан келади: “Дунёда одамзод яшамас, ахир, Фақат иродасин синамоқ учун”. Шундай қилиб, бир банд уч мустақил ва мутлақо алоқасиздек маънолар мозаикасидан иборат.

Аммо улар шу қадар алоқасизмикан? Бир-бирига она-боладай ўхшаш фикрлар бойламидан кўра алоқаси дарҳол кўзга ташланмайдиган фикрлар бойлами балки чуқурроқ маъно берар, бошқа гўзалроқ фикрларга бошлар. Йироқликдан туғилажак бирлик яқин тушунчалар бирлигидан тансиқроқ, шекилли.

Шундай қилиб, йироқ маънолар бирлигини синчиклаб кузатайлик. Банднинг биринчи икки мисрасида, таъбир жоиз бўлса, инсон умри тўла қамралган. Қисмат майи — ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда (истаса-истамаса яшаши керак, Лев Толстой қаҳрамонларидан бири айтганидек, “мен яшайпман ва бунинг учун айбдор эмасман”) кечадиган умр, у аччиқ ва тахир, унда лаззат йўқ.

Лекин бу ҳақиқатнинг ҳаммаси эмас. Одамни аччиқ турмушга боғлаб турувчи суюкли занжир — муҳаббат, унинг меваси — эҳтирос бор. У одамни ўзи билмаган, ўйлаб кўрмаган олий хилқатлар билан боғлайди. Эҳтирос одамни бошқа дунёлар билан боғлаб турувчи воси-

та, ўзига хос туйнукдир, балки. Эҳтирос оғушида биз бир зум ўзлигимизни унутиб, ўзга ҳолатга ўтамиз. Аммо бу бир зумгина давом этади, яна ўзлигимизга, ерга қайтамиз. “Самовий куч” бизни буткул олиб кетолмайди, яна вужуд исканжасига қайтиб тушамиз.

Эҳтироснинг самовий кучи бир зумгина давом этажаги учун дарҳол ўтган замонга ўтади (“туйдим”) ва шу сабаб қисмат майига лаззат бахш эта олмайди.

Учинчи маъно шу тариқа биринчи маънога боғланади. Қисмат майин аччиқ ва тахирлигига қандай чидаш, ҳаётга қандай илиниб яшаш мумкин? Фақат яшамоққа бўлган қатъият, куч-ирода ёрдамида. Лекин бунда ирода ҳаётнинг айрим мушкул дақиқаларида керак бўладиган экстремал ҳолдан ҳаётнинг мазмун-мақсадига айланиб кетмайдими, тириклик охир-оқибатда иродага тобе қолиб, тинимсиз ирода синаш майдонига айланмайдими?

Натижада умр ўзининг илоҳий қадр-қимматини йўқотиб, нима қилиб бўлса-да, яшаш керак деган жониворий ақида тантана қилади.

Лирик исён (“...яшамас, ахир”) сабабини шундай маънолар дастасидан қидирмоқ керак.

Фақат ирода синаб умр кечириш тиришиб яшаш демак. Тиришиш нотабиий, анормал ҳолат, у инсоний—табиий умрга ёт. Фақат ирода синаб кечган умр — аслида умр ҳам эмас.

Банд замирида катта бадний ҳам ижтимоий миқёс бор. Одамзодни руҳий таянчдан айриб (оламни моддий тушуниш, руҳият ҳақидаги ҳар қандай гап идеализм, меҳнаткашни лақиллатиш учун ўйлаб топилган уйдирма тарзида баҳоланиши), уни биологик жонивор ҳолига тушириш тоталитар (ялпи сиқув) давлатнинг орзуси ва мақсади эди. Одам шунда ўзининг руҳий-маънавий қанотидан айрилиб, жони бор машина, ҳиссиз-туйғусиз темир одамга айланади. Ҳаёт ғоят зерикарли бир нарса бўлиб, умр чидаш билан (яшаш билан эмас) ўтказиш керак бўлган матоҳ ҳолига тушади. Шунда ирода юзага қалқиб чиқади, қадамда керак бўладиган буюм бўлиб қолади ва нақ ҳаётнинг ўрнини эгаллашга бел боғлайди. Унинг хавфли томони—азоб-уқубатни қонуний ва муқаррар қилиб қўяди.

“Инсон чиниқиш учун яратилган”¹. Бу шунчаки гап

¹ Тулқин Расулов. Иккинчи умр. «Тошкент оқшоми», 1991 йил, 21 январь.

бўлмай, тоталитаризм онгга сингдирган инсон умри ҳақидаги, тўғрироғи уни қадрсизланиши ҳақидаги маънум формуладир. (Албатта, гапни ёзган журналистда шахсий ийб йўқ, у жамиятда кенг тарқалган ақидани қайд этган, холос.)

Олмон тоталитаризми назарийчиларидан бири, ёзувчи ва файласуф Эрнест Юнгер ёзганидек, “шаклланиш ҳаётдан зарурроқ”¹. Бундан чиқадиган муқаррар хулоса: бутун кучни шаклланишга қаратиш лозим. У талабга жавоб бермаса, ҳаётни йўқотиш ҳам (“ҳаётдан зарурроқ”) мумкин. Тоталитаризмга хос муттасил қатагон шу тариқа назарий пойдеворга минади.

“Аччиқ ва тахир” қисмат қаршисида қолган, устига-устак руҳий парвоздан айрилган кимсага не қилса-да жон сақлаш учун ёлғиз ирода қолади, холос. Лекин бу яшаш эмас. Ирода тинимсиз синалишга маҳкумми, демак одам ва жамият эркинмас. Иродани чексиз синалиши одам вужуднинг қули бўлиб, вужудда маънавиятга ўрин қолмайди, дегани. Одам кавш қайтарувчи ва насл қолдирувчи жониворга айлана боради, деган сўз.

Ҳолбуки, инсон маънавий ҳаёт учун яратилган. Шундагина у — инсон.

Ўз-ўзича мустақил ҳодисалар — яшаш ва ирода синови бир-бирига қарама-қарши ва бири иккинчисидан устун қўйилиши (худди Э. Юнгерда шаклланиш ҳаётдан устун қўйилганидек) иккинчи ҳодисага (ирода) соя ташлайди. У ҳар қанча зарур бўлмасин, яшашнинг ўрнини босолмайди.

Шундай қилиб, бир-бирига боғланмайдигандай маънолардан таркиб топиб, ижтимоий мазмундан йироқдай туюлган банд синчков таҳлил оқибатида нонинсоний ҳаётнинг лирик (сатирик эмас) инкори эканига гувоҳ бўламиз.

Шеър тугамайди. Бошланғич банд сал ўзгариш билан такрорланади:

Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл,
Барча ташвишларни унутиб, шодон,
Қайта олсам эди қошингга буткул².

¹ Қаранг: Альбер Камю. Бунтуяший человек. М., 1990, 257-б.

² Абдулла Орипов. Йиллар армони. Тошкент, 1984, 268-б.

Сал фарқ — энди “қайтгим келаётир” йўқ. Зотан бутун бир эҳтирослар силсиласидан кейин, қайтиш ҳақидаги истак ноўрин ва бесамар. Шунинг учун “Қайта олсам эди қошингга буткул”. Соғинч бор, у муқаррар ва сокин, аммо қайтиш мумкин эмас, қайтиш йўқ. Ожиз тасалли бор, холос.

Учинчи такрорий банд ўрталик банддаги инкорни лирик инкорга, сўнг ҳазин бир руҳий кайфиятга эндиради. Шу тариқа лирик фожелиқ юзага чиқади.

Дейлик, агар шеър иккинчи бандда тугаганда нима бўларди? Унда чуқур маъноли инкорга асосланган ҳукм қолар, биринчи бандда туғилган лирик оҳанг сўниб, шеър бадий жиҳатдан лат ер ва лирик фожелиқ вужудга келмасди. Айни шу туришидагина у мукаммал санъат асариди.

Шеърда ўтган умрнинг мунг аралаш соғинчи ифода этилган. Мунг аччиқ ва бир пайтнинг ўзида ширин изтироб тарзида берилган. Ширин изтироб шеърятдаги трагизм моҳиятини аниқ ифодаловчи ибора. Лирик фожелиқ натурал фожианинг лирика қонуниятлари бўйича ҳазм этилган қисми ёки ўзига хос фожелиқ дейиш мумкин.

Мотамсаро мазмунли шеър албатта лирик фожелиқка мисолдир, дейиш хато. Агар шеър ўқувчини оғир, мотамсаро куйга солса-ю, енгиллик, ҳузур бахш этмаса, бу турмушдаги дарднинг натурал ифодаси бўлиб, лирик фожелиқка алоқаси йўқ. Ҳаётий дард-алам юксак поэтик ифодаланган тақдирдагина ушбу феномен яралади.

Фожелиқни психология фани нуқтаи назаридан текширган Л. С. Виготский ёзади: “Трагедияда энг муҳими саҳнада кўрсатилаётган воқеа эмас, балки тепада муаллақ турган, воқеа ва сўзлашувлар ортидан гира-шира англашиладиган, ҳис қилинадиган ва сезиладиган нарсаси, фожелиқнинг кўз илғамас руҳидирки, у пьесага тинимсиз тазйиқ ўтказиб, унда образлар ва қиёфалар вужудга келишини таъмин этади”¹.

Бу фикр драматик асарга хос фожелиқ ҳақида. Шунга ўхшаш ҳодиса лирик шеърда ҳам кузатилади. Фақат бунда фожелиқ руҳи пьесадаги воқеа-ҳодисадан эмас, сўздаги ҳис-туйғудан туғилажак шеърини руҳдан келиб чиқади. Шунинг учун лирик шеърдаги фожелиқ соф, балки тайёр ҳолдаги фожелиқ дейиш мумкин. Л. С. Ви

¹ Виготский Л. С. Психология искусства. М., 1986, 365-б.

готский гапидаги трагедия тепасида муаллақ турадиган руҳ лирик фожеликнинг ўзи деса бўлади. Чунки фоже руҳдаги лирик шеърда фожелик концентрати мавжуд.

Тўғри, фоже руҳдаги лирик шеър (бошқа руҳдаги шеър каби) инсон қалбида “ўйнаши”, унинг қалб торларини чертиши лозим, фақат шундагина унинг бадний қувватини — фоже кучини тан оламиз. Асарнинг таъсир кучи унинг баднийлигига тўғри пропорционал — таъсир куч катта бўлса, баднийлик юксак ёки тескарсин: кичик таъсир куч бадний ноқислик аломати. Демак лирик фожелик юксак баднийлик ҳосиласи.

Шундай қилиб, лирик фожелик нима? Тириклик ҳақидаги оғир, изтиробли ўй-фикрлар лирик йўсинда юксак бадний маҳорат билан ифодаланиши лирик фожеликни вужудга келтиради. Лирик фожеликнинг ўзига хослиги лириканинг бошқа адабий турлар — эпос ва драмадан — фарқидан келиб чиқади. Тармоқли сюжет, турли-туман характер ва улар орасидаги муносабатлар силсиласи лирик шеърда бўлмаслиги фожеликни характерлараро муносабатлардан бевосита ҳиссиётга кўчиради. Бинобарин, лирикада ҳиссиёт фожелиги ёки фоже ҳиссиёт мавжуд бўлади, дея хулоса қилиш мумкин.

Яна шеърга қайтайлик.

Ижодкор ўз асари замиридаги турли-туман маъноларнинг барчаси учун масъул эмас. Лекин уларга бифарқ ҳам эмас. Асар қанча бадний бақувват бўлса, маънолар шунча теран ва кўп бўлади. Шоир, табиийки, ушбу маъноларнинг асос пойдеворини қўйган яратувчи зот. Бинобарин, шеърдан тараладиган тарам тотли маънолар алал оқибат ижодкор шон-шухратига бонсдир.

XIV

НАЙНИНГ НОЛАСИ — КИМНИНГ НОЛАСИ

Шоирнинг “Най” номли муъжаз шеъри бор. У бор-йўғи тўрт банд — ўн олтига тўққиз ҳижоли қисқа мисрадан иборат. Лекин у улкан бир бадий асар таассуротини беради. Шу маънода у митти шоҳ асар. Юксак бадийлиги туфайли муайян илмий қийматга эга. Воқеабанд шеърларда фожелик—трагизм белгиларини ўрганишда “Най” нақ ноёб топилма. Ҳатто ўйлаб қоласиз, шеърда фожелик категорияси, унинг муҳим таркибий унсури — катарсис моҳияти бадий йўсинда акс этмадимикан? Саволга шеърни изчил таҳлил қилиш орқали жавоб топиш мумкин.

Шеърдаги “воқеа” қуйидагича кечади. Қамишнинг бахтли онлари — дастлабки икки мисра, одамларнинг қамишга кўрсатган жабри — 3—8-мисралар, бу жабрга қамишнинг (энди у най) жавоби — 9—12-мисралар, одамларнинг най жавобига акс жавоби — 13—16-мисралар. Сўнгги бандни трагик ечим ҳам дейиш мумкин.

Асарнинг схематик баёни шундай. Лекин ушбу кичик шеърий майдонда бутун бир фоже воқеа содир бўладики, шоир иқтидори ва шеърятнинг соҳир кучига тан берасиз. Шеър — гўё митти трагедия ва унинг тўрт пардасида воқеалар қуйидагича кечади.

1. Яшнарди у адирда дуркун,

Эпкинларга очганча қучоқ.

Сарлавҳада “най” турса-да, матнда бу сўз йўқ, фақат “у” ва “қамиш” сўзлари бор. “У” бир пайтнинг ўзида ҳам қамиш, ҳам най. Ўтган замондаги феъл “яшнарди”дан маълум бўладики, гап найнинг бахтли ўтмиши, табиат қўйидаги эми-эркин ҳаёти ҳақида.

2. Келдилар-у одамлар бир кун

Танасига солдилар пичоқ.

Қуёшли очиқ кунда ногаҳон қора булутлар босиб келиб, тўс-тўполон бошланганидек, қамишнинг оғир кунлари бошланади. Ёвузлик сабабчиси—одамлар, рўй бериш пайти — “бир кун”. Бу жуда аниқ ва ўта ноаниқ жумла. Зеро, яхши-ёмон жами воқеалар шу “бир кун”-да содир бўлади. У энг қувончли ва энг бадбахт кун ҳам бўлиши мумкин. Қамиш ҳаётида у энг бадбахт

кун. Унинг машъум жаранглаши ҳам шундан. Биринчи қисмдаги “қучоқ” сўзига қофиядош бўлиб “пичоқ” келган. Маъно ва оҳангдаги кескин фарқ, бирининг иссиқ тафти-ю, иккинчисининг совуқ жарангги қамиш дучор бўлган ногоҳ кулфатни аниқ гавдалантиради.

Айирдилар аввал кўзидан,
Сўнг бағрини олдилар ўйиб:
Етмагандай бу ҳам, бўғзидан
Пуфладилар лабларин қўйиб.

Бу ерда тасвирланган ҳолат ҳақиқатдан даҳшатли. Фақат шу шарт биланки, биз қамиш ўрнида одамни тасаввур қилсак. Чунки қамиш жонсиз нарса, унга қилинаётган жабр одамда раҳм-шафқат ҳиссини уйғотмаслиги мумкин. Шундай бўлади ҳам — ушбу даҳшатли ҳолат ҳақиқий кулфат сезгисини қўзғамайди. Чунки онгимизда мусиқа асбобининг ясалиш жараёни ҳақидаги билим фожиага арзирли воқеанинг фожелигини юмшатиб-туради ва одатдаги воқеа таассуротини беради. Аммо икки ҳиссиёт — фоже ва нофоже доимий мувозанатда, тарози палласидек қалқиб туради. Воқеа фавқулодда йўсинда баён қилинганки, қамишга қилинаётган жабр одамга қилиниши мумкин бўлган жабрга жула-жуда ўхшаб кетади.

Хуллас, ушбу қисмда икки қарама-қарши ҳиссиёт — қамишнинг кулфатзада ҳолати ва чолғу асбобининг ясалиш жараёни. Бири поэтик ҳиссиёт бўлса, иккинчиси одми, шеърятга даҳлсиз кундалик воқеа. Қамишни тўлиқ фоже образ дея олмаймиз, бир пайтнинг ўзида унинг холига ачинмай ҳам иложи йўқ.

3. Кўрмаганди бунчалар хўрлик,
Ҳатто аёз тилганда юзин.
Аламига чидолмай шўрлик,
Нола чекиб юборди узун.

Найга айланган қамишнинг ҳазин аламли овози унга ўтказилган жабрнинг акс-садоси. Бу жабр қамиш учун буткул янги ва нотабий. Унга ўз оламидан ташқарида бўлган куч тазйиқ ўтказаётир. Ҳатто юзини тилган “аёз” ҳам унга ёшликдан таниш, ўзи қучоқ очган эпкинларнинг қишки нафаси. Одам эса буткул ёт, бегона. Ундан кўрилган хўрлик шу боис оғир ботгулик.

4. Одамлар-чи, тўпланди шу он
Фарёдига қилолмай тоқат,

Бир қамишни йиғлатиб чунон,
Сўнг ўзлари қилдилар роҳат.

Бу қисм “одамлар-чи” — ҳам сўроқ, ҳам таъна, ҳам ҳайронлик жо бўлган калимадан бошланиши бежиз эмас. Биринчи қисмда одамлар жафокор — “Келдилар-у одамлар бир кун, Танасига солдилар пичоқ” ва ҳ.к. Улар қамиш азобларининг бош сабабчиси. Шеър охирида уларнинг феъли бутунлай ўзгармаса-да (“бир қамишни йиғлатиб чунон...”), лекин мураккаблик, зиддият касб этади — “Фарёдига қилолмай тоқат... Сўнг ўзлари қилдилар роҳат”. Бировнинг йиғлашию азобланишидан роҳат қилиш. Бу нономал ҳодиса бўлиб, бошқани қийнаб лаззатланиш маъносида махсус атамага (садизм) ҳам эга ва бу фақат ёвуз ёки носоғлом кимсаларга хос иллат. Баъзилар шеърдан шундай маъно чиқади, деб ҳисоблаб, уни шоирнинг бадий хатоси дейишга мойиллар. Аслида хато бўлиб кўринган нарса — бадий теранлик, ғалатилик — ғайриоддий бадийликдир. Ҳар бир ғалати нарса хато бўлмай, баъзан ва кўпинча ҳодисанинг теранроқ ифодаси бўлиши мумкин. Тушунилмаган нарса дастлаб хато туюлади кўпинча.

Жабрдийда қамиш найга айлантирилди. Аламидап чекиб юборган узун носаси шу нола чекилишига сабабчи бўлган одамлар қалбини ўртайди, ўзига ром этади. Бир қамиш йиғлашидан одамлар роҳат қилишар экан, демак, улар қалбида лак-лак йиғи бор. Қалбда дард бўлмаса, дард изҳоридан роҳатланиб бўлмас. Дард-аламларини азбаройи унутиш учун, одамлар чолғу асбобини йиғлатадилар, аниқроғи қўшилиб йиғлайдилар. Найнинг носаси қайта тирилган алам, яъни аламнинг бадий инъикоси бўлиб, ҳақиқий алам кучини бир қадар синдиради. Аниқроғи, алам куйга айлангач, гўзал ва ёқимли тус олади.

“Фарёдига қилолмай тоқат” сатрининг замирига боқайлик. Қамишнинг фарёдига ўзлари сабаб, қилғиликни қилиб, энди эса фарёдига чидолмайдилар. Одамларнинг қарама-қарши икки ҳолати. Одам вужуди — зиддиятлар уяси. Лекин одамзот моҳиятан битта вужуд, бировига қилган жафо қай бир жиҳати билан ё жазо, ё маънавий азоб тариқасида ўзига қайтади. Бу — чексиз марта рўй берган ва бермоқда. Эркин Воҳидов машҳур “Инсон” қасидасида ёзганидек:

Сен бало, ҳам мубтало,
Хайр ила кин, расту риё,

Фитнагар олам аро
Фаттон ўзинг, қурбон ўзинг.

“Най”га қайтайлик. Қамнш бир жафокаш каби ба-
лога мубтало бўлди. Аммо азобига овоз — ифода топди.
Бу ифода куй эди. Аламдан туғилган куйни тишглаб,
одамлар роҳат қилишди. Одамзот шундай бир қавмки,
ўзига ўзи азоб орттиради. Ва шу азобнинг ифодаси
бўлмиш трагик санъатдан роҳат олади, завқ туяди.

Шунда шеърдаги бадий сир аён бўлади. Бирламчи
маъно бўйича ҳақиқий фоже қаҳрамон қамиш эмас,
аксинча бир қамишни чунон йиғлатиб, сўнг ўзлари ро-
ҳат қилаётган одамлардир¹. Найнинг азоблари бунча-
лик аниқ, жонли қилиб тасвирланиши ҳақиқий фоже
қаҳрамон — одамларнинг трагик қисматини қабарти-
ришга хизмат этаётгани маълум бўлади.

“Одамлар” яхлит трагик қаҳрамондир.

Узун нола тортиб юборган най — яшнаб турган ке-
чаги қамиш — жафокаш, жабрдийда инсонга тимсол.
Хусусан, у буюк ижодкорларга ҳам тимсол. Одатда
буюк ижодкорларни жаҳоний алам етиштиради. Улар-
нинг ҳаммаси най каби аламангиздир. Шеърда буюк
ижодкорнинг трагик қисмати ҳам акс этган. Шу ту-
файли, найнинг носиси айна пайтда жабрдийда, ижод-
кор инсон носисидир. Шеърни митти трагедияга ай-
лантирган бадий омил шунда.

Ўзлари азоб бериб, ўзлари азоб чекиб, ўзлари ҳу-
зур қиладилар. Охиргиси санъат босқичи бўлиб, тра-
гик санъат турмушдаги кулфат — фожиалардан фо-
риғ бўлишда зарур ҳаётий восита сифатида пайдо бўл-
ганки, таскин — трагик санъатнинг бош вазифаси.

Одамлар шеърда ҳам иштирокчи, ҳам томошабин.
Иштирокчи сифатида қамишга азоб бериб, нола чекиш-
га мажбур қиладилар. Томошабин сифатида қамиш
азобидан туғилган куйдан лаззат оладилар.

Аристотель “Поэтика” асарида трагедияга қуйида-
гича таъриф берган: “Трагедия муайян ҳажмли, турли
қисмлари турлича сайқалланган тил ёрдамида, баён
воситасида эмас, балки хатти-ҳаракат орқали кўрса-
тиладиган ва изтироб билан инсон руҳини покловчи
муҳим ва тугал воқеа тасвиридир”². Бундаги “изтироб
билан инсон руҳини покловчи” жумласи катарсис ҳо-

¹ Бу сўзни умумлашма ҳолда тушунмасдан, гап шеърдаги
«одамлар» образи ҳақида кетаётганини эсда тутмоқ лозим.

² Аристотель. Поэтика. Тошкент, 1980, 16-б.

дасини ифодалайди. “Най”нинг охирги бандини катарсиснинг бадий таърифи деса бўлади.

“Бир қамишни йиғлатиб чунон, Сўнг ўзлари қилдилар роҳат” — бадиятдан лаззатланиш, азобнинг мусиқий изҳоридан завқ туйишдир. Айни шу завқ инсон моҳиятан **Жафокаш** зот эканлигини зоҳир этади. Акс ҳолда у жафо изҳоридан завқ туя олмасди, ўзганинг фарёдига тоқат қилар, яъни ҳиссиз-ҳаяжонсиз темир одам — роботларга айланар эди. Не бахтки, бундай эмас.

Айтилганлардан кўринадики, воқеабанд шеърларда лирик фожелик кўпинча қўшалок идрок воситасида юзага чиқади. Агар бирламчи идрок билан чегараланиб қолсак, асарнинг бадий маъзани чақа олмай, моҳиятига етмай, аро йўлда тўхтаган бўламиз. Шеър ҳақида чала тасаввур — чала ҳақиқат ўрнашиб қолади.

Алқисса, найнинг ноласи кимнинг ноласи?

XV

“СОҲИБҚИРОН” ДРАМАСИ

Таниқли шоир Абдулла Орипов Туркистонда улуғ салтанат яратган соҳибқирон Амир Темур ҳақида шеърӣ драма битди. Уни Қашқадарё вилоят театри сахналаштирди.

Бир жиҳатдан Амир Темур ҳақида асар яратиш осон кўринади. Бу улуғ сиймо ҳақида бутун жаҳонда асрлар давомида сонсиз-саноқсиз илмӣ ва бадий асарлар яратилган. Уларнинг талқини ҳам ҳар хил. Бир хилларида Темурнинг жаҳон тарихи олдидаги хизмати мамнуният билан қайд қилинса, иккинчи бирларида унинг тарихдаги ўрни қораланади. Тарих тараққиётига зарар етказган шахс сифатида кўрсатилади.

Иккинчи жиҳатдан ўз вақтида дунёни ларзага солган бу жаҳонгир ҳақида асар ёзиш анча мушкул иш кўринади. Чунки бу улуғ шахснинг ҳаёти, унинг жаҳонгирлик фаолияти тарих мулкига айланганлигига маъна 660 йил бўлаяпти. Бу давр ичида унинг фаолияти ва характер хислатларига тегишли айрим нуқталар хиралашган, баъзилари эса ўчиб кетган бўлиши мумкин. Уларни тарих мантиқига қараб қайта тиклаш зарурдир.

Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Соҳибқирон ҳақида ўзига хос асар яратиш учун унинг ҳаёт йўли, бутун фаолиятини умуминсоний ўлчовлар тарозисига солиб кўриш керак бўлади. Демак, унинг фаолиятига хос ахлоқий ва фалсафий қирраларини аниқ ва лўнда қилиб очиқ бера билиш ҳам керак. Шу маънода Амир Темур образини яратиш учун қўлига қалам олган адиб ноёб истеъдод эгаси бўлиши ва образ яратиш мактабига эга бўлган санъаткор бўлиши зарур. Бугун қатор шеърлари, поэмалари, драматик талқинлари билан танилган Абдулла Орипов бу талабларга жавоб бера оладиган истеъдодлардандир.

Абдулла Орипов илк шеърларидан бошлаб Темур мавзусига муносабат билдириб келди. Бироқ ҳар гал унинг фикр ва мулоҳазалари қиёмига етмай қолиб кетарди. Бунга сабаб битта: мафкуравий яккаҳокимлик давридаги қатағонлик, ўзбошимчалик.

Бугун мустақиллик даврида Темур фаолиятига тегишли ҳамма туғонлар олиб ташланди. Халқимиз билан баробар тарихимиз ҳам, жумладан Амир Темур ҳам эркинликка чиқди. Ижодкорлар бу образни яратишда ўз маҳоратларининг барча жилоларини ишга солишга имкон топдилар.

Тарихан Амир Темур фаолиятининг жуғрофияси бениҳоя кенг. Уни банд қилган ва ечимига интилган муаммолар ҳам ҳисобсиз. Жаҳонгирнинг характер қирралари ҳам ранг-баранг. Абдулла Орипов бу кенгликлардан, муаммолардан, ранг-барангликлардан энг зарурларини, энг маънодорларини топа олган ва акс эттира олган. Зотан адабиёт ва санъатнинг қудрати ҳам шунда. Масалан, Амир Темурнинг онгли ҳаёти жангларда ўтган бўлса ҳам шоир бу жанглардан биттасини — Боязид билан бўлган жангнинг қисқа тафсилотини бериш билан чекланади. Асарнинг охириги қисмида Хитойга юриш тараддуллари ҳақида гап кетади холос. Жаҳонгирликка тегишли бошқа воқеалар кўпроқ маълумот сифатида санаб ўтилади. Шунга қараб баъзилар асарда “драматик ҳаракат кам экан” деган фикрга келишлари ҳам мумкин. Аммо унга чуқурроқ назар ташласак, бутунлай бошқа бир манзара пайдо бўлади. Шоир воқеаларнинг ташқи белгиларидан кўра, уларнинг ички маъносига урғу беради. Уни асосан Темурнинг ўй-орзулари фикр ва кечинмалари, фалсафий мушоҳадалари банд қилади. Шу орқали у йирик-йирик воқеалар силсиласини таҳлил қилиб беради.

Абдулла Орипов талқинида Темур ўз қилмишларини ўзи назорат қила оладиган бир шахс. Ўз иқрорига қараганда, у онадан шамшир билан туғилган эмас, ёшлигида йилқи боққан, қир ва адирларда шодон яйраган. Юлдузларга қараб баъзан байтлар битган...

Бироқ бу шодонликлар узоқ давом қилмаган. Ингитлик давридан бошлаб қисмат унинг қўлига қилич тутқазган. Аслида бу тарихий зарурат эди. Асрлар давомида Туркистон чингизийлар қўлида бўлди. Туроннинг мард ўғлонлари элини, юртини озод қилиш учун қўлига қурол олдилар, кўплари бош қўйдилар бу йўлда. Темур шу заруратнинг маҳсули эди. Шоир Темур тилидан буни қуйидагича таърифлайди:

Мени мана кўриб турибсиз,
Боз устига фотиҳ дея ном олган Зотман.
Одам қавми ўз қисматини саҳроларида
Ташналикдан лаби қақраб тентираган чоғ,

Култум сувдек керак бўлдим шекилли унга:
Чексиз чулда инсоният карвони тарқаб,
Бир-бирин тепиб,
Суриб ғужғон бўлган пайт,
Мен уларни илга тиздим бир сарбон бўлиб.

Демак, Темур фаолиятида тарих қонуниятлари бор.
Бу қонуниятларни ҳаммадан бурун унинг ўзи англаган.
Шу боисдан от минган, қўлига қилич олган.

Асарнинг бошқа бир жойида Амир Темур ўзининг
бу иқдорини яна ҳам чуқурроқ далиллайди: “Мен чигал
бир даврда яшадим”. Ҳа, у яшаган давр ҳақиқатан
чигал эди. Асрлар давомида чингизийлар унинг вата-
нини таладилар, емирдилар, буздилар. Мамлакатнинг
нуфузига чексиз зарар етказдилар. Асрлар оша чингизий-
лар ҳукмрон бўлса ҳам халқ курашдан толмади. Темур
сўзлари билан айтганда, у бу курашда урилиб-сурилиб
юрган ватанпарварларни йиғди ва унга бошчилик қил-
ди. Темур тарихий чигалликка яна ишора қилиб, дейди:
“Ўлдирмасанг, ўлдирурлар!”

Демак, курашнинг оқими ё ҳаёт, ё мамот эди.

Жаҳон тарихида юришу курашларнинг ҳар хил йў-
налишда рўй бергани маълум. Бироқ Амир Темур фао-
лияти аниқ маслак асосида рўй берган. Асарда айтил-
ганидек, у на бойлик орттиришга қизиқади, на маишат-
га. “Менга етгай бир бурда нон ҳам”,— дейди у, ўзи
ҳақида кейин айтилиши мумкин бўлган бўҳтончилар
билан баҳсга киришгандек. У от миниб, қилич кўтариб
ватан деди, ислом деди, адолат деди. Орттирган мол-
мулкани фақат шаҳарлар қуришга, йўллар ўтказишга,
сувлар чиқаришга, боғ-роғ яратишга сарф қилди у.
Мамлакатда қаттиқ тузгун ўрнатди. Мана унинг ўз
курашининг яқуни бўлмиш тартиб-тузғунининг белги-
си:

Ҳиндистондан Болқонгача бирор болакай
Боши узра олиб ўтса лаган марварид,
Йиллар оша улғаяди болакай, аммо
Бир дона ҳам тўкилмагай ўша лагандан.

Абдулла Орипов талқинида Амир Темурга қувват
бериб турган куч бор. У ҳам бўлса, Турон кўрки, Тур-
кистон келажаги. У ҳар бир ватанпарвар инсон сингари
ўз ватанидан, она тупроғидан мадад олади. Шу маъ-
нода ҳаёти охирлаган чоғларда дейди:

Биз ким, мулки Турон,
Амири Туркистонмиз.
Бизким миллатларнинг
Энг қадими ва энг улуғи
Туркнинг бош бўғинимиз!

Қанчадан қанча ғурур, қанчадан қанча ўз ҳаёти
ва фаолиятдан қаноат бор бу сўзларда!

Шоир галқинида Темурга Оллоҳ қай даражада зул-
матга қарши қаҳр берган бўлса, шу даражада меҳр
ҳам берган. Шу маънода у баъзилар ўйлаганидек ўта
бешафқат шахс эмас. У оддий инсон фарзанди. Жанг-
ларда юриб ҳам бетоб фарзанди ёки невараси ҳақида
ўйлашга қодир. Келин (Хонзодабегим) қисматини ўй-
лаб ўғли (Мироншоҳ)ни жазолашдан ҳам қайтмайди
у. Бугунгача элимизни дунёга танитиб турган Самар-
қанд, Шаҳрисабз, Туркистон обидаларини яратган
устаю меъморлар соҳибқирон меҳридан баҳра олган-
лиги турган гап. Саркарданинг маънавият оламига қўй-
ган меҳри чексиз экани Ҳофиз Шерозий билан шеър-
ят хусусидаги баҳсларидан маълум. Унинг санъатга,
хусусан шеърятга бўлган муҳаббати Ҳофизга қараб
айтган қуйидаги сўзлардан кўриниб турибди.

Энди бир байт ҳадя қилсин Сизга Темур ҳам:
— Ўз лафзидан тинглаш учун Ҳофиз шеърини,
Қайта бошдан забт этардим Эрон ерини.

У жанг майдонида таслим бўлган душманига ҳам
ғазабнок муносабатда бўлишдан ўзини тия билади.
Жангга кириб душманга қарши қурол кўтариш осон иш
эмас. Жон олиб, жон беришларда ҳар бир жангчига
кимнингдир меҳри зарур эканлигини соҳибқирон яхши
билар эди. Шу боисдан унинг лашкарларга бўлган меҳри
чексиз. Ҳар бир саркарда, ҳар бир суворий унинг на-
заридан туради. Қаҳрамонлик кўрсатган жангарилардан
ўз марҳаматини аямайди. Қўшин унинг учун салта-
натнинг устунларидан биридир.

Асарнинг, хусусан драматик асарнинг қиммати кўп-
роқ ечимга боғлиқ. Ечим қай даражада маънодор,
қай даражада ҳаётий бўлса, асар шу даражада му-
камалдир. Бир зум юқорида қайд қилинган Темур
фаолиятига тегишли воқеаларни хаёлдан ўтказайлик.
Агар уларни шу бўлишича қабул қиладиган бўлсак,
драма “маълумотлар” йиғиндисидан иборат бўлиб қо-
лар эди.

Асарнинг охирги пардасида берилган ечим бу маълумотларга катта ва муҳим эстетик маъно бағишлайдики, бу Абдулла Орипов маҳоратининг маҳсулидир.

Темур Хитой томон лашкар тортади. Тун. У ўзи қурдирган Яссавий мақбарасида. Яссавий руҳидан оқ йўл тиламоқчи у. Шу ўринда пайдо бўлиб қолган Ҳазрати Хизр ва унинг қиёфасида намоён бўлган Яссавий.

Асарнинг юқоридаги қисмларидан маълумки, Темур барча азиз авлиёлар ичида кўпроқ Яссавийга снғинган. Эндиликда умр бўйи уни қийнаб келаётган муаммолар шу ерда, яъни Яссавий ҳузуринда ҳал бўлиши керак.

Темур адолат учун жангу жадал отига минган. Шу йўлда у тумонот шаҳарларни, эл-элатларни қўлга киритган жаҳонгир. Бироқ у умрини бағишлаган жангу жадалларни катта олов тарзида тасаввур қилайлик. Бу оловда ҳўлу қуруқ баробарига ёнган. Айрим ҳолларда бегуноҳ одамларнинг қони тўкилган. Бунини Амир Темур яхши билади. Энди умр охирига етай деб қолганда Соҳибқирон сарҳисоб қилади. Бунинг учун унда катта ирода кучи ҳам бор эди.

Тинсиз жангга жадал билан ўтди ҳаётим
Балки қанча умрларга зомин бўлганман.
Охиратда этагимдан тутмасми улар?

Темур Яссавийдан бу саволга жавоб олмоқчи. Яссавийнинг жавоби аниқ эди:

Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур,
Қилич билан мурод ҳосил бўлмоғи гумон.

Иккита улуг сиймо, иккита фалсафа. Бирини адолат ўрнатиш учун юриш қилади, қилич тортади. Бу йўлни бирдан бир тўғри йўл деб тушунади.

Иккинчиси инсониятни инсофга чақиради. Унинг қиличи ҳам, лашкари ҳам битта — Сўз. Сўз билан у кўнгилларни забт этмоқчи. Шу билан сонсиз-саноқсиз қўшинлар амалга ошира олмаган эзгу ишларни бошқармоқчи.

Темур ўз ақидаларидан бир қадам ҳам силжимоқчи эмас. Агар у маҳв этмаса, уни маҳв этадилар. У Яссавийдан фақат мадад сўраяпти холос.

Иккинчиси ҳам ўз ақидаларига содиқ. Темурни йўлдан қайтармоқчи. Адолат учун қон тўкиб, озгина бўлса ҳам адолатсизликка йўл қўйишга қарши у. Шу

йўсинда Темурни охирги сафардан қайтармоқчи. Бироқ Темур бамисоли арслон. У изидан қайтмоқчи эмас.

Хуллас, асар ечимида Темур бутун ҳаётига яқун ясайди. У англайки, адолат учун олиб борилган жангу жадаллар Темур ўйлаганича доим ҳам адолатли бўлавермаган.

Бу жиҳатдан Абдулла Орипов драмаси маълум даражада фожей йўналиш касб этади. От суриб, қилич тортиб қарийб дунёнинг ярмини забт этган ва улуг салтанатни тиклаган жаҳонгир ўз фаолияти хусусида ўйга толади. Бу ишларнинг маъносини чақмоқчи бўлади. Шу маънода саркарда қисмати фожейдир. Шоир талқинида бу ҳол ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Темур қисқа умри давомида бир неча умрлар қила олмайдиган ишларни бошқарди. Бу ишда қуруғи билан баробар ҳўли ҳам ёнгани, айрим адолатсизликка йўл қўйилгани ҳам табиий. Бироқ Темур ишларининг якуни — улуг. У Турон салтанатини яратди. Тарикдай сочилган тарқоқ миллат ва халқларни бирлаштирди. Оврўпо тили билан айтганда, “Ренессанс” деб аталадиган мислсиз маданият кониши барпо қилди. Учмас обидалар қурдирди. Мамлакатни бошқариш тартиб-тузгунларини яратди. Буларнинг ҳаммаси Темурдан қолган меросдир бизга. Соҳибқирон фаолиятининг қимматли томонлари ҳам шунда. Абдулла Орипов бу меросни тўла англаган ҳолда қалам тебратган.

ИСТИҚЛОЛ ШЕЪРИЯТИ

(сўнг сўз ўрнида)

Мустақиллик кайфияти ватандошларимиз ва миллатдошларимиз онгига, шуурига кун сайин чуқурроқ сингиб бормоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-иқтисодий ҳаётини бу кун Истиқлолсиз тасаввур қилиш амри маҳол. Ана шу кўпқиррали ва кенг миқёсли жараёнлар мустақилликнинг умуммиллий қимматга эга ҳамда халқимиз тарихида туб бурилиш ясаган улкан воқеа сифатида тадрижий ўсиш ва рўёбга чиқиш босқичларини ҳушёр назар билан таҳлил этишни тақозо қилади.

Бу жиҳатдан бадиий тафаккуримизда олтмишинчи йилларда вужудга келган ва натижада адабиётимизнинг кейинги тараққиёт йўлини белгилаган қизғин кўтарилиш ва уйғониш алоҳида, ўзига хос давр сифатида эътиборга лойиқдир. Халқимиз миллий онгининг ўсишига улкан таъсир қилган ўша янгиланишлар ўз навбатида умуммиллий-ижтимоий уйғонишнинг эстетик инъикоси эканлигини асло эсдан чиқармаслик керак. Миллий дард ва кулфатларни иложи борича ифодалашга уринган шеърятимиз эришган ютуқлар, хусусан, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Зулфия каби забардаст санъаткорларимизнинг ўша вақтдаги ижоди халқимиз дунёқарашининг ёришишига, ватанпарварлик туйғуларининг аниқ миллий мазмун касб этишига каттақон ҳисса бўлиб қўшилганлиги бу кун кўпчиликка сир эмас. Устозлар жасоратидан руҳланиб ва маънавий мадад олиб, олтмишинчи йиллар бошларида шеърят даргоҳига дадил кириб келган ўнлаб қаламкашларнинг ижодий изланишлари ҳам бу нуқтаи назардан ибратомуз бўлиб, бугунги Истиқлол чоғларида гоят қадрли туюлади.

Адабиётимизда ўттиз-ўттиз беш йил бурун пайдо бўлган ўша буюк ва навқирон тўлқиннинг энг истеъдодли вакилларида бири Абдулла Ориповнинг сеҳрли ва юксак шеърятини ўзининг мўъжизавор қудрати ва шиддаткор жасорати билан минглаб, миллиёнлаб қалбларни ҳамон ҳайратлантириб келмоқда.

Абдулла Орипов XX аср ўзбек адабиётининг забар-

даст намояндаларидан биридир. Хусусан асримиз иккинчи ярмидаги шеърятимизни унинг ҳайратомуз ва бетакрор асарларисиз тасаввур этиш амри маҳол. Миллий Истиқлол адабиёти тарихидаги иккита асосий ва ўзига хос босқичдан бири жадидлар, айниқса, Фитрат, Чўлпон ва Қодирийларнинг адабий ва ватандошлик жасорати билан узвий боғлиқ бўлса, олтмишинчи йиллардан бошланган иккинчи тўлқин Абдулла Орипов ҳамда авлодошларининг фидойи ижодий фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Улкан миллий шоиримиз ижоди деярли қирқ йилдан буён адабий жамоатчилик ва эстетик фикрнинг диққат марказида туриб келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Абдулла Орипов номи юртимиз сарҳадларидан олис-олисларда ҳам кенг тарқалган санъаткорларимиздан саналади. Нафақат қондош ва қариндош жумҳуриятлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистону Озарбойжонларда, балки собиқ Иттифоқнинг барча олис-яқин марказларида, адабий доираларда шоирни жуда яхши билишади. Ярослав Смеляков, Сергей Баруздин, Евг. Евтушенко, Роберт Рождественский, Римма Казакова каби таниқли рус шоирлари ва қатор истеъдодли рус забон таржимонлар Абдулла Орипов шеърятининг фавқулодда даражада табиийлигини ва улуғворлигини тан олганлар. Унинг бениҳоя миллий, ўзбекона сўз дунёсини ўз тилларида қайта тиклашга ва қайта яратишга интилганлар. Ҳа, Абдулла Ориповнинг ўз жонажон халқига ва умуман, Инсонга, Эзгуликка, юксак маънавий қадриятларга теран муҳаббат билан суғорилган соҳир шеърятини аллақачонлар Ватанимиз ҳудудларидан узоқ-узоқларда ҳам маълум ва машҳур бўлиб кетган. Расул Ҳамзатов, Расул Ризо, Қайсин Қулиев, Давид Қўғилтинов, Мустай Карим, Бахтиёр Ваҳобзода, Олжас Сулеймонов сингари замонамизнинг улуғ шоирларининг Абдулла Орипов ҳақида айтган дил сўзлари, ҳатто, унинг илк шеърларини, биринчи адабий чиқишларини ўқиб билдирган башоратлари фикримизнинг далилидир.

Устоз-шоғирд адабиётшунослар, ЎзРФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Матёқуб Қўшжонов ва филология фанлари номзоди Сувон Мели қаламига мансуб ушбу китоб ардоқли санъаткоримиз ижодини кенг қамровда ва теран ёритиш борасидаги дастлабки уринишидир. Тўғри, Абдулла Орипов шеърятини ҳақида ҳозиргача жуда кўп ўй ва мулоҳа-

залар билдирилган, она тилимизда ва бошқа тилларда ўнлаб мақолалар битилган. Бироқ шоир дунёсини кенг миқёсда таҳлил ва тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган китобга анчадан буён эҳтиёж сезиларди.

Мазкур китоб, биринчидан, Мустақилликка эришганимиздан кейин, умуман XX аср ўзбек шеъриятининг алоҳида йирик намояндаси ҳақида яратилган дастлабки илмий тадқиқотлардан бири сифатида диққатга сазовордир. Иккинчидан эса, Абдулла Орипов шеъриятини янгича эстетик мавқедан туриб талқин қилган мазкур китоб шоир ижодини узоқ вақтдан буён кузатиб, унга фаол ва мунтазам муносабат билдириб келаётган заҳматкаш ва атоқли адабиётшунос олимнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида вужудга келганлигидир.

Китобнинг асосий фазилатларидан яна бири муаллифларнинг шоир ижодини — илк асарларидан то шу кеча-кундузда ёзилган асарларигача — бутунисича қамраб олишга интилишидир. Абдулла Ориповнинг дастлабки қалам тажрибалари, лирикасининг мумтоз намуналарию жаҳон адабиётидан қилган таржималари, кейинги даврда ёзилган асарлари мунаққидлар эътиборидан четда қолмаган. Хусусан, шоир ижодида муҳим ўрин тутган “Жаннатга йўл”, “Ҳаким ва ажал”, “Ранжком”, “Соҳибқирон” сингари йирик бадий намуналар ҳамда улуғ итальян шоири Алигери Данте қаламига мансуб “Илоҳий Комедия” таржимасининг чуқур ва батафсил таҳлил этилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Улуғ шоирнинг санъат дунёсини илмий текшириш ва ёритиш жараёнида муаллифлар ўрни-ўрни билан Абдулла Орипов ҳақидаги айрим мақола ва мулоҳазаларга муносабат билдиришлари, кези келганда мунозарага киришишлари тадқиқотнинг илмий ва бадий-эстетик қимматини оширган. Энг муҳими, улкан санъаткоримизнинг бадий олами ҳаққоний ёритилган ҳамда илмий-эстетик таҳлил принципларига тўла риоя қилинган ушбу китобда мутлақ ҳукм бериш йўлидан борилмаган. Аксинча, мунаққидларнинг эркин таҳлил ва кузатишлари ўйлашга, фикрлашга ундаши, ҳатто мунозарага чорлаши билан эътиборга лойиқдир. Устоз Матқуб Қўшжоновнинг бой тажрибаси ва билими, истеъдодли адабиётшунос Сувоп Мелининг синчковлиги ва навқирон назари бир-бирига мос тушгани, бир-бирини тўлдирганини махсус қайд этиш ўринли, деб ўйлаймиз.

Ҳақиқий шеърият ихлосмандлари, айниқса, Абдулла Орипов лирикасининг нозиктабъ мухлислари маз-

кур китобга алоҳида бир қизиқиш билан ёндашишини олдиндан сезиб, ушбу ҳаяжонли ва қувончли мулоқот жараёнининг битта нозик томонини айтиб ўтмоқчи эдим. Асримизнинг атоқли санъаткорларидан А. Твардовский бир пайтлар “Пушкин ҳақида сўз” деб аталган машҳур нутқини шундай бошлаган эди: “Пушкин ҳақида сўзлаш, фикр юритиш айни шу масаланинг илк қарашда жудаям осон ва енгил туюлиши сабабли бениҳоя қийиндир”. Зотан, табиий ва туғма истеъдод маҳсули бўлган, содда ва сеҳрли ижод намуналари, мафтункор ва жозибадор бадий асарлар кўпинча шундай ғалати-ажойиб таассурот қолдиради. Улар хусусида гапириш, мушоҳада юритиш, ҳатто ҳукм бериш, негадир, қийин эмасдек, худди бир қултум сув ичишдек осон туюлаверади.

Абдулла Ориповнинг маънавий гўзаллик тимсолига айланган дилбар лирикасини ўқиганда, ажиб ва жозиб кўнгил тароналарини тинглаганда ҳам худди шундайин ўйларга, хаёлларга борасан...

Маконинг бўлибди тоғлар ораси,
Сенсан гўзалликнинг асли, сараси,
Маъюс юрагингда ишқнинг яраси,
Сен ҳам ошиқмисан ёки, оҳужон.

Даралар қўйнида нени истарсан,
Нечун доим ғамгин, доим мустарсан.
Латиф шижоатинг қайга қистарсан,
Сен ҳам ошиқмисан ёки, оҳужон.

Бу дилкаш шеърдаги ниҳоят даражада теран самимият, халқ қўшиқларидаги каби хадсиз соддалик, худди нондайин, сувдайин илоҳий оддийлик, одамни ҳайрон қолдирадиган қадрдонлик ва туғишганлик, шу билан бирга ёки шуларнинг умумий акс-садоси бўлиб қалб-бингизга сингиган чексиз муҳаббат Абдулла Орипов ҳақида илк қарашдагина пайдо бўлган алдамчи тасаввурнинг, яъни сўз айтиш “қийин” эмаслиги, фикр юритиш, ҳатто ҳукм бера олиш “осонлиги”нинг энг муҳим сабабларидандир. Аслида-чи? Аслида эса ушбу бири-биридан жозибадор қалб дурдоналарини етарлича ҳис қилиш, тушуниш, таҳлилу тавсифлаш худди нонни, сувни, тупроқни таърифлашдай мушкул...

Дарҳақиқат, бу содда ва самимий сўз дунёсига, соҳир ва саркаш туйғулар оламига чуқурроқ кириб борган сайин, шоир ҳақидаги ўша дастлабки алдамчи

таассуротнинг тумандай тарқаганини пайқамай қола- сиз. Ва сизнинг олдингизда зоҳиран жуда “осон”, мо- хиятан эса ўта мушкул бир муаммо — Миллатга, Ва- танга бепоен муҳаббатдан туғилган ва милёнлар қал- бини забт этган, бутун бир халқнинг буюк севгисига сазовор бўлган, олдин ўйлаганингиз сингари, унчалик осон ва содда бўлмаган сермаъно ва мураккаб санъат хусусида фикр юритиш машаққати, масъулияти турган- лигини англай бошлайсиз...

Қалбингизда хаёлот ва ҳиссиётга бой, мўъжизакор ва мафтункор шеърят билан яқинликдан, ошнолик ва ошуфталикдан туғилган сирли бир туйғу тинчлантир- майди сизни, нимадир ёзишга, ненидир сўйлашга ун- дайди. Ва ўшанда ҳам сиз, барибир, Абдулла Орипов- ни бор бўйи баста билан қамраб ололмайсиз, балки ўзингиз кашф этган, англаган, кўнглингиздан кечирган шоирдан сўзлайсиз, ёзасиз. Зеро, бошқача иложи ҳам йўқ. Умуман, буюк санъатни талқин қилишнинг ягона йўли ва усули ҳозирча топилган эмас. Борди-ю бун- дай «универсал» йўриқ кашф этилган тақдирда ҳам, ўшандай “ҳаммабон” ёндашув тарзи санъатни тушу- ниш ва тушунтириш жараёнига фақат ва фақат зар- рарли таъсир қилган бўларди.

Абдулла Орипов бадий тафаккуримизга олиб кир- ган қатор янгиликлардан бири, эҳтимол, энг муҳими унинг Ватан ва халққа муҳаббатни янгича ғоявий-эстетик мазмун билан бойитиши эди. Янги лирик қаҳрамон- нинг маънавий оламида ва ватанпарварлик туйғуларига жиддий бурилиш “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” (1964 й.) шеърдан бошланади. Бу шеърнинг эстетик таъсир кўлами шу даражада улканки, умуман 60-йил- лар ёш шоирларини Абдулла Ориповнинг изтиробли изланишлардан, тинимсиз ҳақиқат ахтаришлардан чарчамаган лирик қаҳрамонининг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” саволидан ўйларга толган, уйғонган авлод, деб аташ мумкин. Ҳа, бу бениҳоя оташин ва самимий шеър турли кураш қатағонларда ҳолдан тойган, ўзининг севимли ва фидойи фарзандларидан Сталин истибдоди туфайли ажралган жабрдийда Ватанга шун- чакки севги изҳори эмасди. Бу шеър севгидан ҳам улуғ- вор, муҳаббатдан ҳам муқаддасроқ туйғулардан, қан- дайдир сўз таърифига сиғмайдиган, илоҳий жозибадор кечинмалардан туғилгандай эди...

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?

Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.

Нечун Ватан дея еру осмонни.
Муқаддас атайман, атайман танҳо.
Аслида дунёда нима бор танҳо,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшими севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.

Дарҳақиқат, биз нечун севамиз Ўзбекистонни? Фақат гуллаб-яшнаган водийлари, жаннатмисол боғ-роғлари, ер ости-ер усти олтинлари, бойликлари учунгина сева-мизми Ватанни? “Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллай-ди” сингари таъриф-тавсифлар энди янги лирик қаҳра-мон туйғуларини, унинг Ватан ҳақидаги бутунлай бошқача тасавурларини етарли даражада ифодалай олмайди. Шоир шундай манфаатдор материалистик севгини қалбан инкор қилади, уни нотугал билади. Шеър давомида бот-бот такрорланадиган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” саволининг замирида замона-соз эътиқодларга, нопок давр ўстирган қалбаки му-ҳаббатларга шоирнинг жўшқин қалб исёнлари яши-ринган. Бу муҳаббат Абдулла Ориповдан бошланаёт-ган янги поэтик даврнинг эътиқоди ва қасамёди рамзи эди.

Ҳақиқатан ҳам “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеъри лирикамизда ватанпарварлик туйғусининг мо-ҳият ва мазмунидаги ўзгаришларнинг илк белгиси бў-либ, кўпчиликда янги ўзбек шеъриятининг дадил поэтик манифестидай чуқур таассурот қолдирганди.

Абдулла Орипов сўз дунёсига юртимизнинг чексиз фожияларини, халқимизнинг адоқсиздардларини куйлаб кириб келган. Азобкаш ўзбекнинг армонларида туғил-ган бу беназир шеъриятнинг ҳар мисраси, ҳар бир сўзи Она Ватанга, Ота юртга бепоён муҳаббат алангасида исинган десак, муболаға бўлмас. Агар Абдулла Ори-повнинг салкам қирқ йиллик ижодини бир сўз билан умумлаштириш зарурати туғилса, шубҳасиз, уни “Ўз-бекистоннома” аташ тўғрироқ бўлади. Унинг барча шеърларида бу муаззам ва муҳташам образнинг, албат-та, у ёки бу хислати айтилган, ранг-баранг қирралари ўз аксини топган, дейиш мумкин.

Халқнинг ўтмиши ёки истиқболи, бугунги қувонч ва ташвишлари билан чамбарчас боғланмаган биронта шеърни Абдулла Орипов лирикасида учратиш қийин. Илк қарашда Ватан, Халқ тушунчаларидан йироқдай туюлган мавзуларда битилган асарларда ҳам биз ўша узвий алоқани кўриб ҳайратланамиз. Ҳатто табиат ҳо-

дисаларига, фаслларнинг поэтик тасвирига бағишланган шеърларда ҳам эл-юрт тақдирдан безовта қалбнинг ҳаяжонлари гувоҳи бўламиз. Шоирнинг “Ўзбекистонда куз” (1965 й.) шеъри ушбу сўзларимизнинг умумлашма далилидир.

Теран дард билан суғорилган миллийлик ва халқчиллик Абдулла Ориповнинг аксарият шеърларига сингиган ёрқин маънавий-ахлоқий хусусиятдир. Бу шоир ижодининг ташқи-зоҳирий аломатларидагина эмас, балки кўпроқ моҳиятида сезилади. Нарса ва ҳодисалар мағзини муаллиф кўпинча ана шу нуқтаи назар ва мавқедан туриб ёритади. Уларнинг миллий-фалсафий маъносини, қирраларини очишга интилади. “Ўзбекистонда куз” шеърида шоир атайин “сонсиз эгатларга сочилган”, “ризқи она ерга сепилган”, “ҳар битта эгатга эгилган халқим” сингари бадий сифат ва ибораларга ургу беради. Худди мана шундай образли ифодалар орқали ўзбек кузининг ўзига хос миллий қиёфасини, ижтимоий мазмунини гавдалантиришга интилади. Шеърнинг охирида лирик қаҳрамон яна ўша поэтик таъкидга қайтади: “Дўстгинам, пайтимас, айлаб сайрибоғ, Хилватда ўй суриш ярашмас бугун. Заҳматкаш ўзбекининг ҳосили қандоқ? Кузнинг фалсафаси шудир биз учун”. Ушбу таъкид шеърнинг пафосини теранроқ тушунишга ёрдам беради. Шоир ўз ниятини жудаям аниқ ифодалаган: унинг дунё ва табиат ҳақидаги ўйлари, кечинмалари меҳнаткаш юртнинг тақдири ва ташвишлари билан узвий боғлиқдир.

Биз улуг шоирнинг бутун шеъриятига мунис бир халқ ғами, поёнсиз бир миллий кадар сингиганлигини ҳали таъкидлаган эдик. Ватаннинг ўтмишию бугунини, юртнинг тўю шодиёнларини, элнинг хурсандчилик чоғларини ўйлаганда ҳам, донишманд кўнгилнинг камёб қувончли кечинмаларида ҳам ўша улкан умуммиллий ғамнинг учқунларини учратаверамиз. Ўзбекистон табиатининг бетакрор гўзалликлари, бир-биридан ажойиб фасллари, дарёю далалари, сарбаланд тоғларию бебаҳо ўрмонлари тасвирланган шеърларда ҳам Ватан ва халқ фожиаларининг янгидан-янги қирралари, биз унча билмаган, кутилмаган шафқатсиз манзараларига дуч келаверамиз. Айни шу боис Абдулла Орипов ижодига она юрт, халқ тақдири билан у ёки бу даражада боғланмаган, фақат муайян бир мавзу билан чекланган, соф лирик кайфият ифодасигина бўлиб қолган намуналарни камдан-кам кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ўринда 60-йиллар ўзбек лирикасининг ноёб намуналаридан бири “Саратон” шеърини эслаш жоиздир. Илк қарашда шеър Туркистон ёзининг авж палласи — саратон чоғининг анъанавий поэтик васфидай кўринади. Дарҳақиқат, шеърнинг бошланмасида шундай ўйлашга асос бордай туюлади — ҳар бир сатрда ўзбек саратонининг тафти ва ҳароратли нафаси сезилади.

Бироқ бу гаплар шоирнинг асл мақсадига дебоча холос. Шеърнинг асл мақсади, устувор кайфиятини устоз мунаққид Озод Шарафиддинов 70-йиллардаёқ қуйидагича таъкидлаб ўтган эдилар:

«...Шоирнинг асосий мақсади кўкдан шафқатсиз олов сели қўйиладиган, “гўдак уҳича ҳам шамол” тошилмайдиган палланинг поэтик манзарасини чизиш эмас, балки шу манзара баҳонасида халқ жасоратини, қаҳрамонона меҳнатини, фидокорлигини улуғлашдир. Энг муҳими шундаки, шоир деҳқоннинг қаҳрамонлиги шарафига баландпарвоз мадҳиялар ўқимайди, балки бевосита шу қаҳрамонликнинг ўзини кўрсатади»¹.

Она Ватан ва бобо деҳқон образлари Абдулла Орипов шеърларида кўпинча ёнма-ён келади. Бу тасодифий эмас, албатта. Шоир мунис-мушфиқ юрт қисматини бобо деҳқон тақдиридан айри тасаввур қилолмайди. Ватан ва халқ тушунчалари, унинг назарида, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, абадий ажралмасдир. Зеро, мана шу оддий тупроқ унинг сийнасида она халқ яшагани учун муқаддас саналади. Абдулла Орипов бу узвий бирликни, ҳаётий яхлитликни чуқур англайди. Шоирнинг лирик қаҳрамони ана шу жонажон Ватанни, жонажон халқни ҳимоя қилиш, кўз қорачиғидай асраб-авайлаш заруратини ҳам бутун вужуди, борлиғи билан сезади. Шу боис Ватаннинг шонли-шавкатли ўтмишидан сўз очганда ҳам, истиқболини ўйлаганда ҳам мушфиқ-муштипар эл-улус ташвишлари унинг хаёлидан кўтарилмайди. Бўлмаса, шоир ўзбек тарихининг пурвиқор чўққиларида илҳом оғушида кезинган чоғларида, кўнгил Ватан ва аждодлар ифтихори билан тўлиб-тошган сурурли лаҳзаларда бирданига ўша мунис заҳматкашни, бағри кенг ва беғубор, “ялангтўш, яёв” бобо деҳқонни ўкинч билан эслармиди...

Абдулла Орипов ижодида, ҳатто илк шеърларидаёқ поэтик фикрнинг кўлами ва бениҳоя изчил ҳаракати

¹ Озод Шарафиддинов. Ҳаёт билан ҳамнафас. Т.: «Ёш гвардия» нашриёти, 1983, 160-б.

кишини лол қолдиради. Лирик “мен”нинг ранг-баранг кечинмаларида ва тахайюл оламида бир улуг мақсад сари тинимсиз интилиш кўзга ташланади. Бу — умум-миллий кайфиятни, янада аниқроғи, умумхалқ кадарини ифодалашга интилишдир. Шоирнинг илк қалам тажрибаларидан бўлган, ўттиз беш йилча муқаддам ёзилган “Куз хаёллари”дан тортиб яқинда яратилган “Ишонч кўприклари” шеърига—барча-барчасида халқимизнинг алам ва армонлари, дард ва ташвишлари билан йўғрилган ёниқ қалб манзараларини кўрамиз. Аён бўладики, Абдулла Орипов ижодий изланишларининг етакчи пафосини, азалий ва бош мақсадини азиз Ватан, дунёдаги ҳамма нарсалардан қадрли ва табаррук жонажон халқ тақдирини, истиқболини, энг олий ватандошлик туйғуларини куйлаш ташкил қилади.

Умуман, мустамлака давридаги адабиётимизда, хусусан Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдулла Қодирийлардан кейинги ярим асрлик адабий ҳаракатда халқ ҳаётининг Абдулла Орипов ижодида бўлганидай жонли ва таъсирчан тасвирини кўрмаймиз. Маълумки, истибдод сиёсати авж олган, айниқса, ўша машъум йилларда адабиёт халқ ҳаётини зўравон ва мустабид мафкура йўл-йўриқларидан, сиёсий-расмий-маъмурий буйруқ ва кўрсатмалардан келиб чиққан тарзда ёритишга мажбур ва маҳкум этилганди. Бадий ва ижтимоий фикрни ушбу қуллик ва мутелик асоратидан халос этишга бел боғлаганлардан бири, эҳтимолки, биринчиси Абдулла Орипов эди. Бутун вужудимизга чирмовуқдай чирмашган, ҳатто, қалбимизга ва фикримизга ҳам ҳукм ўтказаяётган манфур мафкуранинг даҳшатли асоратини илк бор у ёриб чиқди. Абдулла Орипов лирикаси миллий руҳнинг дастлабки ва буюк ғалабаси эди.

Бу ўринда Абдулла Орипов шеърятининг ушбу китоб муаллифлари эътиборида турган яна бир диққатга сазовор хусусиятини айтиб ўтиш зарур. Гап шундаки, миллий қутулишни куйлаётган, истиқлолга чорловчи бадий ижодда кўпинча иккита йўналиш — халққа муносабат ва мурожаатда икки хил ёндашув ёнма-ён келади, бир-бирини тўлдиради. Бир томондан, чидаб бўлмас ва фожиавий ҳаёт манзараларини тасвирлаш орқали халқда ўзи кўниккан, мазлум ва муте ҳаёт тарзидан воз кечиш туйғулари тарбияланса, иккинчи томондан эса халқнинг тарихию ўтмишини, маънавий буюклигию бунёдкорлик қудратини куйлаш воситасида унда ўзига,

Ўз куч-қудратига ишонч, ҳаёт-мамонт курашига маънавий эҳтиёж, ўзлигини жасорат билан намоён қилиш ҳислари уйғотилади. Абдулла Орипов лирикасида мазкур эстетик таъсир йўналишлари узвий суратда туташиб кетганини алоҳида таъкидлаш даркор. Шоирнинг бир-биридан дардманд қатор шеърларида халқимизнинг кўрган-кечирганлари исёнкор оҳангларда акс этса, яна бошқа ўнлаб асарларида шонли-шавкатли кечмишларимиз, ўзбек тарихининг улугвор ва сарбаланд чўққилари, маънавий-руҳий дунёимизнинг олис-яқин юлдузлари ўз бебаҳо ижоду кашфиётлари билан, нафақат миллатимиз, балки Ғарбу Шарқ, бутун инсоният маънавияти ва ақлу заковатига мислсиз ҳисса қўшган бобокалонларимиз чексиз меҳр-муҳаббат билан васф этилади.

Шоир фақат бу кунни эмас, ўтмишларни тасвирлаётганда ҳам биринчи галда миллий онг ва идрокни бойитишни, халқ руҳини кўтаришни, тарихнинг унутилаётган саҳифаларини поэтик хотиранинг мўъжизавий қудрати билан тиклаш орқали миллат маънавиятининг бутунлиги ва чинакам кўламини намоён қилишни, қалбимизда ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор сингари ҳаётий зарур туйғуларни кучайтиришни кўзда тутади.

* * *

Сиз Ғамзада кўнгилнинг ҳасратли андуҳларидан ёзилаётган турганингизда, дард дастидан юрак зирқираб оғриётганида ҳам дафъатан халқнинг буюклигини, Ватан мангулигини таъкид билан куйловчи нажотбахш мисраларга дуч келасиз — кўнгилнингиз, кўзингиз ёришиб кетди:

Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборақ бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.
Фақат сен қалбимга чўқтирмай малол
Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар эҳтимол,
Фақат сен дунёда мангу қолурсан.

Сиз фаромуш ўйлар, тушқун хаёллар оғушида мажолсиз-мадорсиз ёлғиз қолганингизда, «Наҳотки дунёда ҳақсизлик мангу» дея жавобсиз саволлар гирдобида қийналганингизда, яна қайдандир ўша салобатли ва

Ғолиб овоз пайдо бўлиб, тантанавор янграйди. Мағлуб
руҳингизни ожизлик чангалидан қутқаради...

Ҳойнаҳой, даҳоси туганмас жой бу...

Сиз эрксевар юрак қони билан битилган тутқун юрт
тарихини ўқиб, мустабид дунёнинг сонсиз ёвузликлари-
дан зада шоир қалбидан отилиб чиққан “Озод бўлар-
микаи нотавон Ватан?” саволи олдида мунғайиб, ҳас-
ратли ўйларга толганнингизда, ўша донишманд

Буюкликдан буюклик туғилиб келган доим,

дея сизга таскин-тасалли бергандек бўлади...

Абдулла Орипов буюк халқнинг буюк Истиқболига
барчадан кўпроқ ишонарди. Унинг шеъриятида Истиқ-
лол ғоялари ана шу ишонч туйғуларидан озиқланиб,
ривожланди. Миллий маънавият ва халқ ҳаётининг те-
ран бадий таҳлили орқали шоир эрта ёшлигидаёқ
Ватанимиз учун Истиқлол муқаррарлигини, ҳаво ва
сувдай зарурлигини чуқур англаб етганди. Хуллас,
Абдулла Ориповнинг дардманд, пурғам ва шиддатли
шеъриятига озодлик нафаси, Истиқлол кайфияти, исён-
кор кечинмалар шу тариқа кириб келади...

Ҳурматли шеърхон, сиз мароқ билан ҳозиргина ўқиб
тугаллаган мазкур китоб севимли шоиримиз ҳақида
узил-кесил сўз дегани эмас, албатта. Муаллифлар ўз-
лари ардоқлаган, ҳис қилган ва англаган Абдулла Ори-
повдан сўз очар эканлар, шоир ижодининг миллий ба-
дий тафаккур тараққиёти нуқтаи назаридан ғоят муҳим
туюлган нуқталарини ёритишга уринганлар. Иккинчи
томондан эса битта ихчамгина китоб доирасида катта
шеърятнинг барча қирраларини очиб бериш илож-
сизлигини ёдда тутишингизни истар эдик. Энг муҳими,
улкан санъаткоримиз асарларига самимий муҳаббат,
чин ихлос билан ёзилган ушбу китоб Сизнинг Абдулла
Орипов, қолаверса янги ўзбек шеърияти ҳақидаги ўз
ўй ва тасаввурларингизни бойитишга, янада чуқурлаш-
тиришга ҳисса қўшади, деб умид қиламиз. Айни шундай
маънавий мулоқот жараёнида туғилган айрим таассу-
рот ва кузатишларни каминада сиз билан ўртоқлашиш
истаги пайдо бўлганлигини айбга буюрмайсиз. Зотан,
бизнинг юқоридаги адабий ўй ва мулоҳазаларимиз ҳам
ҳаммамизнинг қалбимиздан мустаҳкам жой олган, мил-
лий маънавиятимизнинг ажралмас бўлагига айланган
ажойиб шоиримиз шеъриятига сўнги сўз эмас...

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
I. Ориф бобо хузурида	4
II. Истеъдоднинг тугилиши	8
III. "Ўзимпикни эрур шу созим"	19
IV. Озор нидосининг изҳори	29
V. Меҳр билан азиядир инсон	39
VI. Вафо талқини	46
VII. Муҳаббат ва ўлим	50
VIII. Олий бахтим шеърят	55
IX. Шекспирнинг руҳдоши ёки Кўнгил — сўнгги бекат	65
X. Чигатойда тугилган тургилк	70
XI. Тилла балиқча фожияси	76
XII. Юксак фазоларда учрашув ёки зукко мезбон	89
XIII. Лирик фожелик	106
XIV. Найпнинг поласи — кимнинг поласи	114
XV. "Соҳибқиров" драмаси	119
Яшар Қосим, Истиқлол шеърятини. (Сўнгсўз ўрнида)	125



Адабий-танқидий нашр

МАТЕҚУВ ҚУШҚОНОВ, СУВОН МЕЛИ

АБДУЛЛА ОРИПОВ

Тошкент «Маънавият» 2000

Мухаррир *Р. Қобулова*
 Мусаввир *С. Соин*
 Бадиий муҳаррир *С. Аъзам*
 Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*
 Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*

Теришга берилди 06.01.00. Босишга рухсат этилди 15.02.00 Бичими 84x108^{1/32}.
 Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т.
 7,14. Шартли кр.-отг 7,56. Нашр т. 7,06. 3000 нусха. Буюртма № 1.
 «Маънавият» нашриёти, Тошкент, Шодлик кучаси, б. Шартнома 1—2000.
 Нархи шартнома асосида,

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб.
 журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
 кўчаси, 1-уй. 2000.

Абдулла
ОРИПОВ

ШЕЪРААР
Дунё



АБДУЛЛА
АРИПОВ

ЛЮБОВЬ
К ЖИЗНИ



Hür Ülkem

А
БДУЛЛА
АРИПОВ

Муножот

сайланма



Абдулла Орипов
Йилмар армони

ХАЙРА

А
Шеърлар
АБДУЛЛА
ОРИПОВ

Бодат



АБДУЛЛА
АРИПОВ

Maarifiyat